ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент -2011

Инглиз тили ўқитиш методикаси фанидан ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: ЎзДЖТУ. 2011 й. 277 бет.

АННОТАЦИЯ: Ушбу ўқув-услубий мажмуада “Инглиз тили ўқитиш методикаси” фани бўйича таълим технологияси кўрсатилган. Технологик карта тузиш қонун қоидалари асосида тузилган, унда дидактик таълимотлар, маъруза ва семинар машғулотлари, тестлар берилган. Маъруза матнлари слайд шаклида кўрсатилган. Бакалавр йўналишидаги филология факультети 3-курс талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: **к**атта ўқитувчи **Содиқов Б. С.,** доцент **Бўтаев Ш. Т.,**
ўқитувчи **Тиманова Р. В.,** ўқитувчи **Азизова Ф. С**

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори, профессор Саттаров Т.К.
педагогика фанлари номзоди, профессор Ахмедова Л.Т.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (20 йил_____даги “____” баёнома)

Ўқув –услубий мажмуа олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2011 йил “____”_____даги____-сони қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА
ТАРКИБИ

Фаннинг намунавий дастури……..……..……..……..4
Фаннинг ишчи ўқув дастури…….…….……...…….21
Календарь тематик режа……...……..32

Фанни ўқитиш технологияси:……..……..40
А) маърузалар мазмуни…….…….…….43
Б) семинар (амалий) машғулотлар мазмуни…….……..158
Г) мастақил ишлар мазмуни…….189

ЖН, ОН, ЯН буйича назорат саволлари……..190
Тестлар……201
Глоссарий……..……220
Мустақил ўрганиш учун тавсия этиладиган мавзулар руйхати…….....221
Тавсия этилаетган битирув малакавий ишлар хамда магистрлик диссертациялари мавзулари руйхати……222
Кургазмали тақдимот слайдлари…….224

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД -52201-402
2008 йил «23»август

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 200 8йил “23»
августдаги «263» -сонли
буйруғи билан тасдиқланган

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(инглиз, немис, француз, испан тиллари)

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: *200000 – Гуманитар фанлар ва санъат*

Таълим соҳаси: *220000 – Гуманитар фанлар*

Таълим йўналиши: 5220100 – *Филология (инглиз, француз, немис, испан тиллари)*

Тошкент – 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, таълим ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 200 йил “8”20.08 даги « 4 » -сон мажлис баёни билан маъқулланган

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:
И.Я. Ёқубов - ЎзДЖТУ доценти
З.И. Абдушукурова - ЎзДЖТУ доценти

Тақризчилар:
Т.Қ. Саттаров - ТДЮИ профессори, п.ф.д.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (200 8 йил “26”июндаги 11-сонли баённома)

Кириш

Мазкур ўқув дастури «Таълим тўғрисидаги қонун», «Давлат таълим стандарти», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида тузилди. У Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда бошқа олий ўқув юртларининг филология факультетлари таълим бакалавриатура босқичи учун мўлжалланган.

Дастур чет тиллар ўқитиш методикаси фани бўйича бакалавр талабаларини тайёрлашга қаратилган бўлиб, уларни бўлажак касбий фаолиятларига асос бўла олади ҳамда турли ўрта ўқув муассасалари (ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари)да ўқитувчилик касбига тайёрлайди.

Талабаларни замонавий педагогик технологиялар, чет тили ўқитиш тамойиллари, метод, усул ва воситалари билан таништиради.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Ўқув фанининг мақсади

1. Чет тили (инглиз, француз, немис, испан) ўқитиш жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, шунинг учун ҳам чет тили ўқитиш методикасидан тузилган ўқув дастури жамият ва давлат манфаатлари, талаблари ва мақсадлари асосида тузилган.

2. Бўлажак мутахассислик-ўқитувчилик учун чет тили ўқитиш методикасидан кенг назарий билим бериш назарда тутилади.

3. Бўлажак мутахассис-ўқитувчиларда чет тили ўқитишнинг метод, тамойил, йўл, усул, воситалари бўйича билим бериш ва уларни амалда самарали қўллаш, кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Ўқув фанининг вазифалари

Талабаларни ўрта умумтаълим мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда чет тили ўқитиш методикасининг мазмуни билан таништириш.

Ўқувчи, талабаларни чет тили (инглиз, немис, француз, испан) ўқитишнинг илғор метод ва усуллари билан таништириш.

Ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўргатиш.

Маъруза, семинар машғулотлари орқали чет тили ўқитувчиси учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни амалий шакллантириш ва ривожлантириш.

Оғзаки ва ёзма нутқ шаклларида мулоқот қилиш методикасини амалда қўллашни ўргатиш.

Бўлажак чет тили (инглиз, немис, француз, испан) ўқитувчиларини махсус илмий-методик адабиётлар билан ишлашга ўргатиш орқали ўз касби устида мустақил шуғулланишга, илмий ишларга тайёрлаш.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Чет тили ўқитиш методикаси (инглиз, немис, француз, испан) ўқув фанини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида таълимнинг бакалавр босқичи талабаларидан ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитиш методикасидан назарий ва амалий билимларни эгаллаш талаб қилинади.

1. Назарий билимларни эгаллаш бўйича талаблар:

- чет тили ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари, предмети, илмий-тадқиқот методлари, методик тушунчалар, воситалар, методлар, тамойиллар, усуллар, машқлар тизимини билиш;

- тил ўрганувчиларга тил материалини (талаффуз, лексика, грамматика) методикасини тушунтириш;

- чет тилида нутқ фаолияти турларини-тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакаларини ўргатишни билиш;

-чет тили ўқитиш жараёнини ташкил қилиш, режалаштириш, дарс режаси тузиш ва рейтинг тизимини билиш;

2. Амалий билимларни эгаллаш бўйича талаблар:

-чет тили ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, усулларини билиш;

-тил материали бўйича нутқ кўникмаларини шакллантиришга оид билимга эга бўлиш;

-нутқ фаолияти турлари бўйича малакаларни шакллантиришга оид билимга эга бўлиш;

-ўқув жараёнини ташкил этиш, дарс режасини тузиш, тил ўрганувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга оид билимга эга бўлиш.

3. Тил материали (фонетика, лексика, грамматика) быйича кыникмаларга оид талаблар:

-тил материали қийинчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш усулларидан фойдалана олиш;

-кўргазмали қурол ва техник воситалардан фойдалана олиш;

-тил материали быйича малакаларни шакллантирувчи, ривожлантирувчи машқлар туза олиш;

-таълимнинг дидактик ва методик принципларини қўллай олиш;

-тил ўрганувчиларнинг ўрганилаётган тил бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва б.

4. Нутқ фаолияти (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) турлари ва ўқитиш жараёнини ташкил қилиш малакаларига оид талаблар:

-ўқувчиларни тинглаб тушунишга ыргатиш;

- монолог, диалог нутқ шаклларини ўргатиш;

- ўқиш техникасини ўргатиш;

-матнни ўқиб унинг умумий ва асосий мазмунини тўлиқ тушунишни ўргатиш;

-ўқиш турларини ўргатиш;

-ёзувни ўргатиш, воситаларни қўллаш;

-хорижий мамлакат ўқувчилари билан хат ёзишни ташкил қилиш;

-дарсни режалаштириш;

-ўтилган дарсни ва ўзгалар дарсини таҳлил қилиш;

-дарсни замонавий талаблар асосида ўтиш.

Чет тили ўқитиш методикаси бошқа фанлар билан доим алоқада бўлади. Методикага яқин бўлган фанлар сирасига амалий чет тили, тилшунослик, психология, педагогика фанлари киради. Чет тили ўқитиш методикаси уларга таянади, улардан фойдаланади. Тилшуносликдан тил ва нутқ дихотомияси, тил материалининг қийинчиликларини аниқлаш учун қиёсий таҳлил натижалари каби маълумотларни олади.

Асосий чет тилидан тил материалини – чет тили лексикаси, грамматикаси, фонетикаси, нутқ фаолияти турлари-тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув бўйича керакли маълумотларни олади ва уларни ўргатиш методикасини тайёрлайди, ўрганади, ўргатади.

Психология фанларидан чет тили ўқитиш методикаси тил ўрганувчиларнинг ёшлик хусусиятлари, мотивация, психологик механизмлари (хотира, диққат, тафаккур, тасаввур, идрок ва б.)нинг ишлаш жараёнларига оид маълумотларни олади.

Чет тили ўқитиш методикаси педагогика фанларига ҳам таянади, асосланади, улар билан алоқада бўлади. Педагогика фанлари ўқув фанларини ўқитиш, ўргатиш мақсад вазифаларини, тамойил, метод, усулларини ишлаб чиқиб, ҳар бир фанга чет тили ўқитиш методикасига йўл-йўриқ кўрсатади.

Чет тили ўқитиш методик, дидактик принципларга таянади. Бироқ дидактик принципларни қўллашда чет тили предметининг хусусиятлари ҳисобга олинади.

Фаннинг амалиётдаги ўрни

Чет тили ўқитиш методикаси таълим йўлланиши бўйича бакалавр тайёрлашнинг ажралмас қисмидир. Асосий ўрганилаётган чет тили (инглиз, немис, француз, испан) касбий фан ҳисобланади.

Талаба-бакалавр ўрта-умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда чет тили ўқитувчиси бўлиб ишлашни кўзда тутади. Чет тили ўқитиш методикаси чет тил ўқитувчисини тайёрлашда асосий бўғин ҳисобланиб, у мутахассисликка асосланган барча фанларга оид билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассам этади.

Фанни ўқитишда ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларни асосий ўрганилаётган чет тили (инглиз, немис, француз, испан) фанини ўргатишни назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш, таълимнинг илғор ва замонавий тамойил, метод, усуллари билан таништиришда янги информацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим ўрин тутади. Чет тили ўқитиш методикасини назарий ва амалий эгаллашда маъруза, семинар, амалий машғулотлар, тарқатма ва электрон материаллардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Чет тили ўқитиш методикаси фанини ўрганиш, ўргатишда замонавий чет эл методларидан, интернет маълумотларидан, электрон ўқув адабиётла-

ридан фойдаланиш чет тили ўргатиш-кўникма ва малакаларини назарий ва амалий эгаллашда юқори самара беради.

Асосий қисм

Фаннинг назарий ва амалий машғулотлари мазмуни

Чет тили ўқитувчисининг тайёргарлиги, лингвистик, педагогик, психологик, методик, маънавий-маърифий, лингвокултурологик қисмлардан иборат. Бакалавр даражасини олиш учун университетнинг филология факультетларида «чет тили ўқитиш методикаси» курси ўқитилади. Ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида чет тилларни ўқитиш методикаси:

1) бўлажак касбий фаолият учун талабаларга методикадан чуқур назарий билим беради;

2) талабаларга чет тиллар ўқитишнинг илғор, замонавий методлари, технологияси, воситалари, иш шакллари ва усулларини ўргатишни назарда тутади;

3) талабаларда метод, усул, воситаларни ижодий қўллаш ва амалий ишлата олиш малакасини шакллантиради.

Методика курси маъруза, семинар машғулотлари, мустақил ишлар, педагогик амалиётдан ташкил топади. Методика курси талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш билан якунланади.

«Чет тиллар ўқитиш методикаси» ўз ичига қуйидаги қисмларни олади:

I. Чет тиллар ўқитишнинг назарий асослари.

II. Тил материаллари ва нутқ фаолиятининг турларини ўргатиш икки қисмдан иборат:

А. Тил материали-талаффуз, лексика, грамматикани ўргатиш;

Б. Нутқ фаолияти – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув турларини ўргатиш.

III. Ўрта умумтаълим мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитиш жараёнини ташкил қилиш.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва олий ўқув юртлари филология факультетларида чет тили ўқитиш методикасидан-учинчи босқичда маъруза, амалий-семинар машғулотлари олиб борилади, талабалар мустақил ишлар бажарадилар. Тўртинчи босқичда эса педагогик амалиёт ўтказилади, малакавий иш ёзилади.

Амалий ва семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

1. Маъруза мавзулари:

I. Чет тили ўқитиш назарияси.

1. Чет тили ўқитиш методикасининг назарий асослари.

2. Методика фанининг яқин фанлар билан алоқаси.

3. Чет тили ўқитишнинг мақсад, мазмуни, тамойил, метод ва воситалари, ўқув методик тўплами.

4. Замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методлар асосида чет тилини ўргатиш.

5. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида тил сиёсати ва тил таълими.

6. Жамиятнинг интеграция ва глобализация жараёнида чет тил таълими.

7. Маданиятлараро алоқа қилиш лаёқати ва унга яқин бўлган тушунчалар: лисоний шахс, иккиламчи лисоний шахс, лаёқат (компетенция), коммуникатив лаёқат ва унинг таркибий қисмлари, Европа Иттифоқи стандарти.

8. Лингводидактика чет тили таълимининг методологик асосидир.

II. Чет тилида тил материаллари ва нутқ фаолиятининг асосий турларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш ва назорат қилиш рейтинги:

А. Чет тилида тил материалларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш ва уларга тегишли кўникмаларини текшириш, назорат қилиш рейтинги:

Амалий ва семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

1. Маъруза мавзулари:

I. Чет тили ўқитиш назарияси.

1. Чет тили ўқитиш методикасининг назарий асослари.
2. Методика фанининг яқин фанлар билан алоқаси.
3. Чет тили ўқитишнинг мақсад, мазмун, тамойил, метод ва воситалари, ўқув методик тўплами.
4. Чет тилини замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методлар асосида чет тилини ўргатиш.

5. Жамият тараққиётининг щозирги босқичида тил сиёсати ва тил таълими.

6. Жамиятнинг интеграция ва глобализация жараёнида чет тил таълими.

7. Маданиятлараро алоқа қилиш лаёқати ва унга яқин былган тушунчалар: лисоний шахс, иккиламчи лисоний шахс, лаёқат (компетенция), коммуникатив лаёқат ва унинг таркибий қисмлари, Европа Иттифоқи стандарти.

8. Лингводидактика чет тили таълимининг методологик асосидир.

II. Чет тилида тил материаллари ва нутқ фаолиятининг асосий турларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш ва назорат қилиш рейтинги:

А. Чет тилида тил материалларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш ва уларга тегишли кўникмаларини текшириш, назорат қилиш рейтинги:

5. Талаффузни ўргатиш.
6. Грамматикани ўргатиш.
7. Лексикани ўргатиш.

Б. Чет тилида нутқ фаолиятининг асосий турларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш, нутқ малакаларини текшириш ва назорат қилиш рейтинги.

8. Тинглаб тушунишни ўргатиш.
9. Гапиришни ўргатиш.
10. Ўқишни ўргатиш.
11. Ёзувни ўргатиш.

III. Ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитиш жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш.

12. Мажбурий курс:
А. Режалаштириш.
Б. Чет тили дарси.
В. Дарслик билан ишлаш.

13. Факультатив курс:
А. Чет тиллар бўйича синф, мактаб, аудиториядан ташқари ишлар;
Б. Факультатив машғулотлар;
В. Мустақил ишлар.

Семинар машғулот мавзулари

1. Чет тили ўқитиш методикасининг назарий асослари.
2. Чет тили ўқитишнинг мақсад, мазмун, тамойил, метод ва воситалари, ўқув-методик тўплам.
3. Замонавий педагогик технологиялар.
4. Чет тили талаффузини ўргатиш.
5. Чет тили грамматикасини ўргатиш.
6. Чет тили лексикасини ўргатиш.
7. Чет тилида тинглаб тушунишни ўргатиш.
8. Чет тилида гапиришни ўргатиш.
9. Чет тилида ўқишни ўргатиш.
10. Чет тилида ёзувни ўргатиш.
11. Чет тили ўқитишни режалаштириш.
12. Чет тили дарси.

Маърузалар мазмуни

I. Чет тили ўқитиш методикасининг назарий асослари

1-мавзу. Методика чет тили ўқитишнинг назариясидир. Чет тили ўқитиш методикасининг предмети. Методика курсининг вазифаси бўлажак ўқитувчиларни педагог амалиётга, ўқитувчиликка тайёрлашдир. Методика чет тили ўқитиш ҳақидаги фандир. Умумий ва хусусий методика, экспериментал ва тарихий методика. Чет тили ўқитиш методикасининг педагогика фанлари тизимига тааллуқли эканлиги. Методика фанида қўлланадиган илмий тадқиқот методлари: республикамиз ва чет эл мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, турли типдаги ўқув юртларида тил ўқитиш ва ўрганиш тажрибаларини ўргатиш, кузатиш, эксперимент, тажриба машғулотлари, анкета ва тестлар ўтказиш.

Асосий методик тушунчалар: ёндашиш, метод, тамойил (принцип), усул, восита, ўқитиш тизими. Метод, усул, методик усул ва воситаларнинг таълим мақсад ва босқичларига боғлиқлиги. Машқ чет тили ўргатишнинг асосий компонентидир. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти турларининг нисбати.

2-мавзу. Методиканинг асос ва яқин фанлар билан алоқаси. Чет тили ўқитишнинг тилшунослик асослари. Тил ва нутқ. Уларнинг фарқи. Чет тили ўқитишнинг ўрни. Моделлаштиришнинг аҳамияти. “Модел”, “намуна гап” ва “нутқ намунаси” тушунчалари. Нутқ намунаси – оғзаки нутқни ўргатишнинг асосий бирлиги.

Чет тили ўқитишнинг психологик асослари.

Нутқнинг психологик тавсифи: оғзаки ва ёзма нутқ, ташқи ва ички нутқ, репродуктив ва рецептив нутқ. Чет тили ўқитишда тафаккур, хотира, идрок, қизиқиш, “билим”, “кўникма” ва “малака” тушунчалари. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш йўллари.

Чет тили ўқитиш методикасининг психолингвистик асослари.

Нутқ, нутқ механизмлари, нутқнинг пайдо бўлиш босқичларига оид гипотетик назариялар, ахборотни қабул қилиш босқичлари тарбия тамойиллари, тарбиявий мақсадни амалга ошириш усуллари.

Чет тили ўқитишнинг педагогик асослари. “Чет тили” фанининг ўқув юртида ўқитиладиган предметлар орасида эгаллаган ўрни.

Чет тили ўқитишда дидактик тамойилларнинг татбиғи.

3-мавзу. Турли типдаги ўқув юртларида чет тили ўқитиш мақсад, мазмун, метод, тамойил ва воситалари. Ўқув-методик тўплам.

Чет тили таълимининг мақсадлари:

- турли типдаги ўқув юртларида чет тили ўқитишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ўқувчи ва талабаларга бошқалар фикрини тинглаб тушуниш, ўқиб маълумот олиш ва фикрини оғзаки ва ёзма баён этишни ўргатиш.

Коммуникатив мақсад: чет тилидаги маълумотни ўзгага бериш ва уни ўзгалардан қабул қилиш. Тилдан таълим бериш, ўқувчи ёки талабалар тафаккурини янада ўстириш, она тилини яхшироқ англаб олиш, чет тилининг хусусияти ҳақида янги билимларни эгаллаш;

Умумтаълимий мақсад: тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, маданияти, адабиёти, анъаналари ва урф-одатларини ўрганиш асосида ўқувчи ва талабаларнинг умумий ва лингвистик дунёқарашини кенгайтириш.

Тарбиявий мақсад: чет тили воситасида ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш. Уларга ахлоқий ва эстетик тарбия бериш метод ва вазифалари.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчи ва талабаларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишини, уларнинг дунёқарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлашини, меҳнат қилиш маданиятини, мустақил билим олишнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари. Ривожлантирувчи

мақсаднинг ўқувчи, талаба шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион (ички туртки) хусусиятларини, уларни ривожлантириш усуллари.

Чет тили ўқитиш мазмуни. “Ўқитиш мазмуни” тушунчаси. Чет тили ўқитиш мазмуни ҳақида турли фикрлар. Чет тили ўқитиш мазмунининг таркибий қисми.

Тил материали турлари: талаффуз (фонетик), грамматик, лексик материаллар.

Чет тилидан нутқ кўникма ва малакалари.

Оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари.

Ижтимоий маданий материаллар.

Таълим методи тушунчаси. Таълим методи танлашнинг қуйидаги омилларга боғлиқлиги:

- таълим мақсадлари ва мавзуни ўқувчи ва талаба она тилиининг қайси тил оиласи ёки гуруҳга мансублиги, тил ўрганишга ажратилган соатлар сони, воситаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаслиги, ўқувчи, талаба ва ўқитувчининг ўзларига хос хусусиятлари.

Таълим тамойиллари. “Таълим тамойили тушунчаси”. Педагогик, психологик, методик тамойиллар. Чет тили ўқитиш методикасида педагогик, психологик тамойилларнинг татбиғи. Методик тамойиллар: умумий, хусусий ва махсус тамойиллар.

Чет тили ўқитиш воситалари. “Тил ўқитиш воситалари” ҳақида тушунча ва уларнинг таълимдаги ўрни, аҳамияти.

Ўқитувчи ва талаба учун асосий воситалар: дарслик тил муҳити. Ўқитувчи учун воситалар: ўқитиш дастури ва ўқитувчи китоби.

Ёрдамчи воситалар: Техникавий ёрдамчи воситалар – фонограмма, видеограмма, видеофонограмма. Техникавий бўлмаган воситалар – расм, предмет, жадвал, тарқатма материал, харита ва бошқалар. Тил кўргазмаси.

Чет тилида “Ўқув-методик тўплам” тушунчаси. Ўқув юртларидаги жорий ўқув-методик тўплам.

4-мавзу. Янги замонавий методлар, педагогик технологиялар асосида чет тили ўқитиш.

1. Замонавий методлар.
2. Янги педагогик технологиялар.
3. Интерактив методлар.
4. Янги замонавий методлар, технологиялар.

Мультимедиа дастури.

1. Чет тили ўқитишнинг замонавий методлари:

- Suggestopedia – Сугестопедиа методи;

- The total physical method – Тўлиқ жавоб бериш орқали тил ўргатиш методи;

- Community language learning method – Гуруҳ жамоада тил ўргатиш методи;

- The silent way method – Сокин йўл орқали тил ўргатиш методи;

- Масофадан ўқитиш – Дистанцион ўқитиш (таълим).

2. Янги замонавий педагогик технологиялар:

“Технология” термини тушунчаси. Замонавий илғор педагогик технологиялар;

- Илғор технолгияларни ўз ичига олган маъруза;
- Лойиҳа методи; Brain storming, Project method, Case method.
- Бошқотирма, Кластер методи, Ролли ўйинлар, Муаммони ечиш методи ва бошқалар.

3. Интерактив методлар

“Интерактив” термини тушунчаси. Интерактив методлар турлари:

Jigsaw 1,2.

4. Янги замонавий методлар, технологиялар воситалари. Мультимедиа дастури.

“Мультимедиа” термини тушунчаси. Восита турлари ва уларни қўллаш, фойдаланиш.

II. Чет тилидан тил материали ва нутқ фаолиятининг асосий турларини турли типдаги ўқув юртларида ўргатиш ва назорат қилиш рейтинги.

А. Тил материалини ўргатиш

Чет тили ўргатишда тил материалининг ўрни, аҳамияти, она тилининг ижобий ва салбий таъсири (транспозиция ва интерференция). Чет тили тил материали (талаффуз, грамматика, лексика)нинг тақсимоти.

Талаффуз, грамматика, лексикани ўргатиш

5-мавзу. Талаффузни ўргатиш. Чет тилини ўргатишда талаффузнинг ўрни, аҳамияти, дастур талаблари. Талаффузни ўргатишни методик ташкил қилиш. Фонетик материал танлаш тамойиллари, ҳажми. Оғзаки ва ёзма нутқни ўргатишда талаффузнинг ўрни, таъсири, муҳимлиги, интерференция апроксимация тушунчаси. Фонетик материални ўргатиш методлари, усуллари, машқ воситалар, фонетик машғулот.

Талаффузни ўргатишда техник воситалардан фойдаланиш.

6-мавзу. Грамматикани ўргатиш. Оғзаки нутқ ва ёзувни ўргатишда грамматиканинг ўрни, аҳамияти, дастур талаби. Чет тили грамматикасини она тили грамматикаси билан қиёсий тавсифлаш. Чет тили грамматикасини ўргатишда тил тажрибасини ҳисобга олиш. Грамматик материални ўргатишни методик ташкил қилиш ва уни танлашнинг асосий тамойиллари.

Грамматик қоида ва унинг турлари. Грамматиканинг ўргатиш усулларига кўра турлари.

Грамматик материал устида ишлаш (киритиш, тушунтириш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш). Грамматик материалнинг шакли, маъноси ва қўлланилишини ўргатиш. Грамматик материалнинг методик типологияси. Грамматик материални ўргатиш (индуктив, дедуктив, лексик йўл) методлари.

Грамматик материални ўргатишда қўлланиладиган машқлар. Оғзаки нутқ ва ўқишнинг грамматик томони устида ишлаш.

7-мавзу. Лексикани ўргатиш. Оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзувни ўргатишда лексиканинг ўрни ва аҳамияти. Чет тили лексикасининг она тили лексикаси

билан қиёсий тавсифлаш. Чет тили лексикасини ўргатишда ўқувчи талабаларнинг тил тажрибаларни ва интерференцияни ҳисобга олиш.

Лексикани ўргатишга қўйиладиган дастурий талаблар (ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, коллежлар). Лексик материални ўргатишни методик ташкил қилиш, уни танлаш тамойиллари. Лексика устида ишлаш (тушунтириш, киритиш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш). Лексиканинг шакли, маъноси ва қўлланилиши устида ишлаш. Лексиканинг методик типологияси. Оғзаки нутқ ва ўқишнинг лексик томони устида ишлаш. Лексик машқларнинг классификацияси.

Б. Турли типдаги ўқув юртларида нутқ фаолиятининг асосий турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни ўргатиш. Чет тили ўргатишда нутқ фаолияти турларининг ўрни ва аҳамияти. Нутқ фаолияти турларининг шакллари. Оғзаки ва ёзма нутқ – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқув ва ёзув.

8-мавзу. Тинглаб тушунишни ўргатиш.

Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг туридир ва дастур талаблари. Тинглаб тушунишнинг нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Тинглаб тушуниш механизмлари, унинг қийинчиликлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари. Турли тузилишга эга бўлган монолог, диалог, полилогларни бевосита тинглаб тушуниш хусусиятлари. Ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида тинглаб тушунишнинг хусусиятлари ва унинг тингланаётган нутқнинг тезлигига боғлиқлиги. Тинглаб тушунишни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси, уни ўтказиш босқичлари.

Тинглаб тушунишни ўргатишда тайёрлов, нутқ машқлари. Тинглаб тушунишни ўргатишда техник воситалардан фойдаланиш. Тинглаб тушуниш малакаларини назорат қилиш йўллари.

9-мавзу. Гапиришни ўргатиш.

Гапириш нутқ фаолиятининг оғзаки туридир. Гапириш механизмлари ва қийинчиликлари, унинг нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Ички ва ташқи нутқ. Гапириш шакллари: монолог, диалог ва полилог. Чет тилида гапириш малакаларини шакллантириш ва ўстириш. Гапиришни ўргатишда нутқ вазиятининг аҳамияти. Табиий ва сунъий нутқ вазиятлари, уларни яратиш йўллари.

Монологни ўргатиш бўйича дастур талаблари, монологни ўргатиш хусусиятлари: мантиқан боғлиқлиги, фикран тугалланганлиги, мазмунан боғлиқлиги, тил воситаларининг кенг қўлланилиши, мураккаблиги, тингловчига қаратилган ёки қаратилмаган бўлиши. Монологни тасвирлаш, таърифлаш, ахборот бериш, маъруза баён қилиш шакллари. Диалогик нутқни ўргатиш бўйича дастур талаблари, ўргатиш хусусиятлари, кимгадир қаратилган, тилдан ташқари омилларнинг мавжудлиги (имо-ишора, гавда ҳаракатлари). Диалог бирликлари: нутқ луқма (реплика)лари, яъни нутққа ундовчи нутқ бирликлари, ҳис-туйғу, савол-жавоблар. Диалогнинг тайёрланмаган нутқ сифатида қаралиши ва унинг полилог хусусиятлари. Полилогнинг хусусиятлари. Унинг диалогга яқин ва ўхшашлиги.

Гапиришни ўргатиш машқларининг умумий тизими. Монолог, диалог ва полилогни шакллантирувчи, ривожлантирувчи машқларнинг хусусиятлари. Гапиришни ўргатиш машқлари. Ўрта умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида гапиришни ўргатишда техник бўлмаган воситалар ва техник воситалардан фойдаланиш. Гапириш малакаларини шаклланганлиги даражасини аниқлаш усуллари.

10-мавзу. Ўқишни ўргатиш.

Ўқиш нутқ фаолиятининг рецептив туридир. Дастур талаблари. Ўқишнинг нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан алоқаси ва улар билан узвий боғлиқлиги. Ўқишда ички ва ташқи нутқ. Ўқиш фаолиятининг кўп қирралиги, мазмуни, қийинчиликлари, унинг мазмуни – ўқиш техникаси ва ўқиганни тушунишни ўргатиш ва уларни ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўргатиш, уларни ўргатиш машқлари. Ўқиш турлари, шакллари. Ўқишни ўргатишда таржимани тутган ўрни. Матбуот материаллари устида ишлаш. Матнлар устида ишлаш босқичлари. Ўқишни ўргатишда техникавий воситалардан ва интернет тизимидан фойдаланиб ахборот олиш ва ҳоказо.

11-мавзу. Ёзувни ўргатиш.

Ёзув нутқ фаолиятининг продуктив туридир. Ёзувнинг бошқа нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Дастур талаблари. Ёзув қийинчиликлари, ёзувни ўргатиш мазмуни: ёзув техникасини ўргатиш, графика, каллиграфия, орфографияни ва фикрни ёзма баён қилишни ўргатиш. Ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ёзув техникасини ва фикрни ёзма баён қилишни ўргатиш. Ёзувни ўргатиш машқлари ва ёзма иш турлари: машқ ва матнларни кўчириб ёзиш, диктант, иншо, баён, хатлар ёзиш, тестларни ёзма равишда бажариш. Ёзма ишларни текшириш ва хатолар устида ишлаш йўллари. Ёзувни ўргатишда машқ дафтаридан фойдаланиш.

III. Ўрта умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитиш жараёнини ташкил ва назорат рейтинги. Ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг зарурияти, аҳамияти унинг мажбурий бўлган ва мажбурий бўлмаган курслари.

12-мавзу. Мажбурий курс.

Мажбурий курсни амалга ошириш босқичлари. Ўрта умумтаълим мактабларида мажбурий курснинг биринчи ва иккинчи босқичлари. Академик лицейда ва касб-ҳунар коллежларида мажбурий курсни амалга оширишнинг 3 та босқичи. Ўқув юртларида ўқув жараёнини режалаштириш ва режа турлари: тақвим-мавзуий ва кундалик режалар. Чет тили дарси, унинг хусусиятлари, мақсад ва вазифаси, тузилиши. Дарсга қўйиладиган замонавий талаблар: амалий (коммуникативлик) таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг дарс жараёнида бирга амалга оширилиши. Мавзуий-тақвим, кундалик дарс режаларини тузиш. Дарс типлари ва турлари.

13-мавзу. Мажбурий бўлмаган курс (факультатив курс).

Мажбурий бўлмаган курсни ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида амалга ошириш турлари.

А. Чет тилидан синф, мактаб, аудиториядан ташқари ишлар, уларнинг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш турлари: оммавий, тўгарак, якка ҳолда ташкил қилиш.

Б. Факультатив курс. Унинг мақсад ва вазифалари, турлари:

1. Оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзув. 2. Ўқишни чуқур ўргатиш турлари

14-мавзу. Мустақил ишлар

Чет тили ўқитиш методикасидан "мустақил иш" тушунчаси, мақсади, вазифаси. Уларни синф, аудитория, уйда, синф, мактаб, аудиториядан ташқари бажарилиши. Мустақил иш турлари: матнлар устида ишлаш, таржима қилиш, луғат билан ишлаш, қўлланма ва дарсликлардан фойдаланиш, тест топшириқларини ечиш, олимпиадага тайёрлаш, конференцияларга маъруза тайёрлаш, методик топшириқларни бажариш кабилар киради. Ўқувчи ва талабаларда илмий методик адабиётлар билан мустақил ишлаш малакаларини шакллантириш йўллари.

Семинар машғулотлари мазмуни.

Семинар машғулотлар катта ўқитувчилар томонидан тузилган ва кафедрада тасдиқланган саволлар, топшириқлар асосида ўтказилади. Амалий семинар машғулотлари ўтказишнинг мақсади маърузаларда ўтилган, ўқилган мавзуларни чуқурлаштириш, муҳокама қилиш, методик кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантиришдан иборатдир. Амалий семинар машғулотларнинг савол-топшириқлари икки қисмдан иборат бўлади:

1) назарий қисм; 2) амалий қисм.

Назарий қисмда семинар машғулот мавзуси чуқурлаштирилади, кенгайтирилади.

Амалий қисмда эса маълум дарслик асосида талабаларни тил материали, нутқ фаолиятининг турлари бўйича кўникма ва малакалар шакллантириш ўргатилади. Улар асосида дарс фрагментлари, дарслар ташкил қилинади. Семинар машғулотларга тайёрланиш учун саволлар, топшириқлар, методик адабиётлар, дарсликлар илова қилинади. Семинар машғулотлари тақсимотда кўрсатилган мавзулар ва соатлар асосида ўтказилади.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Чет тили ўқитиш методикасидан мустақил ишлар талабаларнинг мустақил ишлашларини шакллантиради, ривожлантиради. Талабалар мустақил ишлар орқали методик адабиёт билан ишлаш, конспект қилиш, мавзуларни маъруза қилиш, ишланма, реферат ёзиш, режалар тузиш малакаларига эга бўлади. Мустақил ишлар семинар машғулотларидан кейин бажарилади, маъруза қилинади, реферат топширилади. Методик папка учун тегишли материаллар тўпланади.

1. Янги педагогик технологиялар бўйича материал йиғиш.
2. Интерактив методлар бўйича материал йиғиш.
3. Коммуникатив метод бўйича материал йиғиш.

4. Интенсив метод бўйича материал йиғиш.
5. Тил материал (талаффуз, лексика, грамматика)ларини ўргатиш бўйича материал йиғиш.
6. Тинглаб тушуниш, гапириш бўйича тил ўрганувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга оид материал ва машқлар тузиш.
7. Ўқиш, ёзувни ўргатиш бўйича машқлар тузиш.
8. 5-9 синф ўқувчилари учун тестлар тузиш.
9. 5-9 синф ўқувчилари учун мавзуий-тақвим режа тузиш. Маълум бир мавзуга бир соатлик дарс конспектини ёзиш.
10. Методик папка тайёрлаш (Кўргазмали қуроллар тайёрлаш)

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Чет тили ўқитиш методикаси фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий, назарий-амалий тамойил, методларидан, педагогик ва ахборот, коммуникатив технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилади. Чет тили ўқитиш методикаси фанининг курсида маъруза, семинар машғулотларида аудио-видео, проекцион техника воситаларини қўллаб тақдимотлар ўтказилади.

Семинар машғулотларидаги дарс фрагментлари талабанинг фаоллигига таяниб коммуникатив, интерактив методлардан фойдаланиб,“зигзаг”,“брейн-сторм” каби методлар ёрдамида олиб борилади, тақдим қилинади.

Кундалик, оралиқ, якуний назорат ва баҳолашнинг керакли ўринлари белгиланган мезонларга биноан талабаларнинг тест вазифаларини бажаришлари орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билим даражаси шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар ёрдамида аниқланади.

Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., “Ўзбекистон”, 1996
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
6. “Таълим хақида” қонун. – Т., 1997
7. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” – Т., 1997
8. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар 1,2 – қисмлар. Т. 1999
9. Ўрта умумтаълим мактабида чет тиллар ўқитиш бўйича дастур (5-9 синфлар). Т. 1999
10. Ўрта умумтаълим давлат стандарти ва дастури 5 сон. Т. 1999
11. Гез Н.И. ва бошқалар. Методика обучения иностранному языку в средней школе. М. 1982
12. Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе. М. 1981
13. Рогова С.В. ва бошқалар. Методика обучения иностранному языку в средней школе. М. 1991
14. Гальскова Н.Д.. Современная методика обучения иностранным языкам. М. 2000
15. Андреевская Л.С. – Левенстерн. Методика обучения французскому языку в средней школе. М. 1983
16. Азизходжаева А.К.. Педагогик технология Т. 2006.
17. Шатилов С.Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе. М. 1986
18. Хошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси Т. 2003
19. Жалолов Ж.Ж. “Чет тил ўқитиш методикаси” Т.1996
20. Бузон Т. Интерактивные методы преподавания. Москва 1998
21. Фаберман С.С. Педагогическая технология. Проблемы ее использования. Т.2004
22. Jack C. Richards and Theodore S. Rodgers Approach and methods in language Teaching. Cambridge University. Press. 1986

Қўшимча адабиётлар:

1. Инглиз, немис, француз, испан тиллари ўрта мактаб дастурлари. Т. 1999.
2. Зарипова Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. Т. 1986.
3. Бим И.Л.. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе. М., 1988
4. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. М., 1989.
5. Скалкин В.Л. Коммуникативные упражнения на английском языке. М., 1983.
6. Гальскова Н.Д. Н.И.Гез. Теория обучения иностранным языкам М. 2007.
7. Конышева А.В. Английский язык. Современные методы обучения. Минск 2005.

“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____g____ **Н.Ортиқов**

200__ йил “____” _____

Чет тили ўқитиш методикаси фани бўйича

Билим соҳаси: 200000 – Гуманитар фанлар ва санъат

Таълим сохаси: 200000 – Гуманитар фанлар

Таълим йўналиши: 5220100 – Филология (тиллар бўйича) (инглиз, француз, немис, испан тиллари)

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Умумий ўқув соати	- 78
Шу жумладан:	
Маъруза	- 20
Амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари	- 20
Мустақил таълим соати	- 38

Тошкент - 2010

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Таржимонлик” факультети Илмий кенгашининг 200__ йил “__” _____-сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Филология (инглиз, испан, немис, француз) чет тили ўқитиш методикаси ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Доцент И.Я. Ёқубов _____ (Имзо)

Доцент З.И. Абдушукурова _____ (Имзо)

Катта ўқитувчи Б.С. Содиқов _____ (Имзо)

Катта ўқитувчи Ш.Х. Тошниёзова _____ (Имзо)

Тақризчилар: ф.ф.н., доц. А. Қўлдошев – ЎзДЖТУ, инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси

Фаннинг ишчи ўқув дастури таржимонлик факультет Илмий кенгашининг 20__ йил “___” _____ даги “____”- сон қарори билан тасдиқланди.

Илмий кенгаш раиси:

20__ йил “___” _____ Хакимов Х.И.

Келишилди:

Кафедра мудири:

20__ йил “___” _____ Ахмедова Л.Т.

1-илова

2010-2011 ўқув йили учун чет тили ўқитиш методикаси фанидан ишчи ўқув дастурга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

5220120 – Филология (инглиз, француз, немис, испан) таълим йўналиши бўйича чет тили ўқитиш методикаси фанининг ишчи ўқув дастурига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

1. Адабиётлар янги дарслик ва ўқув қўлланмалар, электрон ахборот ресурслари киритилди.
2. Мустақил иш учун тавсия этилган мавзулар бойитилди.
3. Илмий журналларда чоп этилган тиллар ўқитиш методикасига оид мақолалардаги маълумотлар киритилди.

Ўзгартириш ва қўшимчаларни киритувчилар:

Доц. И.Я. Ёқубов _____ (Имзо)
Доц. З.И. Абдушукурова _____ (Имзо)
Катта ўқитувчи Б. Содиқов _____ (Имзо)

Ишчи ўқув дастур таржимонлик факультет Илмий кенгашида муҳокама этилди ва маъқулланди (20__ йил “___” _____ даги “___”- сонли баённома).

Илмий кенгаш раиси _____ (Имзо) Хакимов Х.И.

1. Кириш

Чет тиллар ўқитиш методикаси фанининг илмий-назарий ва амалий масалалари, чет тили ўқитишнинг методлари уларни қўллаб чет тили ўқитишни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар хақида маълумот беради.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад бўлажак филологларга чет тили ўқитиш методикасидан илмий-назарий масалалари, методлари ва уларни қўллаш, ўқитишни ташкил қилиш бўйича атрофлича билим бериш, шу билан уларнинг бирга келажакдаги иш фаолиятларида амалий ахамият касб этувчи методик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси чет тиллар ўқитиш методикасининг назарий ва амалий масалалари, методлари бўйича билимларини ўргатишдан иборат.

Ушбу фан талабаларни назарий амалий жиҳатдан етук мутахассис бўлишларига хизмат қилади.

2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Чет тиллар ўқитиш методикаси ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

- чет тили ўқитиш методикасининг таркибий қисмларини, назарий масалаларини, методларини, уларни амалда қўллашни билиши керак.
- Муайян назарий ва амалий масалаларга оид фикрларни баён этиши, айни фикрларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш кўникмаларига эга бўлиш керак.
- қўллаган методларини илмий асослаб бериш ва уларни амалда қўллай билиш малакаларига эга бўлиш керак.

3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Чет тиллар ўқитиш методикаси фанини ўқитишда талабаларнинг ўзбек, рус тили, фалсафа, мантиқ, психология, педагогик махорат бўйича фанларидан эгаллаган билимларига асосланади.

4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни

4.1. Фаннинг ҳажми

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Маъруза	20	6
2	Амалий семинар машғулотлари	20	6
3	Мустақил таълим	38	6
4	Курс иши	-	-
5	Лаборатория машғулоти	-	-
6	Жами	78	6

4.2. Назарий машғулотлар мазмуни ва уларга ажратилган соатлар

Т/р	**Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни**	**Машғулотлар мақсади**	**Ажратилган соатлар**
1.	Чет тили ўқитишнинг назарий асослари: 1.Методика чет тили ўқитишнинг назарияси 2.Методиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. 3.Чет тили ўқитишнинг мақсад мазмуни, тамойил, метод, восита ва ўқув методик тўплами.	Чет тили ўқитишнинг назарий асослари билан таништириш	2
1.1.	Асосий мазмун: 1.Методика чет тили ўқитиш ҳақида фан. Методика фанининг предмети, умумий ва хусусий методика. Методика фанида қўлланиладиган илмий тадқиқот методлар: тажрибаларни ўрганиш, кузатиш, эксперимент, анкета, тест ва бошқалар. Асосий методик тушунчалар (категориялар): ёндошиш, тамойил, метод, усул, восита, тизим. Уларнинг боғлиқлиги. Машқ. - чет тили ўқитишнинг асосий компоненти. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти турларининг нисбати.	Фаннинг предмети, илмий тадқиқот методлари, тамойил, ёндошувлари, воситалари хақида тушунча бериш	

1.2.	2.Методиканинг педагогика, психология, тилшунослик ва бошқа фанлар билан алоқаси. Тил ва нутқ. Нутқнинг психологик тавсифи: оғзаки ва ёзма нутқ, ташқи ва ички нутқ, репродуктив ва рецептив нутқ. “Билим”, “малака”, “кўникма” тушунчалари. Уларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш. Ўзбекистонда чет тиллар ўқитиш методикасининг ривожланиш босқичлари хақида турли фикрлар. Чет тиллар ўқитиш методикасининг психолингвистик асослари. Чет тиллар ўқитишнинг педагогик асослари. “Чет тили” ўқитишда дидактик тамойилларининг қўлланилиши.	Чет тили ўқитиш методикасининг педагогика, психология, тилшунослик ва бошқа фанлар билан алоқаси, зурурiятлилигини тушунтириш	
1.3.	3.Турли типдаги ўқув юртларида чет тили ўқитишнинг амалий, умумтаълим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Чет тили ўқитишнинг мазмуни. «Ўқитиш мазмуни» тушунчаси ҳақида турли фикрлар. Унинг таркибий қисмлари: 1) тил материаллари (фонетика, лексика, грамматика). 2) нутқ кўникмалари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ва таржима). Оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари. 3) Чет тили ўқитиш методлари, тамойиллари.	Чет тили ўқитишнинг мақсадларини: амалий, умумтаълимий, тарбиявий ривожлантириш хақида тушунча бериш	
1.4.	Замонавий педагогик технологиялар, методлар асосида чет тили ўқитиш ва уларнинг ўқитиш воситалари. Интерактив методлар. Мультимедиа. Замонавий методлар: 1. (The total physical method) – 2. (Community language learning) – Гурух жамоада тил ўргатиш методи. 3. (The silent way method) – 6. Замонавий илғор педагогик технологиялар Илғор технологияларни ўз ичига олган маъруза Лойиха методи Бошқотирма 7. Интерактив методлар: Интерractив “термин”. тушунчаси Jigsaw 1, 2 янги замонавий методлар, технологиялар. Интерактив методлар воситалари. “Мультимедиа” термин тушунчаси. Восита турлари, уларни қўллаш.	Замонавий педагогик технологиялар: сугестопедиа, тўлиқ жавоб бериш орқали тил ўргатиш, сокин йўл орқали тил ўргатиш методи, масофадан ўқитиш хақида тушунча бериш	2
II	Чет тили тил материаллари ва фаолияти турларини ўргатиш. А. Чет тили тил материал (талаффуз, грамматика, лексика)ларини ўргатиш.	Чет тили тил материаллари чет тили тил материаллари ва фаолияти турларини ўргатиш ва амалда қўллаш бўйича маълумотлар	

		бериш	
2.1	Талаффузни ўргатиш – чет тили ўргатишда талаффузни ўрни, аҳамияти, дастур талаблари. Талаффузни ўргатишни методик ташкил этиш. Фонетик материални танлаш тамойиллари, хажми. Талаффуз малакаларини ҳосил қилиш, нутқнинг фонетик томонини ўргатишни мақсадлари. Оғзаки ва ёзма нутқни ўргатишда фонетиканинг аҳамияти таъсири, интерференция. Фонетик материални ўргатиш методлари усуллари, воситалар, машқлар тизими, фонетик машғулот. Талаффуз хатолари уларни олдини олиш ва тўғрилаш. Талаффузни ўргатишда техник воситалардан фойдаланиш		1
2.2	Грамматикани ўргатиш. Оғзаки нутқ ва ёзувни ўргатишда грамматиканинг ўрни, аҳамияти, дастур талаблари. Чет тили грамматикаси билан қиёслаш, тил тажрибасини ҳисобга олиш, грамматик материални ўргатишни методик ташкил қилиш ва уни танлашнинг асосий тамойиллари. Грамматик материал устида ишлаш (киритиш, тушунтириш, ўзлаштириш, мустахкамлаш). Грамматик материалнинг шакли, маъноси ва қўлланилишини ўргатиш. Грамматик материалнинг методик типологияси, грамматик материални ўргатиш (индуктив, дедуктив, лексик йўл билан) методлари. Грамматик материални ўргатишда қўлланиладиган машқлар.		2
2.3	Лексикани ўргатиш. Оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзувни ўргатишда лексикани ўрни ва аҳамияти. Чет тили лексикасининг она тили лексикаси билан қиёслаш. Чет тили лексикасини ўргатишда тил тажрибалар ва интерференцияни ҳисобга олиш. Лексикани ўргатишда қўйиладиган дастур талаблари. Лексик материални ўргатишни методик ташкил қилиш ва танлаш тамойиллари. Лексика устида ишлаш (тушунтириш, киритиш, ўзлаштириш, мустахкамлаш) лексикани шакли, маъноси ва қўлланилиши устида ишлаш. Лексиканинг методик типологияси. Оғзаки нутқ ва ўқишнинг лексик томони устида ишлаш. Лексик машқлар.		2
	Чет тили ўргатишда нутқ фаолияти турларининг ўрни ва аҳамияти. Нутқ фаолияти турларининг тавсифи. (оғзаки: гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув).	Чет тили нутқ фаолияти турларини гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни ўргатиш ва амалда қўллаш хақида маълумот бериш	
2.4	Б. Чет тили нутқ фаолияти асосий турларини ўргатиш. Тинглаб тушунишни ўргатиш. Тинглаб		2

	тушуниш нутқ фаолиятининг туридир. Дастур талаблари, унинг нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Тинглаб тушуниш механизми, унинг қийинчиликлари, уларни олдини олиш ва бартараф этиш йўллари. Тинглаб тушунишнинг хусусиятлари. Уни ташкил қилиш, ўтказиш методикаси ва босқичлари. Тинглаб тушунишни ўргатишда тайёрлов, нутқ машқлари, техник воситалардан фойдаланиш. Тинглаб тушуниш кўникмаларини текшириш йўллари.		
2.5	Гапиришни ўргатиш, нутқ фаолиятининг оғзаки репродуктив тури сифатида. Гапириш механизми ва қийинчиликлари, унинг нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Ички ва ташқи нутқ. Гапириш шакллари: монолог, диалог ва полилог. Чет тилида гапириш кўникмаларини шакллантириш ва ўстиришда уларнинг тутган ўрни. Гапиришни ўргатишда нутқ вазиятининг аҳамияти. Монолог ва диалог ўргатишнинг хусусиятлари, дастур талаблари. Диалог бирикмалари: нутқ луқмалари, савол-жавоб, хабар-хабар, савол-савол ва бошқалар. Гапиришни ўргатишда машқлар тизими тил ва нутқ машқлари. Гапиришни кўникмаларини текшириш йўллари.		2
2.6	Ўқишни ўргатиш. Ўқиш нутқ фаолиятининг ёзма, рецептив тури сифатида, дастур талаблари. Ўқишнинг турли босқичларида нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги. Ўқишда ички ва ташқи нутқ. Ўқиш жараёни механизми, унинг қийинчиликлари. Ўқиш техникаси ва ўқиганни тушунтиришни ўргатиш. Машқлар тизими. Ўқиш турлари, шакллари. Ўқишни ўргатишда таржимани ўрни ва роли. Матнлар устида ишлаш босқичлари. Ўқиш устида ишлашда луғат, техник воситалар ва интернетдан фойдаланиш.		2
2.7	Ёзувни ўргатиш. Ёзув нутқ фаолиятининг продуктив туридир. Унинг нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан боғлиқлиги, дастур талаблари. Ёзув қийинчиликлари, ёзувни ўргатиш мазмуни, ёзув техникасини ўргатиш: графика, орфография, каллиграфия ва фикрни ёзма баён этишни ўргатиш. Ёзувни ўргатиш машқлари ва ёзма иш турлари. Ёзма ишларни текшириш ва хатолар устида ишлаш.		1
3.1	Чет тили ўқув жараёнини ташкил қилиш. Ўқув жараёнини ташкил қилишнинг зарурияти, ахамияти ва унинг мажбурий бўлган, мажбурий бўлмаган курслари. Мажбурий курс. Режалаштириш. Режа турлари: тақвим-мавзуий, кундалик режалар.	Чет тили ўқув жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш хақида маълумот бериш. Мажбурий курс, мажбурий бўлмаган курс,	2

		режалаштириш, режа турлари: тақвим-мавзуий, кундалик режалар хақида маълумот бериш	
3.2	Чет тили дарси, унинг хусусиятлари, мақсади, вазифаси, тузилиши. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Дарс типлари ва турлари.		2
3.3	Мажбурий бўлмаган курс. Чет тилидан синф, мактаб ва аудиториядан ташқари ишлар. Уларнинг мақсади, вазифалари ва ташкил қилиш турлари: оммавий, тўгарак, якка ҳолда машғулотлар.		
III.5	Факультатив, мустақил ишлар. Факультатив машғулотларнинг мақсади ва вазифалари. Мустақил ишлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва турлари: матн устида ишлаш, таржима қилиш, тест ечиш, олимпиада ўқувчи ва талабаларда илмий методик адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш йўллари		
жами			20

4.3. Семинар машғулотлари мазмуни ва ажратилган соатлар.

Семинар машғулотлари мавзуси	Семинар машғулотлари мақсади	Ажратилган соатлар
I. 5. Чет тили ўқитиш методикасининг назарий асослари. 6. Методика фанининг яқин фанлар билан алоқаси	Чет тили ўқитиш методикасининг назарий асослари бўйича маълумотлар билан таништириш	2
7. Чет тили ўқитишнинг мақсад мазмуни, тамойиллари методлари воситалари, ўқув методик тўплами		
8. Замонавий педтехнологиялар асосида ва интерактив методлар асосида чет тили ўргатиш	Янги педтехнологиялар методлари билан таништириш ва уларни амалда қўллаш	2
II. А. Чет тили тил материаллари ва нутқ фаолиятининг асосий турларини янги педтехнологиялар асосида ўргатиш ва назорат қилиш рейтинги: 5. талаффузни ўргатиш	Чет тили талаффузини ўргатиш методлари ва уларни амалда қўллашни ўргатиш	1
6. грамматикани ўргатиш	Чет тили грамматикасини ўргатиш методлари ва уларни амалда қўллашни ўргатиш	2
7. лексикани ўргатиш	Чет тили лексикасини ўргатиш методлари ва	2

	уларни амалда қўллашни ўргатиш	
Б. Чет тили нутқ фаолиятининг асосий турларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш малакаларни текшириш ва назорат қилиш рейтинги: 8. Тинглаб тушунишни ўргатиш	Чет тилида тинглаб тушунишни ўргатиш методлари ва уларни амалда қўллашни ўргатиш	2
СЛАЙД 7

- **Республикамизда турли типдаги ўқув юртларида - коллеж тил ва тил бўлмаган олий ўқув юртларида чет тили - инглиз тили ўрагатилишига касбий ёндошилади. Чет тили - инглиз тилини касбда - мутахассислик фаолиятида қўллашга ўргатилади. Уни касбий (профессионал) мақсад дейилади.**
- **Касб берувчи ўқув юртларида чет тили инглиз тили ўқитилишида 5 та мақсад амалга оширилади.**

- **1. Амалий мақсад.**
- **2. Таълимий мақсад.**
- **3. Тарбиявий мақсад.**
- **4. Ривожлантирувчи мақсад.**
- **5. Касбий (профессионал) мақсад.**
- **Инглиз тили ўқитишнинг мазмуни ўқитиш мақсадларига боғлиқ бўлиб, у одатда мақсад мазмунини белгилайди. Ўқитиш мазмунига нутқий мавзулар, малака – кўникмалар ҳамда тил материали киради. Ушбу учта таркибий қисм инглиз тилини ўрганишда яхлит ўзлаштиришни тақозо килади.**

СЛАЙД 8

- **Нутқ ва ўқиш мавзулари** ўқитиш мақсадларига асосланиб танланади. Умумий ўрта таълим мактабларида «Ўқувчи ва уни ўраб турган атроф - муҳит», «Ватанимиз» ва «Тили урганилаётган мамлакатлар» каби мавзулар асосий нутқ мавзулари хисобланади. Ўқиш учун сиёсий, илмий-оммабоп, бадий адабиётдан мослаштириб олинган китоблар, фан, маънавият ҳамда спортга оид матнлар танланади.

СЛАЙД 9

- **Нутқ малакаларини** шакллантириш ўқитиш мазмунинг яна бир комопненти хисобланади. Нутқ куникмалари деганда, инглиз тилида нутқ фаолияти турларини эгаллаш тушунилади. Нутқ малакалари тил материалини мулоқот пайтида қўллаш натижасида ривожланади ва такомиллашади.

Слайд 10

- **Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тили ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири шу предмет бўйича маълум хажмдаги билимларни ўзлаштиришдан иборатдир.**
- **Ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини ўқув дастурида кўрсатилган тил материали ташкил қилади.**
- **Тил материалини фонетик, лексик ва грамматик ҳодисаларни, материалларни ўз ичига олади.**

СЛАЙД 11

- **Умумий тамойилларга:**
- **1. Чет тил ўқитишнинг коммуникатив ёки амалий йўналишда бўлишлик тамойиллари;**
- **2. Она тили хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили;**
- **3. Чет тилини ўзлаштиришнинг ҳамма босқичлари ва соҳаларида машқларнинг ҳал қилувчи роль ўйнашлик тамойилидир.**

СЛАЙД 12

- **Хусусий тамойиллар қуйидагилар хисобланади:**
- 1. Чет тили ўқитишни нутқ намуналари асосида олиб бориш;
- 2. Тил устида машқ қилишни нутқ амалиёти билан қўшиб олиб бориш;
- 3. Нутқ фаолияти асосий турларини ўзаро алоқаси;
- 4. Ўқиш ва ёзувни ўргатишда оғзаки ўтиб кетиш;

- **5. Ўқитишда чет тили нутқ фаолиятида апроксимация тамойили;**
- **6. Чет тил ўқитишдаги бошланғич босқичнинг интенсивлик тамойили.**
- **Умумий ва хусусий чет тиллар ўқитиш тамойилларидан ташқари махсус тамойилларни ҳам ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тамойилларнинг риоя қилиш доираси жуда тор бўлиб, тил аспектларини ёки нутқ фаолиятининг айрим турларини ўргатишда уларга амал қилинади.**

СЛАЙД 14

- Биринчисига синф, магнит доскаларини, фланелеграфни киргизади.
- Кейинчалик Г.В.Рогова воситаларни асосий ва қўшимча воситаларга бўлди. Воситаларни ўқитувчи ва ўқувчи асосий воситаларига ажратади. У ўқувчининг асосий воситаларига дарслик, расмлар тўпламини, кинофрагментлар, тарқатма материалларни киргизса, уқитувчининг асосий воситасига эса мактаб дастурини, ўқитувчи китобини киргизади. Ёрдамчи воситаларни ҳам у шундай 2га ажратиб, уларга ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган карточкалар жадваллар, расмлар. ўйинчоқлар, луғатлар, қўшимча ўқиш китоблари, ўқитувчи учун эса методик адабиётларри киргизади.

СЛАЙД 15

- М.В.Ляховицкий чет тили ёрадмчи воситалари деганда ўқитиш мақсадлари, ўқитувчи топшириғини. вазифасини унумли, фойдали вақт сарф қилиб тезроқ амалга оширишга ёрдам берувчи ҳамма материалларни, ўқув жараёнига керак бўладиган воситаларни, қуролларни тушунади.

СЛАЙД 16

- **М.В.Ляховицкий ёрдамчи воситаларни 2 гуруҳга:**
- **1. Анъанавий (техник бўлмаган)**
- **2. Замонавий техник воситаларга ажратади.**
- **Биринчисига расмлар, жадваллар, дарсликларни кўрсатса, иккинчисига техник воситаларни киргизади.**

СЛАЙД 17

- **Фотограмма** кўриш канали орқали қабул қилинадиган маълумотдир. ҳозирги даврда ўқув воситаларига инглиз тили дарсликлари, ўқитувчи китоблари, дастурлар, ўқиш китоблари, турли расм, жадваллар, техниквоситалар киритиляпти. ҳозир воситаларни кўриш воситаларига (расм, предмет, жадваллар, фотограммалар) ва тинглаш воситаларига (фонограмма), қўриш – тинглаш воситаларига (кинофильм, овозли диафильм, видеограммалар) ажратиляпти.

СЛАЙД 18

- **Воситаларнинг ҳаммаси ўқув методик тўпламни ташкил қилади. Рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун инглиз, немис, францўз тилларидан ўқув методик тўпламлари тўзилган. Ўқув методик тўплам дарсликлар муаллифларини олдига қўйган мақсад, вазифаларини амалга оширишга, инглиз тилидан малака ва кўникмаларни яхширок шакллантиришга, ўстиришга ёрдам беради. Ҳозир ўқув методик тўпламга лексик ва грамматик жадваллар ҳам киргизиляпти.**

СЛАЙД 19

- **Таянч сўз, сўз иборалари, атамалар, терминлар.**
- 1. Мақсад. Амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар, касбий мақсад.
- 2. Ўқитиш мазмуни, дастур.
- 3. Тамойил (принцип), метод.
- 4. Чет тили ўқитиш воситалари. Асосий», ёрдамчи воситалар. Механик, механик бўлмаган воситалар.
- 5. Фонограмма, видеограмма, (фотограмма), видеофонограмма.
- 6. Ўқув методик тўплам.

СЛАЙД 20

- **Текшириш учун савол топшириқлар.**
- **1. Чет тили ўқитишнинг қандай мақсадлари бор экан? Номларини айтинг.**
- **2. Чет тили ўқитишнинг мазмуни деганда нимани тушунар эканмиз?**
- **3. Чет тиллар ўқитиш мазмуни нимага асосан танланада, у нимада баён**
- **қилинади? Номини айтинг.**
- **4. Тамойил (принцип) деганда нимани тушунар эканмиз? Чет тиллар ўқитиш**
- **медодикасини қандай тамойиллари бор экан? Номларини айтинг.**

- 5. Метод деганда нимани тушунар эканмиз? Чет тилллар ўқитиш
- методларини номларини айтинг.
- 6. Воситали чет тили ўқтииш методикасига нима учун зарур экан, қандай
- воситалари бор экан? Номларини айтинг.
- 7. Механик, (техник) воситалар турларини айтинг.
- 8. Ўқув методик тўпламга таъриф беринг.

«ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ ВОСИТАЛАРИ»

мавзуси бўйича 3-маърузанинг таълим технологияи

3-Мавзу	**ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ ВОСИТАЛАРИ**

Ўқув соати-2 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Педагогик технология тушунчаси. 2) Замонавий педтехналогиялар методлари. 3) Коммуникатив метод. 4) Гуруҳда ўқитиш методи. 5) Масофали ўқитиш. 6) Лойиҳа методи.
Маърузанинг мақсади	Замонавий методлар, педтехналогиялар билан таништириш, уларни қўллашни ўргатиш.
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолиятининг натижалари:
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намойиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий гуруҳларда, якка ҳолда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳ-

	ларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари: 1) Педагогик технологияларни тушунтириш. 2) Педагогик технологияларни қандай методлари бор? 3) Нима сабабдан интерактив методлар оммалашган?

«ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ ВОСИТАЛАРИ»

мавзуси бўйича 3 - марузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзунинг номи, мақсади, мазмуни эълон қилинади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар, тушунмаганларини сўрайдилар.

2.Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1.Маъруза ўқилади 2.2.Талабалар билимини «Тезкор-сўров» усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1. Саволлар берилади. 2. Янги педтехнологиялар ва методлар тушунтирилади. 2.3. Метод турлари кўриб чиқилади 2.4. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	Талабалар муаммоли, методик топшириқларни ҳал қиладилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштирилади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2. Ўқув натижаларини изоҳлайди ва баҳоларини эълон қилади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа беради	Тинглайдилар, фикр-мулоҳазаларни, таклифларини айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

СЛАЙД 1

- Юқори малакали жаҳон стандартларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш - энг аввало амалдаги таълим тарбия назариясининг методлари, усуллар, йўл машқларини ўзгартиришнинг янги замонавий технологияларини ва уларнинг воситаларини қўллаш кўзда тутилади.
- ҳозирги замон янги технологиялар, интерактив методлар чет тилини ўргатишда қуйидагиларни талаб қилади:
- 1) ўргатиш амалий йўналишида бўлиши;
- 2) коммуникация, мулоқот етакчи бўлиши;
- 3) ўқитиш, ўргатишга ҳар томонлама ёндашиш;

- 4) ўқитиш жараёнининг интенсив (тезлаштириш), йўлдан воситадан унумли фойдаланиш;
- 5) турли хил янги метод, усул, технологиялардан фойдаланиш;
- 6) дастурли таълим элементларини қўллаш, мустақил ишлатиш, дарсдан ташқари турли ишларни бажариш.
- 7) Турли хил техник воситалардан - мультимедиядан фойдаланиш.

СЛАЙД 2

- Ҳозирги даврда талабаларни ҳисобга олган ҳолда янги технологиялар, методлар воситалар ишлаб чиқиляпти ва қулланишга ҳаракат қилиняпти. Улар орасида дарсликлар ёзилди, ёзилмокда, ишлар қилинмокда, ўқув юртларида ишлатилмокда.
- Биз технология метод, воситаларини кўриб чиқамиз. Кейинчалик иш фаолятингизда қўллайсиз деб ўйлаймиз.

СЛАЙД 3

- **Коммуникатив метод**
- Бу метод тилни коммуникация алоқа воситаси қилиб ўргатиш тушунчасидан келиб чиққан.
- **Предмети:**
- 1. Тилни ифода воситаси (коммуникация)ни ўргатиш
- 2. Тилни маъно ва ўрганув объектини ўргатиш
- 3. Тил ўрганувчиларни ўзаро алоқалар қилишларини ўргатиш

СЛАЙД 4

- **Коммуникатив метод тамойили:**
- 1) Ўқитиш коммуникатив йўналишида бўлиши
- 2) Ўқитиш жараёнида ўқувчи, талабаларнинг фаоллиги,
- 3) коммуникатив метод гуруҳ бўлиб ишлашни талаб қилади, ролларга кириб (сотиб олувчи, журналист) ситуацияларда ўргатишни кўзда тутади. ҳозир АҚШ, Австралия, Дания, Англия мамлакатларида қўлланилади.

СЛАЙД 5

- **Гипнопедия методи.**
- Инсонни уйқудалигида чет тили материалини, чет тилини эшиттириш, тинглатиш орқали ўргатишни кўзда тутган. Магнитафондаги фонограммани, радиони тинглаш орқали бўлади.

СЛАЙД 6

- **Релексопедия методи.**
- Ўқувчи, талабани рухий ҳолатини бўшаштириш, психикасини бошқариш орқали чет тили ўргатишни кўзда тутади.

СЛАЙД 7

- **Ритмопедия методи.**
- Ўқувчи талабани асабтизимини, рухини, кайфиятини алоҳида ҳолатига тушириш орқали чет тили ўргатилади. Мусиқа, ашула кабилардан фойдаланилади.

СЛАЙД 8

- **нутқ окимида, жараёнида ўзоқмуддатда булиш (погружение) муҳитида инглиз тили ўргатиш методи.**
- Нутқ оқимида, муҳитида ҳаттоки 1, 2 кун (оғзаки нутқ оқимида), ўзоқ муддатда бўлишни кўзда тутади.

СЛАЙД 9

- **Хис-ҳаяжон орқали инглиз тили ўргатиш методи.**
- Бу метод ўйинлар орқали инглиз тили ўргатишни кўзда тутади. Ҳозирги пайтда Гипнопедия, Релаксопедия, Ритмопедия нутқ оқимида ўзоқ муддатда, жараёнида бўлиш ҳис-хаяжон орқали инглиз тили ўргатиш методларини интенсив методлар деб номланмоқда

СЛАЙД 10

- **Project - English методи.**
- Тилни ўргатишга ижодий ёндошиш, ўйинлар, маълумот берувчи воситалардан фойдаланиш орқали амалга ошади. Бу методда ўқувчи, талаба гапирмоқчи, ёзмоқчи бўлганини ўзига проект қилиб, тўзиб тайёрлайди сўнг ёзади, гапиради.

СЛАЙД 11

- **Сугестопедия методи. Suggestopedia.**
- Бу методни болгар олими Георгий Лозанов ишлаб чиққан. Метод ҳотирани очилмаган имкониятларидан фойдаланишни кўзда тутади. Ўқувчи талабага таъсир қилувчи воситалардан кенг фойдаланиши орқали чет тили ўргатилади. Унда синфнинг шинамлиги, яхши жиҳозланган бўлиши, мўзика, расмларни таъсирида мажбур қилинмай чет тили ўргатилади. Кўпроқ сўзларни хотирада сақлашга эътибор берилади. Г. Лозанов 1978 йилда «For sake of the music of the foreign speech» китобини ёзган. Унинг методи асосида чет тил ўргатиш 30 кун 10 тадарсдан иборат. Бир кунда 4 соатдан 6 кун дарс ўтилади. Қуйидагича бўлади:

- 1) диалог, 2) тақлид қилиш. 3) янги диалоглар тўзиш. Сугестопедиа сўзи лотинча Suggeste - ихлос, ишонч, paidia - ўқитиш, ўргатиш - ишончга асосланган таълим, ўқитиш чет тилини ихлос қилиш орқали, ишончга асосланган таълим ёрдамида ўқитиш.

СЛАЙД 12

- **Никтопедиа - nyktos-кеча, кечаси, paidea-ўқитиш, ўргатиш, уйқуда ўргатиш - гипнопедиа.**
- Дарс мажбур қилинмаган ҳолатда, мўзика, мотивация, қизиқтирувчи, бажаришга ундовчидан фойдаланиб чет тили ўргатилади. 12 та ўқувчидан ошмайди.

СЛАЙД 13

- **The total physical response method.**
- Тўлиқ яхлит жисмоний жавоб бериш орқали тил ўргатиш методи. Бу методни 1977 йилда Америка психолог профессори Жеймс Эшер (James Asher) томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод хотирада сўзларни сақлашга аҳамият берилиб коммуникация бошланғич босқичда оғзаки нутқ малакаси шакллантирилади, грамматика индуктив ўргатилиб, сўзлар маъносига кўпрок аҳамият берилади. Лексик материал хаёт, турмуш, иш,

СЛАЙД 14

- **Community language learning.**
- Гуруҳ, жамоада тилни ўргатиш методи. Унинг асосчиси Чарльз Куран (Charles Kurran). Унинг таклифи тил ўрганувчи томонидан муҳокама қилинмоқчи бўлган проблема-масала, мавзу гуруҳ, жамоаси айтилди. Сўнг гуруҳда муҳокама қилиниб ўртада гуруҳлар ўртасида баҳс асосида ҳал қилинади, ўрганилади. Ўқитувчи маслаҳатчи (counselor) ролини ўтайди, тил ўргатувчилар эса клиент (clientllar). гуруҳлар бир бирига эшиттирмай, масала,

СЛАЙД 15

- **The silent way method.**
- Сокин йўл орқали тил ўргатиш методи Галеб Гаттегно (Galleb Gattegno) томонидан ишлаб чиқилиб, ўқитувчининг кам гапиришини, иштирок этиши сокин бўлиши, талабанинг эса мумкин қадар кўп гапириши, иштирок этиши кўзда тутилади. Унда талаба мустақил, автоном, масъулиятли, муаммони ечувчиси бўлиши кўзда тутилади. Метод вакиллари ўқитувчи актердир, тингловчи эмас дейди. У Tell I forget, teach me and I remember, involve me and I learn яъни менга айт, мен эсдан чикараман. Менга ўргат ва мен эслаб қоламан. Мени ўз ичингга ол ва мен ўрганаман. Тил материали товушлар гуруҳида берилади, грамматик қоида, текстлар, конструкциялар асосида индуктив ўргатилади, гаплар тўздирилади, сунъий ситуациядан кенг фойдаланилади.

- Яна тил материаллари, нутқ фаолиятлари рангларга бўлиб ўргатилади, тақдим қилинади. Ранглар жадвали тўзилган. Гап-жумла ўқитишнинг асосий бирлиги. Ўқитувчи диққатини гапга қаратади, ўқувчилар гаплар асосида наъмуналар тўздилар, ўқув жараёни ўқитувчининг моделлаштириш орқали ташкил қилинади. Дарснинг биринчи қисми белги (символ)лар орқали талаффўз этилади. Қизил ранг - товуш, кўк ранг - сўзлар, барг яшил ранг -гаплар. Сўнг гаплар орқали амалиёт ташкил қилинади. Бу метод АҚШ, Англияда қўлланилади.

СЛАЙД 16

- **Масофадан ўқитиш: (дистанцион ўқитиш)** ўзоқ масофадан туриб ўқиш, ўқитиш, таълим беришни кўзда тутади. Унинг асосида бир мамлакат, шаҳар, институт, университетдан туриб иккинчи мамлакат, шаҳарда турувчиларни, институт университетда таълим олувчиларни, бутун бир гуруҳни, бир неча гуруҳни, алоҳида бир талабани олдиндан шахсий келишилган ҳолда ёки талабани хохлаган пайтида ўқитиш мумкин.

СЛАЙД 17

- Масофадан ўқитиш техник воситалардан фойдаланиб таълим беришга,
- ўқитишга асосланган. Методни келажаги порлоқ.
- Масофадан ўқитишнинг структураси
- **1) ўқитувчи - инструктор**
- **2) коммуникация**
- **3) ўқув материали**
- **4) ўқув жиҳози-воситалардан иборат**

СЛАЙД 18

- Ўқитувчи-инструктор ўқитишни, таълим беришни олиб боради, топшириқлар беради, бажарилишини текширади, алоқа, мулоқот, муомала, қилади, савол-жавоблар ўтказади, топшириклар беради, уларни текширади.). Коммуникация ўқитувчи-конструктор билан талабанинг алоқаси орқали амалга оширилади.
- Коммуникация шакллари маърўза консультациялар, электрон форум, видеоконференциялардир.
- Коммуникация воситаларига телефон, е-

СЛАЙД 19

- **Интерактив методлар**
- "Интерактив" сўзи инглизча Interact феълидан келиб чиққан. У inter -ўзаро, act - ҳаракат қиламан, таъсир қиламан мазмун, маъносини англатади. Бу метод ўқувчи, талабаларни бир-бирига таъсири, фикри мулохазаси, фаоллиги орқали мустақил мулоқотга ўргатиш деган маънони беради. Интерактив таълимда монолог, диалог айниқса полилог муҳим бўлиб, аниқ ва олдиндан айтса бўладиган мақсадни, қулай шарт-шароит яратишни назарда тутади.

СЛАЙД 20

- **Интерактив фаолият 5 та қисмдан иборат:**
- 1. Ўзаро боғлиқлик
- 2. Шахсий масъулият
- 3. Мулоқотга ундаш учун ўзаро таъсир
- 4. Бирга ишлаш малакалари
- 5. Кичик гуруҳларда ишлаш
- **Яна интерактив методлар**
- 1. Танқидий фикрлашни ўргатиш
- 2. Таълимни фаол, гуруҳ қилиб ўргатишни асос қилиб олган

- Танқидий фикрлаш уч фазадан иборат:
- 1. Олдин олинган билимни фаоллаштириш
- 2. Янги ахборот, маълумотни тушуниш, ўзлаштириш
- 3. Рефлекция - ўзлаштирилган мазмун, янги ахборот, маълумотни мустаҳкамлаш учун ўз тафаккури доирасида фикрлаш, ўз муносабатини билдириш.
- Таълимни танқидий фикрлаш асосида ўргатиш муҳимдир, тушунарли, таълимни фаол ва гуруҳ қилиб ўргатиш эса

СЛАЙД 21

- Ўзаро фаоллик, таъсир таълимни фаол ва гуруҳ қилиб ўқитишни асосида бўлади. Ўзаро фаоллик таъсир қилиш талаба ўқувчиларнинг бир-бирига таъсирини, нималар биландир таъсир қилишни яъни компьютер, фонограмма, видеограмма, видеофонограмма, ситуациялар ўқитувчини таъсир қилишини кўзда тутади. Ўқувчи талабани мулоқотга ундайди, рағбатлантиради. Шунинг учун бу методда диалог, полилог муҳим ўрин тутади, улар асосида бўлади. Тилни ўргатиш муаммоли мавзуларни баҳс, суҳбат орқали олиб борилади.

СЛАЙД 22

- Интерактив методларни қўлланилганда:
- 1. Ўқитиш касбий (профессионал) фаолиятни тақлид (имитация) қилиш қайтариш шароитида, вазиятида содир бўлади, амалга ошади
- 2. Жамоада (коллективда) билим, кўникма, малакаларни бирга гуруҳ бўлиб ўзлаштириш имконияти бўлади.
- 3. Талабаларнинг мустақил фикрлашлари фаоллашади.

СЛАЙД 23

- Интерактив методлар 3 гуруҳ методларга ажратилади:
- 1. Кичик гуруҳларда ишлаш методлари
- 2. гуруҳларда ўқитиш жараёнини оптималлаштириш методлари (ситуация, ўйинлар, конкурс, мусобақалардан фойдаланиш орқали)
- 3. Турли топшириқ вазифаларни боғлаб ўқитиш методлари.

СЛАЙД 24

- Кичик гуруҳларда ишлаш методлари кўпчиликни қатнаштириш ва талабаларни бир-биридан ўрганиш имкониятини яратади. Талабалар фикрларини алмашадилар, ўзларини фикрларини баён қилишга ўрганадилар, талабалар диққатини ўқитувчига эмас қатнашувчига қаратади, уларни таълим олишга, тайёрланишга мажбур қилади.

СЛАЙД 25

- Кичик гуруҳларда ишлаш кўп вақтни талаб қилади, кимдир талабаларни бошкариши лозим. ҳозир кичик гуруҳларда ишлаш методикасини қуйидаги турлари мавжуд:
- 1. Бошқотирма, ақлий ҳужум (Мозговой шторм).
- 2. Инцидент методи.
- 3. Айланма стол методи (Метод круглого стола).
- 4. Уч поғонали суҳбат методи (Метод трех ступенчатого интервью).

- 5. Ручка стол ўртасида методи. (Метод ручка на середине стола).
- 6. Галерея методи. (Метод тур по галерее).
- 7. Ротация методи орқали фикрлар алмашиш (Обзор мнений методом ротации).
- 8. Кор коптокчалар методи (Метод снежков).
- 9. Асалари уяси методи (метод пчелиный рой).

СЛАЙД 26

- **Бошкотирма.** Ақлий ҳужум. ***Brainstorming.*** Унинг мақсади бир мавзу ҳақидаги турли фикр, тушунчаларни йиғиш, жамлаш. гуруҳларга бир мавзу берилиб, у бўйича турли фикр, тушунчалар тингланиб, жамланади. Танқидий фикрлаш қўлланилади, ўргатилади.

СЛАЙД 27

- **Инцидент методи. "Кўнгилсиз можаро, ҳодиса, тўқнашиш, низо" ларни ҳал қилиш мақсадида ўтказилади. Бу метод инцидент воқеалар бўлганда қандай ҳаракат нималар қилишни ўргатади. Талабаларга қисқа экспериментал ҳолат, вазият ҳақида ахборот, маълумот берилиб уни 0,5-1,5 минут ичида гуруҳларда тез ечиш, ҳал қилиш, қарор қилиш топширилади. Сўнг ҳар бир гуруҳники тингланиб тўғриси аниқланади.**

СЛАЙД 28

- **Думалоқ стол.** Айланма стол методи. Бу методда таълим берадиган дастурлар текширилади. Думалок стол атрофида ўтирганларга карточкаларга ёзилган топшириқлар тарқатилади. ҳар бир гуруҳ топшириққа ўз жавобини ёзиб, ёнидагисига ўзатади. Шундай қилиб ҳамма гуруҳ жавобини ёзади ва сўнг муҳокама қилинади. Нотўғри жавоблар ўчирилади. тўғри жавобларга қараб талабалар билимлари баҳоланади.

СЛАЙД 29

- **Уч поғонали суҳбат методи.** Ҳар бир гуруҳдан шифоқор, тоби йўқ, экспертлар тайинланади. "Тоби йўқ" га олдин унинг ташхиси (диагнози) фақат ўзига айтиб қўйилади. ҳар бир гуруҳ 10-15 минут давомида тоби йўқларга турли хил саволлар сўраш орқали ташхис қўяди. Эксперт уларнинг ташхисини тинглаб баҳолайди ва уни 3 поғонада, бўлимда ёзади.
- 1. Нима тўғри.
- 2. Нима нотўғри.

СЛАЙД 30

- **Ручка стол ўртасида методи.** Бу метод орқали ҳар бир гуруҳни, қатнашувчиларни текшириш, назорат қилиш мумкин: ҳамма гуруҳга топшириқ берилади. Ҳар бир талаба унга ўз жавобини ёзиб ёнидагисига ўзатади ва ручкасини стол ўртасига қўяди. Укитувчи ҳар бир гуруҳни назорат қилади, умумий тўғри жавобни тўғрисини аниқлайди, баҳолайди, дафтарига ёзади.

СЛАЙД 31

- **Галерея методи.** Танқидий фикрлашни, фикр-жавобларни тўлдиришни ўргатади. гуруҳларга битта муаммоли мавзуни ҳал қилиш вазифаси қўйилади, берилади. ҳар бир гуруҳ 10 минут давомида ўзини фикрини ёзиб, жавобларини бошқа гуруҳ билан алмашади. Кейинги гуруҳ олдинги гуруҳ жавобини баҳолайди, агарда жавоб нотўғри бўлса ўзини тўғри жавоб вариантини таклиф қилади, айтади, ёзади. Охирида ҳамма қатнашувчиларни жавоб-фикрлари муҳокама қилинади, тўғри жавоб

СЛАЙД 32

- **Ротация методи.** Ротация методи орқали фикрлар шархланади. Танқидий фикрлаш ўргатилади. Аудиторияда бир неча кетма-кет рақамлар қўйилиб, топшириклар ёзилиб очилиб қўйилади. 2-3 та талабадан иборат ҳар бир гуруҳ 10 минут давомида уларни ўзлари муҳокама қиладилар ва жавобларини ёзадилар ва шундай қилиб ҳамма топшириққа жавоблар ёзилади. Сўнг ҳамма жавоблар муҳокама қилиниб оптимал тўғриси танланади.

СЛАЙД 33

- **Қор коптокчалари методи.** ҳар бир гуруҳ 2-3 тадан кичик гуруҳларга бўлиниб қатнашадилар, бажарилган топшириқ жавобларига баллар қўйилади. Баллар талабаларни рағбатлантиради. Икки гуруҳ талабалар бирга бир масала мавзуни ёки ситуацияни кўп тўғри жавобни топишга ҳаракат қиладилар. ҳар бир тўғри жавоб қор коптокчаларга ўхшатиб ёзилиб борилади. Талабаларни коптокчаларни тўплаганларига қараб баллар қўйилади ва баҳо қўйилади.

СЛАЙД 34

- **Асалари ини методи.** Бу метод қўлланилганда қатнашувчилар билимларини тўлиқ ишга соладилар. гуруҳларга муҳокама қилиш учун муаммоли, мавзу, топшириқ берилади. Топшириқлар битта ёки турлича бўлиши мумкин. 10-15 минут давомида топшириқ гуруҳларда ҳал қилинади, Муҳокама қилинади ва бир-бирига айтилади. Сўнг эса энг тўғриси танланади.

СЛАЙД 35

- Интерактив методлардан бири **Jigsaw** методидир. **Jigsaw** сўзи аррани билдиради. Бу метод вакиллари Ариксон, Славинлардир. Улар чет тили ўрганувчиларни гуруҳларга бўлиб ўқитишни интерактив методини асосий тамойилини асос қилиб олганлар, яъни гуруҳларга арралашни кўзда тутган бўлсалар керак. Биринчи булиб 1978 йилда Ариксон **Jigsaw 1** методини, 1986 йилда эса Славин **Jigsaw 2** методини ишлаб чиқдилар, таклиф қилдилар.

СЛАЙД 36

- **Jigsaw 1 методи**
- Инглиз тили ўрганувчилар гуруҳларга бўлиниб бир мавзуни турлича томонларини муҳокама қилиб, бошқа гуруҳларга баён қилишга, улар билан баҳс қилишга, суҳбатга, ўз мустақил фикрларини айтишга тайёрланадилар, кейин эса бошқа гуруҳдагилар билан баҳс, суҳбат, мулоқот қилиб бир фикрга, хулосага келадилар ёки ўз фикрларида қоладилар. Албатта ҳар бир гуруҳ тайёрланаётганда бошқа гуруҳларга ҳалал бермай, овоз чиқармасдан, секин тайёрланади.

- Масалан Travelling мавзуси ўрганилганда бу мавзу бўлиниб A trip бир гуруҳга, иккинчисига Travelling by air, учинчисига Voyage берилади. Улар маълум вақт муҳокама қилиб, тайёрланиб гуруҳларга сўзлаб айтиб, маълумот берадилар, бошқа гуруҳлардан маълумот оладилар. Натижада Travelling мавзуси тўлиқ ишлаб чиқилади. ҳар бир гуруҳ ўзиникидан ташқари бошқа гуруҳдан Travelling ни турлари ҳақидаги маълумотни олиб, Travelling мавзусини ҳар томонлама ўрганади. Албатта савол жавоблар баҳслар орқали амалга ошади.

СЛАЙД 37

- **Jigsaw 2 методи**
- Инглиз тили ўрганувчилар гуруҳларга бўлинади. ҳар бир гуруҳ, жамоа битта мавзуни ўрганади, ишлаб чиқади (Jigsaw 1 дагидек битта мавзуни бир неча қисмга бўлмай) мавзу бўлинмайди. ҳар бир гуруҳ жамоа битта мавзу бўйича ўз фикр мулохазасини айтиб, суҳбат, мулоқот қилиниб битта мавзу кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, бир фикр, хулосага келинади ёки ўз фикрларида жамоа қолиши мумкин. Масалан A family

СЛАЙД 38

- Ҳозирги замон педтехнологиялари, интерактив методларининг воситалари.
- Мультимедия
- Ҳозир янги педтехнологиялар, интерактив методларнинг хусусият, тамойилларини ҳисобга олиниб замонавий воситаларни мономедия, мультимедияни қўллашни, ундан унумли фойдаланишни талаб қилинади. Унда талабанинг ўрганаётган мавзуни - объектни эсда қолиш даражаси ҳисобга олинади. Талабаларнинг мавзу, объектни, материални қабул қилиши эслаб қолиши қўлланилаётган метод, усулларга, воситаларга боғлик.

- Илмий адабиётларда ўқитлган матннинг 10%и, тинглаганни 30%и, агар ҳам кўриб, ҳам тингланса 50%и, биз ўзимиз сўзлаб, гапириб берсак 70%, агарда айтиб бериб уни ўқисак, уни амалда бажарсак 90% эсда сақланар экан. Биринчи ҳолатда талабаларнинг ўрганиш, эсда сақлаши анча паст, пассив, 2чи, 3чи ҳолатда 4-5-6 ларда эса ёдда сақлаш анча юқори, фаол бўлган. Ҳозирги замонавий чет тили ўқитиш технологиялари, интерактив методлар талабаларнинг эсида яхши сақланиб қоладиган воситаларни қўллашни талаб қилади.

СЛАЙД 39

- Мультимедиа орқали эса бир вақтнинг ўзида экранда ва компьютер, диктофондан қуйидагилар тақдим этилади.
- а) графика - объектнинг ўзи тасвири (сурати)
- б) матн - ҳам ўрганилаётган чет тилида ва она тилидаги таржимаси.
- в) товуш - матннинг ҳам чет тилида ва она тилидан талаффўзи
- г) қайта жойлаштириш - "сичқонча" ёрдамида объект билан ҳар хил

- Булар мультимедиани - компьютерни, дискни, қўллаш, фойдаланиш орқали бўлади. Унинг учун компьютерларда ишлашни, қўллашни билиш зарур. Мультимедиада компьютер - ўқитувчини ўрнини ўйнайди. Мультимедиадан фойдаланиб
- 1) замонавий инглиз тили дарсликлари ишлаб чиқиш
- 2) турли туман мультимедиали компьютерли дастур воситаларини ишлаб чикиш ва кўллаш мумкин.

СЛАЙД 40

- Ҳозир ўрта мактабларда юқорида айтилган замонавий технологиялар, интерактив методлар тамойилларини, хусусиятларини ҳисобга олиб **2** та параллел инглиз тили дарсликлари ишлаб чиқилди, нашр қилинди, ишлатилмоқда.
- Улар (Fly High, English matters дарслик сериясидир 5, 6, 7, 8, 9 синфлар инглиз тили дарсликлар). Тил олий ўқув юртлари учун ҳам интерактив методларни янги технологияларни асосида бизнинг университетимиз жамоаси муаллифлари томонидан

- I курс учун Get in touch
- II курс учун Keep in touch
- III курс учун Stay in touch
- IV курс учун Future in touch филология талабалари учун, Таржимонлик факультета талабалари учун О.Муминов, А. Кулдошев, У-Ҳошимов English for translators амалий курс (практик курс) дарсликлари ёзилди, нашр қилинди, фойдаланиляпти. Уларда айниқса, гуруҳ, жамоа бўлиб ўқитишга, интерактив методлар тамойиллари ҳисобга олинган.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 4 - маърузанинг таълим технологияси

4-Мавзу	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати -1 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тили талаффузи устида ишлаш мақсад, мазмуни 2) Инглиз тили талаффузи устида ишлаш қийинчиликлари. 3) Инглиз тили талаффузи устида ишлаш методикаси. 4) Инглиз тили талаффузини ўргатишда она тилининг роли.
Маърузанинг мақсади	Инглиз тили талаффузини ўргатишни таништириш, амалда қўллашга ўргатиш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намойиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий гуруҳларда якка ҳолда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
	Назорат саволлари:

Мониторинг ва баҳолаш	1) Инглиз тили талаффузи нима мақсадда ўргатилади? 2) Инглиз тили талаффузини ўргатишда қандай қийинчиликлар мавжуд? 3) Инглиз тили талаффузи орқали нималар шакллантирилади, ривожлантирилади? 4) Инглиз тили талаффузини ўргатишнинг методларини айтиб бера оласизми?

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИНИ ЎРГАТИШ» мавзуси бўйича

4 - маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзунинг номи, мақсади, мазмуни, бўладиган натижалари эълон қилинади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар, тушунмаган нарсалари бўйича саволлар тайёрлайдилар.
2.Асосий босқич (30 дақика)	2.1.Маруза ўқилади 2.2.Талабалар билимини «Тезкор-сўров» усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1. Саволлар берилади. 2. Касбий мақсад, кўникмалар сўралади.	Талабалар методик- топшириқларни ҳал қиладилар.

	3. Ўргатиш методлари аниқлаштирилади. 2.3. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	
3. Якуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштирилади, умумий хулосалар қийинади, якун ясалади. 3.2. Ўқув-маъруза изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

Слайд 1

- Инглиз тилида оғзаки ва ёзма нутқларни ўқитишда талаффўз нормаларини тўғри қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Биламизки, мактаб шароитида талаффўз алоҳида аспект сифатида ўргатилмайди. Нутқ фаолияти (турларини ўргатиш, ўстириш жараёнида, ҳамда лексик ва грамматик материалларни ўргатиш жараёнида талаффўз устида ишланади. Юқорида айтганимиздек талаффўз нормасини тўғри ўргатмаслик нутқни тўғри тушунмасликка олиб келади.
- .

- Агар ўқувчининг талаффўз нормаси тўғри қўйилмаган бўлса, бир томондан унинг нутқини тушуниш қийин бўлса, иккинчи томондан унинг ўзи бошқаларнинг нутқини тушуна олмаслиги мумкин. Нутқни тушуна олмаслик нафақат оғзаки нутқ шаклини ўстиришга нотўғри таъсир қилади, ёзма нутқни, яънн фикрни ёзма баён қилишга ҳам ўқиганни мазмунини тўғри тушунишга ҳам салбий таъсир қилади. Талаффўз материалларини танлашда ва уни тақсимлаб ўргатишда аппроксимация

Слайд 2

- Аппроксимация ҳодисаси асосида талаффўз материалларини танлаш икки хил тамойил иазарда тутилади:
- 1. нутқ фаолиятларини ўргатиш учун зарур бўлган материалларни танлашда бўлса;
- 2. стилистик, яъни тўлиқ услуб (standart pronunciation) учун зарур бўлган материалларни танлашдан иборатдир.
- 3. Ушбу тамойилларга мактаб шароити учун она тили талаффўзини ҳисобга олиш тамойилини ҳам қўшиш мумкин.

СЛАЙД 3

- **Терминлар, методик тушунчалар:**
- 1. талаффўз нормаси;
- 2. талаффўз материалларини танлаш;
- 3. апроксимация ҳодисасини икки томонлама ишлатилиши;
- 4. оҳанг наъмуналари;
- 5. ритмик группалар (гуруҳлар) ;
- 6. талаффўз материалларини чегаралаш;
- 7. тўлиқ услуб талаффўзи;

- 8. она тили талаффўзини ҳисобга олиш
- 9. талаффўз материалини методик типология қилиш;
- 10. талаффўзни ўргатишда иммитация (тақлид қилиш) методи;
- 11. тушунтириш методи;
- 12. тахлил қилиш методи;
- 13. она тили малака ва кўникмаларини чст тил ўргатишда кўчириш (перенос) ;
- 14. ички ва ташқи интерференция;

СЛАЙД 4

- **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**
- 1. Ўрта мактаб шароитида инглиз тили талаффўз нормасини тўғри қўйиш мумкинми?
- 2. Талаффўзни ўргатиш тилни репродуктив ва рецептив равишда ўргатиш билан боғлиқми?
- 3. Фонетик материални танлашда асосан қандай тамойилга таянамиз ва нима учун?
- 4. Фонетик материални методик типология қилиш нима учун керак?
- 5. Инглиз тили фонетик материалини она тили товушлари билан қиёслаш нима учун керак?

- 6. Интерференция деганда нимани тушунасиз?
- 7. Инглиз тили талаффўзини ўргатишда ижобий кўчириш (перснос)ни мисоллар орқали кўрсатинг.
- 8. Инглиз тилидаги қандай товушларни ўргатишда янги артикуляция базаси яратилади?
- 9. Талаффўзни ўргатишда қандай методлар қўлланилади?
- 10. Талаффўзни ўргатишда қандай машқлардан фойдаланамиз?

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 5 маърузанинг таълим технологияси

5-Мавзу	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати -1 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тили грамматикасини ўргатиш мақсади, мазмуни, хусусиятлари. 2) Инглиз тили грамматикасини ўргатиш методикаси, методлари. 3) Инглиз тили грамматикаси профессионал мақсад, кўникмалар турлари, уларни шакллантириш, ривожлантириш.
Маърузанинг мақсади	Инглиз тили грамматикаси устида ишлаш ва амалда қўллашни ўргатиш ва грамматик кўникмалар турлари билан таништириш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намойиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий гуруҳларда якка ҳолда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари: 1) Инглиз тили грамматикаси нимага хизмат қилади?

	2) Инглиз тили грамматикаси устида қандай ишланади? 3) Қандай инглиз тили грамматикаси кўникмаларини шакллантириш зарур?

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ» мавзуси бўйича

5 - маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзунинг номи, мақсади, мазмуни бўлажак натижалари эълон қилинади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар. Тушунмаганлари бўйича саволлар беришга тайёрланадилар.
2.Асосий босқич (30 дақиқа)	2.1.Маъруза ўқилади. 2.2.Талабалар билими савол-жавоб усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1.Муаммоли саволлар берилади. 2. Кўникма турлари айтилади. 3. Кўникмаларни шакллантириш айтилади.	Талабалар методик- топшириқларни ечишга тайёрланадилар.

	2.3. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	
3. Якуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштирилади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2.Ўқув натижалари изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

Слайд 1

- Грамматик ҳодисаларни киритишда, тушуитиришда 3-та метод қўлланилади:
- 1. Индуктив метод
- 2. Дедуктив метод
- 3. Лексик метод.

Слайд 2

- **Индуктив метод** деганда биз аввал ўқувчиларга махсус таёрланган мисолларни кўрсатиш (оғзаки ёки ёзма нутқда) ва улар ёрдамида намуналар, моделлар яратиб, қоидалар ишлаб чиқиш йўли билан ўрганиш. Бу метод билан ўргатишда ўқитувчи , уйда анча тайёргарлик кўрган бўлиши лозим, қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини олдиндан ўйлаб чиққан бўлиши керак. Бу метод билан ўргатишда ўқувчиларнинг ўрни ўзгача бўлади, улар

Слайд 3

- **Дедуктив метод** деганда бирон бир грамматик ҳодисанинг аввал қоидаси берилади ва унинг асосида мисоллар ишлаб чиқилади ва машқларда мустаҳкамланади. Янги грамматик материални бу йўл билан киритишда кам вақтни сарф қилинади ва иложи борича кўпроқ вақт машқлар бажаришга ажратилади

Слайд 4

- **Лексик метод** билан киритиш деганда лексик материални қандай ўргатсак, грамматик материални ҳам шундай ўргатиш назарда тутилади. Бу йўл билан модал феълларни, нотўғри феълларни ўтган замон шаклини, сифатдош **II** шаклларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу методларнинг кайси бирини танлаш қуйидагиларга боғлиқдир:

Слайд 5

- Ўқувчиларга грамматик ҳодисани тушунтириб, грамматик малакаларни шакллантириш ва уларии ривожлантириб нутқ кўникмаларига айлантириш жараёнида 3 хил машқлар ишалтилади:
- 1. тил машқлари;
- 2. шартли нутқ машқлари;
- 3. нутқ машқлари;

СЛАЙД 6

- **Терминлар, методик тушунчалар**
- 1. грамматик структура;
- 2. грамматик материални актив ва пассив равишда эгаллаш;
- 3. рецептив ва репродуктив грамматик материал;
- 4. грамматик материални танлаш тамойиллари;
- 5. грамматик материални методик типология қилиш;
- 6. грамматик шакл, грамматик мазмун;

СЛАЙД 7

- **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**
  - Инглиз тилини ўргатишда грамматикани аҳамияти нималардан иборат?
  - Нима учун грамматик материал танланади?
  - Актив ва пассив грамматик материалга бўлиниш сабабларини айтинг.
  - Грамматик материлни методик типология қилиш нима учун керак?
  - Ўзбек ўқувчилари учун инглиз тили грамматикасини ўргатишдаги қийинчиликларини айтиб беринг.

- **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**
  - Инглиз тилини ўргатишда грамматикани аҳамияти нималардан иборат?
  - Нима учун грамматик материал танланади?
  - Актив ва пассив грамматик материалга бўлиниш сабабларини айтинг.
  - Грамматик материлни методик типология қилиш нима учун керак?
  - Ўзбек ўқувчилари учун инглиз тили грамматикасини ўргатишдаги қийинчиликларини айтиб беринг.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 6 - маърузанинг таълим технологияси

6-Мавзу	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати -1 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулот шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тили лексикаси устида ишлаш мақсади, мазмуни, хусусиятлари. 2) Инглиз тили лексикаси устида ишлаш методикаси. 3) Инглиз тили лексикаси профессионал мақсади, кўникмаларини шакллантириш, ривожлантириш.
Маърузанинг мақсади	Инглиз тили лексикаси устида ишлаш методикаси билан таништириш ва уларни амалда қўллашни ўргатиш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намойиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий гуруҳларда якка ҳолда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
	Назорат саволлари:

Мониторинг ва баҳолаш	1) Инглиз тили лексикаси нима мақсадда ўргатилади? 2) Инглиз тили лексикасини ўргатишнинг хусусиятлари ва у қандай ўргатилади? 3) Инглиз тили лексикаси орқали нималар шакллантирилади, ривожлантирилади?

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 6 – маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзунинг номи, мақсади, мазмуни, бўлажак натижалари эълон қилинади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар. Тушунмаганлари бўйича саволлар беришга тайёрланадилар.
2.Асосий босқич (30 дақиқа)	2.1.Маъруза ўқилади. 2.2.Талабалар билимини савол-жавоб усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1. Методик топшириқлар берилади. 2. Касбий кўникмалар таништирилади. 3. Инглиз тили лексикасини ўргатиш ёрити-	Талабалар муаммоли савол-топшириқларни ҳал қиишга тайёрланадилар.

	лади. 2.3. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	
3. Якуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштирилади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2. Ўқув-маъруза натижалари изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

Слайд 1

- Ҳозирги даврда ўрта ўмум таълим мактабларда, яъни 9-синфгача 1100 лексик бирлик ўзлаштирилиши лозим. Гимназия ва академик лицейларда эса ҳаммаси бўлиб 2500 гача лексик бирлик актив равишда ўзлаштирилиши лозим

Слайд 2

- **Лексик минимумни чегараланиши ёки методик термин билан айтганда танланиши бир қанча масалалар билан боғлиқдир:**
- **1. чет тили ўқитишнинг амалий мақсади билан;**
- **2. қандай билим юртида ўргатилиши билан;**
- **3. нутқ фаолиятини қайси турларини ўстириш билан боғлиқдир, яъни актив ва пассив лексик миниимумнинг миқдори билан.**

Слайд 5

- Тилшуносликнинг хусусиятлари 2 гуруҳга ажратилади:
- 1. инглиз тили лексикасининг ўзини хусусиятлари;
- 2. инглиз тили лексикасини она тили лексикаси билан таққослаганда келиб чиқадиган хусусиятлар.

Слайд 6

- Тилшунослик хусусиятлар ҳам шакл ва маъно жиҳатдан келиб чиқади.
- Биринчи гуруҳ хусусиятларига қуйидагилар киради:
- 1. инглиз тилидаги сўзларнинг баъзи ҳарфларини ўқилмаслиги (шакл жаҳатдан): light, whose, what, knife ва бошқалар;.
- 2. баъзи инглиз сўзларини қоидадан ташқари ўқилиши (шакл): to give, to put, bread, gone;
- 3. Сўзларни кўп маъноли бўлиши (маъно):

Слайд 7

- Икккинчи гуруҳга, яъни инглиз тили лексикасини она тили лексикаси билан қиёслаганда қуйидаги хусусиятлар мавжудлиги аниқланади:
- 1. ўзбек тилидаги сўзга инглиз тилидаги иккита сўзнинг тўғри келиши: қўл – arm, hand;
- 2. байналминал сўзларнинг мавжудлиги: start, valley – ball;
- 3 . шаклнинг бир хилдалиги, лексик маънони ҳар хиллиги: a magazine;
- Юқорида айтиб ўтилган тилшунослик хусусиятларни ўқитувчи томонидан билиб олиниши, лексик бирликларни ўргатишдаги қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беради;
- 4. юқорида айтилган лексик материални ўргатишда ва ўзлаштиришда ҳосил бўладиган қийинчиликларни ҳисобга олиб уларни гуруҳларга бўлиниши лексикани мотодик типология қилиш дейилади;

СЛАЙД 8

- **Терминлар, методик тушунчалар**
- 1. лексик материал (минимум);
- 2. актив ва пассив лексик минимум;
- 3. чет тиллар ўқитиш мақсадлари;
- 4. рецептив на репродуктив, лексик минимум;
- 5. лексик материални методик типология қилиш;
- 6. лексик бирликни шакли ва маъноси;
- 7. лексик бирликларнинг товуш ва график шаклларини очиш;

СЛАЙД 9

- Муҳокама учун савол ва топшириқлар:
- 1. Лексик материални ўргатишдан мақсад нимадан иборат?
- 2. Турли ўқув юртларида чет тили лексикасини ўргатишдан дастур талаблари нимадан иборат?
- 3. Актив ва пассив лексик материал деганда қандай сўзларни тушунасиз?
- 4. Инглиз тили лексикасини ўргатишда қандай қийинчиликлар мавжуд?
- 5. Лексикани методик типология қилиш деганда нимани тушунасиз?
- 6. Лексик материални шаклини очишда қандай метод ва усуллар қўллайсиз?
- 7. Лексикани маъносини очишда қандай метод ва усуллар қўллайсиз?
- 8. Лексик материални нутқ вазиятида қўллаш қандай аҳамиятга эга?
- 9. Лексикани ўзлаштиришда қандай машқлардан фойдаланамиз?

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 7- маърузанинг таълим технологияси

7-Мавзу	**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш мақсади, мазмуни. 2) Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш хусусиятлари, ўргатиш методикаси. 3) Инглиз тилида тинглаб тушуниш малакалари, уларни шакллантириш, ривожлантириш йўллари. 4) Машқлар.
Маърузанинг мақсади	Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш методикаси босқичлари билан таништириш ва амалда қўллашни ўргатиш, касбий малакалар-ни баён қилиш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намо-йиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар, муаммоли саволлар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда якка ҳолда ишлаш.
	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳ-

Ўқитиш шарт-шароитлари	ларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари: 1)Тинглаб тушуниш деганда нимани тушунасиз? 2) Қандай босқичлар асосида ўргатилади? 3) Касбий малакалар нима учун зарур, қандай турлари бор?

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 7- маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзунинг номи, мақ-сади, мазмуни бўлажак натижалари эълон қилина-ди. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар. Тушунмаганлари бўйича саволлар беришга тайёрланадилар.
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Маъруза ўқилади 2.2.Талабалар билимини «Тезкор-сўров» усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1.Муаммоли саволлар берилади.	Бошқотирмаларни ечишга тайёрланадилар.

	2.Касбий малакалар тур-лари айтилади. 3. Касбий малакаларни шакллантириш ўргатилади. 2.3. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштири-лади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2.Ўқув-маъруза натижалари изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

Слайд 1

- Нутқ фаолияти турларини ҳар хил гуруҳга ажратишга келсак, айрим олимлар уларни
- Рецептив – репродуктив – продуктив.
- Актив – пассив нутқ.
- Тайёрланган ёки тайёрланмаган нутқ шаклларига ажратишади.

- Нутқ механизми, нутқнинг содир бўлиши – туғилиши назарияси А.Н.Леонтьев, А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқаларнинг чет тил таълимируҳшунослигидаги тадқиқотларида ўрганилган. Аниқланишича, нутқ фаолияти мулоқотга эҳтиёжнинг мавжудлиги, мақсаднинг қўйилиши ва шунга мос восита – тил материлларининг жамланиши натижасида пайдо бўлади.

Слайд 2

- Тингланаётган нутқ оқимининг шаклига кўра ҳам қатор қийинчиликлар юзага келади, ҳусусан
- Якка нутқни (монолог) тинглашдаги қийинчиликлар;
- Жуфт нутқни (диалог) тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар;
- Гуруҳ нутқни (полилог) тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар.

Слайд 3

- Матнлар устида ишлашнинг 3 босқичли йўли амалиётда қўлланилади:
- А) матн олди ишлари
- Б) матн устида ишлаш
- В) матндан сўнгги иш (кўп ҳолларда матнни тушунганлигини текширишга қаратилади).

СЛАЙД 4

- **Терминлар, методик тушунчалар**
- нутқни тинглаб тушуниш
- аудирование
- рецептив нутқ фаолияти тури-ўқиш ва тинглаб тушуниш
- мотивация
- тингланадиган матннинг мазмун тўзилиши
- хотирада сақлашга оид фаолият
- тинглаб тушунишга оид қийинчиликлар
- аудированиянинг психофизиологик механизми

СЛАЙД 5

- **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**
- Тинглаб тушуниш қандай фаолият тури?
- Нима учун тинглаб тушуниш оғзаки нутқнинг ажралмас қисми ҳисобланади? У орқали маълумот қабул қилинадими ёки ўзатиладими?
- Ўқувчи тинглаб тушунаётганда қандай қийинчиликларга дуч келади?
- Ўқитувчи нутқини тинглаб тушуниш осонми ёки техник воситаларданми?
- Ўқувчиларнинг тинглаб тушунганликларини қандай текширасиз?
- Тинглаб тушунишни ўргатишда қандай машқлардан фойдаланамиз?

«ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 8 - маърузанинг таълим технологияси

8-Мавзу	**ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тилида гапиришни ўргатиш мақсади, мазмуни, хусусияти. 2) Инглиз тилида гапириш шакллари, уларни ўргатиш, машқлар. 3) Инглиз тилида гапириш касбий малакалари, турлари. 4) Ўқувчиларнинг инглиз тилида гапириш малакаларини шакллантириш, ривожланти-риш.
Маърузанинг мақсади	Инглиз тилида гапириш малакаларини ўрга-тиш ва касбий малакаларни шакллантириш билан таништириш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намо-йиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар, муаммоли саволлар, бошқотирмалар.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий гуруҳларда якка ҳолда ишлаш.
	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳ-

Ўқитиш шарт-шароитлари	ларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари: 1) Гапиришнинг қандай шакллари бор? 2) Монолог нима, қандай ўргатилади? 3) Инглиз тилида қандай гапириш малакаларини биласиз?

«ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 8 - маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади, мазмуни бўлажак натижалари эълон қилинади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар. Тушунмаганлари бўйича саволлар беришга тайёрланадилар.
2.Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1. Маъруза ўқилади 2.2. Талабалар билимини «Тезкор-сўров» усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1.Бошқотирмалар берилади. 2.Касбий малакалар сўра-	Методик топшириқларни ечишга тайёрланадилар.

	лалади. 3. Касбий малакаларни шакллантириш, ривож-лантириш бўйича савол-лар берилади. 2.3. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштири-лади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2.Ўқув-маъруза натижалари изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

СЛАЙД 1

- Гапириш-нутқ фаолиятининг оғзаки туридир, шунинг учун ҳам гапириш тинглаб тушуниш билан ўзвий боғлиқ ҳолда ўргатилади, айниқса жуфт шаклида суҳбатлашишда тинглаб тушунмай гаплашиб бўлмайди.

СЛАЙД 2

- Гапириш механизми тўғрисидаги таълимот, юқорида айтиб ўтилганидек, руҳшуносликда, жумладан чет тил таълимируҳшунослигида (А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқалар) яхши тадқиқ этилган. Ушбу таълимотга кўра гапирувчида аввало фикр туғилади ва уни айтишга эҳтиёжни ҳис қилиши зарур, сўнгра танлов механизми ишга тушади,яъни сўзловчи ўз хотирасидан фикрни баёни учун зарур бўлган тил материалини танлаб топиши керак бўлади ва уларни ўзаро боғлайди-да талаффўзга (артикулятцияга) чиқаради.

- Ушбу механизмда артикуляция талаффўз босқичи ҳам 2 бўлимдан иборат бўлиб, аввало жуда қисқартирилган ички талаффўз (ички нутқ) ва сиртқи –овоз чиқариб талаффўз этиш босқичларига эгадир. Ички нутқ сиртқи нутққа нисбатан фикрнинг аниқ тил воситалари билан тўла таъминланган ташқи талаффўз аъзолари иштироки орқали содир этиладиган нутқ шаклидир.

СЛАЙД 3

- Гапириш турларига келсак, улар
- A) якка нутқ-монолог-monologue speech;
- B) жуфт нутқ-диалог-dialogue speech;
- C) гуруҳ нутқ-полилогга ажратилади.
- Лекин, чет тилида гапиришни ўргатишда асосан олимлар, мутахассислар гапиришнинг монолог ва диалог турларини ўргатиш масалалари ҳақида фикр юритадилар; гуруҳ нутқ тури табиатан мавжуд бўлсада, полилогни ўргатиш йўл-йўриқлари ҳақида фикрлар жуда кам, машқлар ҳақида ҳам алоҳида тадқиқот етарли эмас. Полилогни ўргатиш диалог нутқни ўргатиш методикасига қўшиб юборилади деса ҳам бўлади.

СЛАЙД 4

- **Гапиришнинг** бу турларини таърифлашда кўпинча уларнинг психофизиологик ва тилшунослик фарқлари солиштирилиб, уларни ўргатиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган: масалан якка нутқ – монолог бу турдаги мулоқотда иштирок этувчиларга нисбатан 1 кишининг нутқи бўлиб (суҳбатдош) тингловчига бевосита ёки билвосита йўналтирилган бўлади. Бевосита якка нутқ тингловчи гапирувчи олдида бўлади ва якка нутқ унга қаратилган бўлади, лекин тингловчи сўзловчи нутқига аралашмай тинглайди.

- Билвосита якка нутқда эса тингловчи сўзловчи ҳўзурида бўлмайди ва нутқ мавҳум тингловчига қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам якка нутқ тил жиҳатидан мукаммал, гаплар тўлиқ, синтактик ва стил жиҳатидан мураккаб тартибли бўлади,қолаверса ушбу нутқ турида нолисоний-экстралингвистик (паралингвистика соҳаси) воситалар бўлмайди.
- Якка нутқнинг ахборот,баён,таҳлил,тасвир,тавсиф каби шаклларини фарқлаш мумкин. Айниқса билвосита якка нутқ ёзма нутқ шаклига яқин бўлиб,кўпинча ёзма баён этилади. Ҳар қандай якка нутқда аниқ режага асосан фикр юритилади:тахминан ҳар қандай монологнинг кириш қисми,асосий қисм ва хулоса қисмлари бўлиб, оғзаки ёки ёзма шаклда юз бериши мумкин.

СЛАЙД 5

- Тилшунослик жиҳатидан қаралганда жуфт нутқда жумлалар қисқа, мавзу ўзгарувчан,луқмаларга,ифодаларга,ҳис-ҳаяжон ва имо-ишораларга бой нутқдир. Суҳбатдошларнинг ҳатти-ҳаракат,имо-ишоралари тил воситаларининг қисқариб кетишга омил бўлиб хизмат қилади. Жуфт нутқда, юқорида таъкидланганидек, нутқ луқмаларининг яъни,нутққа ундовчи тил бирликларининг аҳамияти катта, чунки бу луқмалар нутқни ўзлуксиз давом этишига, шерикларнинг суҳбати ўзилиб қолмаслигига хизмат қилади. Таркибига кўра луқмалар содда ёки мураккаб қисмли бўлиши мумкин.

- Масалан:
- СОДДА
- Yes! Yes? No. Well! Oh? Why?! O.K. Really? Sorry?
- МУРАККАБ
- Excuse me. I beg your pardon! You are welcome. Here you are! Neither do I. So do I.

СЛАЙД 6

- Мақсадга кўра луқмалар
- Савол –жавоб: May I? –Yes please.
- Савол –жавоб: Excuse me? –Yes?
- Хабар –савол: I can’t join you.-Why?
- Жавоб –савол: No,I don’t- why? ва ҳ.к

СЛАЙД 7

- **Терминлар, методик тушунчалар**
- монолог-якка нутқ
- дедукция
- диалог-жуфт нутқ
- индукция
- полилог-гуруҳ нутқ
- вазият
- луқма
- ҳолат
- диалогик бирлик

СЛАЙД 8

- Муҳокама учун савол ва топшириқлар:
- Гапириш қандай нутқ фаолияти тури ҳисобланади?
- Гапириш орқали маълумот бериладими ёки олинадими?
- Гапиришни ўргатаётганингизда олдин нималарни ўргатишингиз зарур?
- Луқмани қандай тушунасиз, у неча хил бўлади?
- Диалогик нутқни ўргатишни сўзлаб беринг.
- Монологик нутқни қандай ўргатасиз?
- Нутқ вазияти деганда нимани тушунасиз ва ундан қандай фойдаланасиз?
- Инглиз тил ўргатишда ўйин ва қўшиқ ўйнатиш ва ўргатишдан мақсад нима? Уларни қўллаш орқали инглиз тили ўргатиладими ёки ўйин ўйнашга ва қўшиқ айтишга ўргатиладими?
- Инглиз тили ўргатишда ўқитувчи нутқининг аҳамияти ҳақида гапиринг.
- Ҳар дарсда нутқ машғулоти ўтказиш шартми?

«ЎҚИШНИ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 9 - маърузанинг таълим технологияси

9-Мавзу	**ЎҚИШНИ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тилида ўқишни ўргатиш мақсади, мазмуни. 2) Инглиз тилида ўқиш устида ишлаш методикаси. 3) Инглиз тилида ўқиш турлари, уларни ургатиш. 4) Инглиз тилида ўкиш касбий малакаларини шакллантириш, ривожлантириш.
Маърузанинг мақсади	Инглиз тилида ўқишни ўргатиш методикаси, турлари, касбий малакалар билан таништириш, уларни амалда қўллашга ўргатиш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намойиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар, муаммоли саволлар, бошқотирмалар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий гуруҳларда якка ҳолда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.

Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари: 1) Инглиз тилида қандай ўқиш турлари бор? 2) Инглиз тилида ўқиш турларини ўт-казишни тушунтириш. 3) Инглиз тилида ўқишдаги қийинчиликларни айта оласизми? 4) Инглиз тилида ўқишни ўргатишда она тили рол ўйнайдими?

«ЎҚИШНИ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 9 - маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзунинг номи, мақ-сади, мазмуни, бўлажак натижалари эълон қили-нади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар. Тушунмаганлари бўйича саволлар беришга тайёрланадилар.
2.Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1.Маъруза ўқилади. 2.2.Талабалар билимини Савол-жавоб усулини қўллаб фаоллаштирилади:	Методик топшириқ, бошқотирма, саволларга жавоблар беришга

	1.Методик топшириқлар берилади. 2.Бошқотирма берилади. 3.Инглиз тилида ўқиш турлари сўралади. 2.3.Берилган жавоблар умумлаштирилади.	тайёрланадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштирилади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2. Ўкув-маъруза натижалари изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

СЛАЙД 1

- **Ўқиш –нутқ фаолиятининг рецептив тури бўлиб, кўриш сезгилари орқали ёзма ахборотни қабул қилиб унинг мазмунини тушуниш фаолиятидир. Албатта бунда эшитиш анализатори ва талаффўз аъзолари ҳам фаол иштирок қилади, бу эса ўқиш фаолиятининг тинглаб тушуниш, гапириш билан ўзвий боғлиқлигидан далолат беради, қолаверса ўқиш ёзма нутқ билан боғлиқ бўлгани учун ёзув билан, мазмунни тушуниш учун йўналтирилганлиги, ички**

СЛАЙД 2

- Чет тилида ўқиш фаолияти жуда мураккаб жараён бўлиб, уни учбурчак шаклда тасаввур қилиш мумкин. Ўқишнинг психофизиологик механизми руҳшуносликда, жумладан чет тиллар ўқитишруҳшунослигида тадқиқ этилган.
- Тиллар ўқитиш методикаси тарихидан маълумки, тўғри метод намояндаларидан бири М.Уэст ўқиш фаолиятига жуда аниқ баҳо берган ва чет тил ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблаган. Турли типдаги ўқув юртларининг

СЛАЙД 3

- Ўқишнинг учала тури ҳам шаклан ҳар хил бўлиши мумкин:
  - Овоз чиқариб ёки чиқармай ўқиш
  - Луғатли ёки луғатсиз ўқиш
  - Якка ёки жўр бўлиб ўқиш
  - Аудитория ёки уйда ўқиш
  - Аналитик ёки синтетик ўқиш
  - Таржимали ёки таржимасиз ўқиш
  - Тайёрланган ёки тайёрланмаган ўқиш ва бошқалар.

СЛАЙД 4

- Бирон бир ўқиш тури учун мўлжалланган матн устида ишлашнинг 4 босқичи бор:
- А)матнгача бўлган босқич
- Б)матн билан ишлаш босқичи
- В)матндан кейинги босқич
- Г)ижодий босқич
- Ҳар бир босқич ўз мақсад ва мазмунига, машқлар турига эгадир
- Ўқишни ўргатиш машқлар тизими 2 гуруҳга бўлинади.
- Ўқиш шаклига йўналтирилган тил тайёрлов машқлари
- Мазмунга йўналтирилган-нутқ машқлари.

Слайд 5

- Ўқишни ўргатиш учун мўлжалланган машқларни кўрсатинг.
- Чет тилни амалий эгаллашда ёзув бошқа нутқ турлари қаторида қандай ўринни эгаллайди?
- Ёзув ва ёзма нутқни шакллантиришда қандай машқлар умумий бўлиши мумкин?
- Гапириш ўқиш ва ёзув учун умумий бўлган малакаларни ажратиб кўрсатинг.

СЛАЙД 6

- Ёзувнинг психофизиологик механизмига, турига, ҳамда дастурий талабларга кўра ёзувни ўргатиш машқлар тизими 2 гуруҳга бўлинади:
- А) Ёзувни ўргатиш машқлари
- Б) Ёзма нутқни ўргатиш машқлари

СЛАЙД 7

- **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**
- Ўқишнинг психофизиологик механизмини тушунтиринг.
- Ўқиш мақсад ва восита сифатида қандай таърифланади?
- Танишиш учун ўқиш тури тўғрисида нималарни биласиз?
- Кўз югуртириб ўқишни қандай тушунасиз?
- Синчиклаб ўқиш малакаларини айтинг?
- Ўқишнинг қайси тури мактаб (лицей,олий ўқув юртлари, махсус олий ўқув юртлари)да ўргатилади?

«ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАР, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ»

мавзуси бўйича 10 – маърузанинг таълим технологияси

10-Мавзу	**ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАР, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони – 60 та
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маърузанинг режаси	1) Инглиз тилини ўқитиш жараёнини ташкил қилиш турлари. 2) Инглиз тилини ўқитиш жараёнини ре-жалаштириш, турлари. 3) Инглиз тилини ўқитиш жараёнини ташкил қилиш касбий малакалари, уларнинг турлари, шакллантириш
Маърузанинг мақсади	Инглиз тилини ўқитиш жараёнини ташкил қилиш турлари, режалаштиришни таниш-тириш ва амалда ташкил қилишни ўргатиш.
Педагогик вазифалар	**Ўқув фаолиятининг натижалари:**
Таълим методлари, услуби, техникаси	Маъруза, тушунтириш, тезкор-сўров, намо-йиш этиш, суҳбат.
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, слайдлар, ўқув вазифалари, методик топшириқлар, муаммоли саволлар, бошқотирмалар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий гуруҳларда, якка ҳолда ишлаш.

Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳ-ларда ишлашга мўлжалланган аудиторияни тайёрлаш.
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари: 1) Инглиз тилида ўқитиш жараёнини ташкил қилиш керакми? 2) Инглиз тилида ўқитиш жараёнини ташкил қилиш турлари. 3) Инглиз тилида ўқитиш жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар, ҳақида гапириш.

«ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАР, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ»

мавзуси бўйича 10 – маъру-занинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номи, мақ-сади, мазмуни, бўлажак натижалари эълон қи-линади. 1.2. Маърузани ўтказиш шакли тушунтирилади.	Тинглайдилар. Тушунмаганларини сўрашга тайёрланадилар.

2.Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1. Маъруза ўқилади. 2.2. Талабалар билимини савол-жавоб усулини қўллаб фаоллаштирилади: 1. Ўқиш жараёнини қандай ташкил қилинади? 2. Ўқитиш жараёнини ташкил қилиш турларини гапириш. 3. Режалаштириш турлари борми? 4. Режалаштириш турлари қандай амалга оширилади? 5. Режалаштириш касбий малакалари борми, қандай шаклланади? 2.3. Берилган жавоблар умумлаштирилади.	Топшириқларни бажарадилар, саволларга жавоблар берадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу умумлаштирилади, умумий хулосалар қилинади, якун ясалади. 3.2.Ўқув-маъруза натижалари изоҳланади ва баҳолар эълон қилинади. 3.3. Мустақил ишлар учун вазифа берилади.	Тинглайдилар. Эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

СЛАЙД 1

- **Режалаштириш.**
- 1. Чет тили ўргатишнинг унумдор ва мақсадга мувофиқ бўлиши ўқув жараёнини тўғри режалаштиришга боғлиқдир.
- 2. Режалаштириш тизимини муддати, мазмуни бўйича турларга бўлиш мумкин. Муддати бўйича режалар 4 га бўлинади.
- 1. бир ўқув йили ёки тўрт чораклик;
- 2. ярим ўқув йили учун ёки 2 чораклик;
- 3. бир чораклик;
- 4. бир соатлик;

СЛАЙД 2

- Мазмуни бўйича эса икки турга бўлинади;
- 1. календар тематик режа;
- 2. бир соатлик ёки кундалик режа;
- Календар, яъни йиллик режа одатда дарслик муаллифлари томонидан тўзилади. Уни тўзишда дастур талаблари, ўқув-методик мажмуа мазмуни ва тўзилиши, ўқувчилар ёш хусусиятлари ва замонавий дарслик назарияси ҳисобга олинади. Йиллик режа ярим йиллик, чорак режаларидан ташкил топади. Унинг таркибига мавзу режалари ҳам киради

СЛАЙД 3

- Ярим йиллик режаларни шаҳар ёки туман ўқитувчилари бирлашмаси тўзади. Календар тематик режада ҳар бир мавзунинг тил материали нутқ фаолияти турлари ва дарс тизими машғулотларига бўлинади. Ўқитувчи календар тематик режа тўзаётганда дарс мавзусини, асосий ва қўшимча вазифаларни, жиҳоз ва воситаларни белгилайди. У ўқитувчиларнинг талаффўз, лексика, грамматика бўйича ўзлаштира оладиган тил ҳамда илгаридан шакллантириладиган, ривожлантириладиган малака кўникмаларни, қўшимча машқларни, вазифаларни чегаралайди.
- Йиллик ва календар тематик режаларга ижодий методик ўзгаришларни ўқитувчи киритиши мумкин, лекин тил материали ўзгармайди.
- Бир соатлик дарс режасини ҳар қайси ўқитувчи ўзи тўзади.

СЛАЙД 4

- Дарс режаси.
- Мавзуий режага суянган ҳолда дарс конспекти (режаси) ёзилади. Дарс режаси деганда дарсда ўтказиладиган машқлар ва бошқа барча ишларнинг аниқ тасвири ва уларга сарфланадиган вақт миқдорий ўлчови кўрсатиладиган дарс режаси тушунилади. Режани тўзишда ўқитувчи чет тили дарсига қўйиладиган талабларни ҳисобга олади.

Слайд 5

Дарс режасини лойиҳаси қуйидагича бўлади:

- Синф сана
- Дарс мавзуси
- Дарснинг мақсади
- Тарбиявий, таълимий, ривожланувчи мақсад
- Жиҳозлаш
- Дарснинг бориши
- 1. Дарснинг бошланиши
- 1) Warm up (чет тили атмосферасини

- 2. Асосий қисм
- 3) янги мавзуни ўқитиш
- а) киритиш
- б) машқлар бажариш
- в) ўқиш
- г) ёзиш
- 3. Якуний қисм
- 4. Баҳолаш
- 5. Уйга вазифа

СЛАЙД 6

- Дарснинг бориши 3 қисмдан иборат бўлади. Бошланиш қисмида саломлашиб, чет тил атмосфераси яратилади. Бунда ўқувчиларга ўқув ўйинлари тақдим этилиб, олиб борилади.
- Уй вазифаси текширилиши мумкин. Албатта, ўқув ўйини шу дарснинг мақсади билан боғлиқ бўлиши керак. Асосий қисмда янги мавзу ўтилади: сўзларни семантизация қилиш ва нутқда қўллашни ўргатилади ёки грамматик материал киритилиб, бунинг учун дарсликдаги машқларни бажариш кўрсатилади.
- Якуний қисмда ўқувчилар баҳоланади ва уй вазифаси берилиб хайрлашади. Дарс режасидаги ҳар бир бажариладиган машқ ва ундаги иш турига вақт белгиланади.

СЛАЙД 7

Факультатив шароитида гапиришнинг қуйидаги (П.Б Гурвич таклиф қилган) асосий усулларидан фойдаланилади.

Якка нутқда гапириш.

- Тингланган ва ўқилган матннинг мазмунини айтиб бериш.
- Ўқилган ва кўрилган нарса ёки ҳодисанинг қисқача мазмунини баён этиш.
- Кўрган ва ўқиганини танқидий таҳлил қилиш.
- Шахсий ҳаётидан ахборот бериш.
- Матбуот материали бўйича сиёсий воқеаларни сўзлаш.
- Маърўзалар қилиш.
- Спорт ҳақида ахборот бериш.

- **Жуфт нутқда гапириш:**
- Ҳаётий мулоқот мақомидаги суҳбат.
- Мунозаралар ўтқазиш.
- Ўқилган матннинг мазмунини ролларга кириб айтиш.
- **Таянч сўзлар**
- дарс мавзуси
- дарснинг мақсади
- дарс турлари
- дарс босқичлари
- дарснинг жиҳози
- дарснинг бошланиши
- асосий қисми
- якуний қисми
- чет тили мухити

10. режалаштириш
11. режа турлари
12. мавзувий режа
13. дарс режаси
14. дарс режасининг лойиҳаси

СЛАЙД 8

Муҳокама учун савол ва топшириқлар:

- Дарснинг турлари ва уларнинг кўринишларини айтиб беринг.
- Дарснинг босқичлари (қисмлари)нинг мақсадларини ва дарснинг мақсадини таҳлил қилинг.
- Чет тили дарсининг бошқа дарслардан фарқини аниқланг.
- Режалар турлари ҳақида фикрингизни баён қилинг.

АМАЛИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ» ва «ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ» мавзулари бўйича 1-семинарнинг таълим технологияси

1-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ» ва «ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 25-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинарда муҳокама қилинадиган масала, саволлар	1. Инглиз тили ўқитиш методикаси фани, хусусиятлари. 2. Инглиз тили ўкитиш методикаси фани предмети, мақсад-мазмуни. 3. Инглиз тили ўқитиш тамойиллари, методлари, усуллари, воситалари, машқлар. 4. Инглиз тили ўқитишнинг ҳозирги долзарб масалалари.
Семинарнинг мақсади	Инглиз тили ўқитиш методикаси фани назарий асосларини тушунтириш, долзарб масалалари ҳақида ахборот, маълумот олиш.
Ўқитувчи вазифалари Мавзуни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш	Ўкув фаолиятининг натижалари Талаба билиши зарур: 1. Инглиз тили ўқитиш методикаси фани бўйича тушунча бериш. 2. Инглиз тили ўқитиш методикаси фани методик тушунчаларини таништириш. 3. Инглиз тили ўқитиш методикаси фани мақсад, вазифаларини ёритиш.
Таълим методлари	Тушунтириш, тезкор сўров, намойиш этиш, суҳбат, кластер.

Таълим воситалари	Кўриш воситалари - слайдлар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ» ва «ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ» мавзулари бўйича 1-семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Мавзуни ва семинар машғулотни ўтказишни эълон қилинади. 1.2. Суҳбат, савол-жавоб орқали ўтказиш айтилади. 1.3. Натижаларни баҳолаш, баллар қўйиш тушунтирилади.	Тинглайдилар ва жавоб берадилар, қўшимчалар киритадилар. Кенгайтирадилар, мавзуни тўлдирадилар. Эътироз бўлса айтадилар.
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1.Ўқитувчи савол бера-ди: 1. Инглиз тили ўқитиш методикаси фани предме-ти, мақсад-мазмуни, тамо-йиллари ҳақида сўзланг. 2. Инглиз тили ўқитиш	Тинглайдилар, жавоб берадилар. Қўшимча киритадилар, кенгайтирадилар, тўлдирадилар, эътироз бўлса билдирадилар.

	методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси сабаблари ва қандай фанлар билан алоқа қилиши ҳақида сўзланг. 3. Инглиз тили ўқитиш методикаси долзарб масалалари ҳақида гапиринг. 4. Лингво-культурология, компетенция ҳақида сўзланг.	
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади натижалар айтилади, баллар эълон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машғулот мавзусининг савол-топшириқлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР,
ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ
ЎҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ ВОСИТАЛАРИ»
мавзуси бўйича 2-семинарнинг таълим технологияси

2-Мавзу:	**ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ ВОСИТАЛАРИ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 25-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинар машғулотида муҳокама қилинадиган савол-топшириқлар	Назарий қисм: 1. Технология, педтехнология, методик технология тушунчалари. 2. Педагогик, методик технология турлари. 3. Замонавий методлар, интерактив методлар. Амалий қисм: Замонавий методлар, интерактив методларни қўллаш, дарс фрагментини амалда тақдим қилиш, ўтказиш.
Семинарнинг мақсади	Замонавий методлар, педагогик, методик технология-лар, интерактив методлар билан таништириш ва улар-ни амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари: 1. Мавзуни чуқурлаштириш ва мустахкамлаш. 2. Амалда қўллашни ўргатиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба билиши ва амалда бажариши зарур, керак. 1. Педтехнология сўзини тушунчаси, методик технология. 2. Интерактив методлар турлари, замонавий методлар. 3. Педтехнология, интерактив методларни қўллаш.
Таълим методлари ва ўқитиш технологияси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, жавобларга қўшимча қилиб кенгайтириш, янги

	интерактив методларни айтиш.
Таълим воситалари	Кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда, якка тартибда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР,
ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ
ЎҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ ВОСИТАЛАРИ»
мавзуси бўйича 2-семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1. Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 1.2. Суҳбат, мунозара шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3. Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	Тинглайдилар Қўшимчалар бўлса айтадилар
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: Ўқитувчи саволлар беради:	Тинглайдилар, жавоб берадилар, қўшимчалар

	1. Замонавий методлар, педагогик технологиялар қўллаш зарурияти, аҳамияти. 2. Интерактив методлар ва уларни қўллаш. АМАЛИЙ ҚИСМ: 1. Замонавий методларни амалда қўллаб, дарс фрагменти қилиб тақдим қилиш. 2. Интерактив методларни амалда қўллаб, дарс фрагменти қилиб тақдим килиш.	киритадилар, кенгайтирадилар, тўлдирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар эълон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машғулот мавзуси, саволтопшириқлар беради.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 3 - семинарнинг таълим технологияси

3-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 1 соат	Талабалар сони 25-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинарда режаси муҳокама қилинадиган савол, топшириқлар.	1. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш мақсади, мазмуни. 2. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш қийинчиликлари. 3. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш хусусиятлари, технологияси, методикаси. 4. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш методлари, уларни қўллашни ўргатиш.
Семинарнинг мақсади	Инглиз тили талаффузини амалда қўллашни ўргатиш.
Уқитувчи вазифалари: 1. Мавзуни чуқурлаштириш ва Амалий инглиз тили фонетикасини амалда қўллашга ўргатиш..	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба билиши зарур ва амалда бажариши керак: 1. Инглиз тили талаффузи тушунчалари, хусусиятлари, мақсади. 2. Инглиз тили талаффузини ўргатиш технологияси ва методлари. 3. Инглиз тили талаффузини амалда қўллаш.
Таълим методлари ва таълим техникаси.	Суҳбат, саволларга жавоб бериш, жавобларга қўшимча қилиб, кенгайтириш, тақдим қилиш
Таълим воситалари	Кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка жавоб бериш.

Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 3 - семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 1.2. Мунозара, суҳбат, доклад қилиш шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3. Натижаларни баҳо-лаш, регламент тушунти-рилади.	Тинглайдилар Эътироз бўлса айтадилар
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Ўқитувчи саволлар беради. 1. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш мақсади, мазмуни 2. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш кийинчи-ликлари. 3. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш хусусият-лари, методлари.	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.

	4. Инглиз тили талаффу-зи устида ишлаш мақсади, кўникма турлари, уларни шакллантириш. АМАЛИЙ ҚИСМ: Амалий инглиз тилифонети-касини ўргатиш, дарс фрагментини амалда ба-жариб кўрсатиш	
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижа-лар айтилади баллар эъ-лон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машғулот мавзуси, савол-топшириқлар берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 4- семинарнинг таълим технологияси

4-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинарда режаси муҳокама қилинадиган савол, топшириқлар.	1. Инглиз тили грамматикаси устида ишлаш хусусияти, мақсад, мазмуни, қийинчиликлари. 2. Инглиз тили грамматикаси устида ишлаш методикаси. 3. Инглиз тили грамматикасини ўргатишни қўллаш. 4. Инглиз тили грамматикаси касбий мақсад, кўникмаси ва уни шакллантириш.
Семинарнинг мақсади	Инглиз тили грамматикаси устида ишлашни таништириш ва амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари: Мавзуни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий инглиз тилиграм-матикасини амалда қўллашга ўргатиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари Талаба билиши ва амалда қўллаши зарур: 1. Инглиз тили грамматикаси устида ишлаш хусусиятлари, мақсад, мазмуни. 2. Инглиз тили грамматикасини ўргатиш технологияси ва методлари. 3. Инглиз тили грамматикасини амалда қўллаш. 4. Инглиз тили грамматикасини касбий мақсади, кўникмалари, уларни шакллантириш.
Таълим методлари ва таълим технологияси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қўшимча қилиб кенгайтириш.
Таълим воситалари	Кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка жавоб бериш.

Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 4- семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилинади. 1.2. Мунозара, суҳбат, доклад қилиш шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3.Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	1.2 Тинглайдилар Қўшимча бўлса айтадилар
2. Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Ўқитувчи саволлар беради. 1. Инглиз тили грамматикаси устида ишлаш хусусият, кийинчиликлари, мақсади, мазмуни 2. Инглиз тили грамматикаси устида ишлаш методикаси. 3. Инглиз тили грамматикаси-	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.

	ни ўргатиш технологияси. 4. Инглиз тили грамматикаси касбий мақсади, кўникмаси турлари, уларни шаклланти-риш. АМАЛИЙ ҚИСМ: Инглиз тили грамматикасини ўргатишдаги фрагментини амалда тақдим қилиш	
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1.Якун ясалади, натижалар айтилади, баллар эълон қили-нади. 3.2. Кейинги семинар машгу-лот мавзуси, семинар-топши-риқлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 5- семинарнинг таълим технологияси

5-Мавзу:	**АМАЛИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ УСТИДА ИШЛАШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли. Семинарда муҳокама қилинадиган савол, топшириқлар.	1. Инглиз тили лексиикаси устида ишлаш мақсади, мазмуни. 2. Инглиз тили лексикаси устида ишлаш хусусиятлари. 3. Инглиз тили лексикаси устида ишлаш методикаси, қўллаш. 4. Инглиз тили лексикаси касбий мақсад, кўникмасини шакллантириш.
Семинарнинг мақсади	Инглиз тили лексикасини ўргатишни таништириш ва амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари: Мавзуни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий инглиз тилилексикасини амалда қўллашга ўргатиш..	Ўқув фаолиятининг натижалари Талаба билиши зарур ва амалда қўллаши керак: 1. Инглиз тили лексикаси хусусияти, кийинчилик-лари, мақсад, мазмуни. 2. Инглиз тили лексикасини ўргатиш технологияси ва методлари. 3. Инглиз тили лексикасини амалда қўллаш. 4. Инглиз тили лексикасини кўникмасини шакллантириш.
Таълим методлари ва таълим техникаси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қўшимча қилиб кенгайтириш.
Таълим воситалари	Кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш

	воситалари.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда, ишлаш, якка жавоб бериш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 5 - семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1. Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 2. Мунозара, суҳбат, доклад қилиш шаклида утказилиши айтилади. 3. Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	Тинглайдилар Қўшимчалар бўлса айтадилар
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Ўқитувчи саволлар беради. 1. Инглиз тили лексикаси устида ишлаш хусусият, қийинчиликлари, максади, мазмуни	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.

	2. Инглиз тили лексикаси устида ишлаш методикаси. 3. Инглиз тили лексикасини ўргатиш АМАЛИЙ ҚИСМ: Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тили лексикасини ўргатиш, дарс фрагментини амалда тақдим қилиш.	
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар айтилади баллар эълон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машғулот мавзуси, саволтопшириқлар берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 6- семинарнинг таълим технологияси

6-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинарда режаси муҳокама қилинадиган савол, топшириқлар.	1. Инглиз тилида тинглаб тушуниш устида ишлаш мақсади, мазмуни. 2. Инглиз тилида тинглаб тушуниш устида ишлаш хусусиятлари, қийинчиликлари. 3. Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш босқичлари, уларни ўтказиш. 4. Инглиз тилида тинглаб тушуниш касбий мақсад, малакаларини шакллантириш.
Семинарнинг мақсади	Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатишни таништириш ва уни амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари: Мавзуни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий инглиз тилиграмматикасини амалда қўллашга ўргатиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари Талаба билиши ва амалда қўллаши зарур: 1. Инглиз тилида тинглаб тушуниш хусусияти, мақсад, мазмуни. 2. Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш. 3. Инглиз тилида тинглаб тушуниш малакасини шакллантириш. 4. Инглиз тилида тинглаб тушунишни амалда қўллашни ўргатиш.
Таълим методлари ва таълим технологияси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қўшимча қилиб кенгайтириш.
Таълим воситалари	Кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш

	воситалари.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда якка ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ»
мавзуси бўйича 6- семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 1.2. Мунозара, бахс, суҳбат, доклад қилиш шаклида утказилиши айтилади. 1.3.Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	1.2 Тинглайдилар Қўшимчалар бўлса қўшадилар
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Инглиз тилида тинглаб тушуниш хусусияти, кийинчилиги, мақсад 2.2. Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш методикаси. 2.3. Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш. 2.4. Инглиз тилида тинглаб	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.

	тушуниш мақсад, малакаси, унинг турлари, уларни шакллантириш. АМАЛИЙ ҚИСМ: Инглиз тилида тинглаб тушунишни ўргатиш, дарс фрагментини амалда ўтказиб тақдим қилиш.	
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар айтилади баллар эълон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машгулот мавзуси, семинар саволлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 7- семинарнинг таълим технологияси

7-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинарда режаси муҳокама қилинадиган савол, топшириқлар.	1. Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш хусусияти, мақсад. 2. Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш қийинчиликлари. 3. Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш методикаси. 4.Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш касбий мақсад, малакаларини шакллантириш.
Семинарнинг мақсади	Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш методикасини таништириш ва уни амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари: Мавзуни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий инглиз тили грамматикасини амалда қўллашга ўргатиш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** Талаба билиши ва амалда қўллаши зарур. 1. Амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш мақсад. 2. Амалий инглиз тилида гапиришни ўргатиш. 3. Амалий инглиз тилида гапириш касбий малакасини шакллантириш турлари. 4. Амалий инглиз тилида гапиришни амалда қўллаш.
Таълим методлари ва таълим технологияси.	Суҳбат тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қў-шимча қилиб кенгайтириш.

Таълим воситалари	Лазер проектори, кўриш (визуал) воситалар, ахборот-ни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка жавоб бериш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГАПИРИШНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 7- семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Семинар машғулоти мавзу-сини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 1.2. Мунозара, бахс, суҳбат, доклад қилиш шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3.Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	Тинглайдилар Қўшимчалар бўлса айтадилар
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Инглиз тилида гапиришни ўргатиш мақсад. 2.2 Инглиз тилида гапиришни ўргатиш қийинчиликлари. 2.3 Инглиз тилида гапиришни	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар,

	ўргатиш. 2.4. Инглиз тилида гапириш малакасини шакллантириш. АМАЛИЙ ҚИСМ: Инглиз тилида гапиришни ўргатиш дарс фрагментини амалда тақдим қилиш.	эътирозлар бўлса айтадилар.
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар айтилади баллар эълон қили-нади. 3.2. Кейинги семинар машғу-лот мавзуси, семинар саволлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШНИ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 8 -семинарнинг таълим технологияси

8-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШНИ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли. Семинарда муҳокама қилинадиган савол, топшириқлар.	1. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув устида ишлаш мақсад, мазмуни. 2. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув турлари, уларни ўргатиш методикаси. 3. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув турларини ўргатиш. 4. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув малакаларини шакллантириш.
Семинарнинг мақсади	Инглиз тилида ўқиш ва ёзув турларини ўргатишни тушунтириш ва уларни амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари: Мавзуни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалий инглиз тилиграмматикасини амалда қўллашга ўргатиш.	**Ўқув фаолиятининг натижалари** Талаба билиши ва амалда қўллаши зарур: 1. Инглиз тилида ўқиш ва ёзувни ўргатиш мақсад, мазмуни, хусусиятлари. 2. Инглиз тилида ўқиш ва ёзувни турлари, уларни ўргатиш. 3. Инглиз тилида ўқиш ва ёзувнинг касбий мақсади, малакалари турлари ва уларни шакллантириш. 4. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув турларини амалда қўллаб кўрсатиш.
Таълим методлари ва таълим технологияси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қўшимча қилиш.

Таълим воситалари	Инглиз кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка жавоб бериш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ЎҚИШ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ»

мавзуси бўйича 8 -семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1 Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 1.2. Мунозара, бахс, суҳбат, доклад қилиш шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3.Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	Тинглайдилар Қўшимчалар бўлса айтадилар
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Ингли тилида ўқиш ва ёзувни ўргатиш мақсад, мазмуни, хусусиятлари. 2.2. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув турлари, уларни ўргатиш.	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса

	2.3. Инглиз тилида ўқиш ва ёзув касбий мақсад, малакасини шакллантириш. 2.4. Инглиз тилида ўқишни ургатиш қийинчиликлари. АМАЛИЙ ҚИСМ: Инглиз тилида ўқиш ва ёзув турларини ўргатиш, дарс фрагментини амалда қўллаб кўрсатиш.	айтадилар.
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар айтилади баллар эълон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машғулот мавзуси, семинар саволлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ»

мавзуси бўйича 9-семинарнинг таълим технологияси

9-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли Семинарда муҳокама қилинадиган савол ва топшириқлар.	1. Инглиз тили ўргатишни ташкил қилиш мақсад. 2. Инглиз тили ўргатишни ташкил қилиш курслари. 3. Инглиз тили ўргатишни ташкил қилишни режалаштириш. 4. Инглиз тили ўргатишни малакасини шакллантириш.
Семинарнинг мақсади.	Инглиз тили ўргатишни ташкил қилишни режалаштиришни ва уларни амалда қўллашни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари:	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** Талаба билиши зарур. 1. Инглиз тили ўргатишни ташкил қилиш курслари. 2. Инглиз тили ўргатишни режалаштириш 3. Инглиз тили ўргатишнинг мақсад, малакалари, уларни шакллантириш. 4. Инглиз тили ўргатишни режалаштириш, амалда қўллаб кўрсатиш.

Таълим методлари ва таълим технологияси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қўшимча қилиш.
Таълим воситалари	Кўриш (визуал) воситалар, ахборотни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари.	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка жавоб бериш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ»

мавзуси бўйича 9-семинарнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1 Семинар машғулоти мавзусини ва семинарни ўтказишни эълон қилади. 1.2. Бахс, мунозара, суҳбат, доклад қилиш шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3.Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	Тинглайдилар Қўшимча бўлса айтадилар
	НАЗАРИЙ ҚИСМ:	

2.Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Инглиз тилини ўрга-тишни ташкил қилиш курс-лари. 2.2. Инглиз тили ўқитишни режалаштириш. 2.3 Инглиз тилини ўргатишни ташкил қилиш мақсад, мала-каси, уни шакллантириш. АМАЛИЙ ҚИСМ: Инглиз тилини ўргатиш бўйича бир жуфт дарсга режа тузиш ва уни амалий тақдим қилиш.	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар айтилади, баллар эълон қили-нади. 3.2. Кейинги семинар машғу-лот мавзуси ва саволлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ»

мавзуси бўйича 10-семинарнинг таълим технологияси

10-Мавзу:	**ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ**

Ўқув соати - 2 соат	Талабалар сони 20-30 та
Ўқув машғулоти шакли. Семинарда муҳокама қилинадиган савол ва топшириқлар.	1.Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилидарсликлари. 2. Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилидарсликлари устида ишлаш хусусиятлари 3. Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилидарсликларина қўллаш, улар бўйича режалаштириш.
Семинарнинг мақсади	Дарслик билан ишлашни таништириш ва улар бўйича режалаштиришщни ўргатиш.
Ўқитувчи вазифалари:	**Ўқув фаолиятининг натижалари:** 1. Амалий инглиз тилидарсликлари, хусусиятлари. 2. Амалий инглиз тилидарсликлари билан ишлаш методикаси 3. Амалий инглиз тилидарсликлари асосида дарс машғулотларини режалаштириш.
Таълим методлари ва таълим технологияси.	Суҳбат, тақдим қилиш, саволларга жавоб бериш, қў-шимчалар қилиш.
Таълим воситалари	Лазер проектори, кўриш (визуал) воситалар, ахборот-ни тақдим қилиш воситалари.
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка жавоб бериш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда

	ишлашга мўлжалланган аудитория.

«ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ»

мавзуси бўйича 10- технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолият мазмуни**	
	Ўқитувчининг фаолияти	Талабаларнинг фаолияти
1.Кириш босқичи (8 дақиқа)	1.1. Семинар машғулоти мавзу-сини ва уни ўтказиш эълон қилинади. 1.2. Бахс, мунозара, суҳбат, доклад қилиш шаклида ўтказилиши айтилади. 1.3.Натижаларни баҳолаш, регламент тушунтирилади.	Тинглайдилар Қўшимчалар бўлса айтилади
2.Асосий босқич (60 дақиқа)	НАЗАРИЙ ҚИСМ: 2.1. Инглиз тили дарслик-лари хсусиятлари. 2.2. Инглиз тили дарслик-ларининг тузилиши. 2.3. Инглиз тили дарсликлари билан ишлаш малакаларини шакллантириш, ривожлан-тириш. АМАЛИЙ ҚИСМ:	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар, қўшимчалар киритиб кенгайтирадилар, эътирозлар бўлса айтадилар.

	Инглиз тили дарсликлари асосида бир мавзуга амалда режа тузиш.	
3. Якуний босқич (12 дақиқа)	3.1. Якун ясалади, натижалар айтилади, баллар эълон қилинади. 3.2. Кейинги семинар машғулот мавзуси ва саволлари берилади.	Тинглайдилар, эътироз бўлса айтадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар.

Инглиз тили ўқитиш методикаси бўйича мустақил ишлар мазмуни

Мустақил ўрганиш учун мавзулар	Мустақил иш учун топшириқлар	Бажариш муддати	Соатлар сони
Чет тилларни ўқитиш тарихи	Маълумот бериш		4
Чет тилини ўргатишда кўргазмали қуроллар,уларнинг турлари.Ўқув жараёнининг барча босқичларида кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва компьютер технологияларининг қўлланилиши	Маъруза		4
Чет тилидан мактабдан ташқари ишлар. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг тури ва шакллари	Маъруза		4
Талаффузни ўргатишнинг дарс фрагменти	Конспект қилиш		4
Янги сўзларни маъносини очиш усуллари	Лўғат билан ишлаш		4
Сўзни этимологик таҳлил қилиш, уни ташкил этиш методикаси	Маълумот бериш		4
Грамматик жадваллар тузиш методикаси	Грамматик жадвалларни ишлаб чиқариш		4
Грамматика ўргатиш тамойилларимаъруза	Маъруза		4
Орфографик ва имло хатоларни тўғрилаш	Ёзма ишларни текшириш		4
Баён ва иншолардаги хатолардаги хатоларнинг турлари	Конспект ёзиш		4
			Жами: 40 с

Жорий, оралиқ, якуний назорат бўйича назорат саволлари

1. Чет тиллар ўқитиш методикасига илмий тадқиқот методлари нима учун керак?
2. Қандай илмий тадқиқот методларини кўриб чиқдик?
3. Чет тиллар ўқитиш методикаси кандай масалалар билан шуғулланади?.
4. Нима учун методикани асос фанлар билан алоқаси зарур экан?
5. Методика асос фанлар билан алоқа қилмай таянмай ривожланиши мумкинми?
6. Ўқилган маърузада нималарни мухим деб ўйлайсиз?
7. Маъруза бўйича ўз фикрингизни айтинг.
8. Метод деганда нимани тушунар эканмиз? Чет тилллар ўқитиш
9. методларини номларини айтинг.
10. Воситали чет тили ўқитиш методикасига нима учун зарур экан, қандай
11. воситалари бор экан? Номларини айтинг.
12. Педтехнологиялар, интерактив методларни қўллашни нега зарурияти туғиляпти?
13. Педтехнология, интерактив атамаларни қандай тушундингиз?
14. Талаффузни ўргатиш тилни репродуктив ва рецептив равишда ўргатиш билан боғлиқми?
15. Фонетик материални танлашда асосан қандай тамойилга таянамиз ва нима учун?
16. Лексик материални шаклини очишда қандай метод ва усуллар қўллайсиз?
17. Лексикани маъносини очишда қандай метод ва усуллар қўллайсиз?
18. Ўқувчи тинглаб тушунаётганда қандай қийинчиликларга дуч келади?
19. Ўқитувчи нутқини тинглаб тушуниш осонми ёки техник воситаларданми?
20. Ўқувчиларнинг тинглаб тушунганликларини қандай текширасиз?
21. Луқмани қандай тушунасиз, у неча хил бўлади?
22. Диалогик нутқни ўргатишни сўзлаб беринг.
23. Монологик нутқни қандай ўргатасиз?
24. Ўқишнинг психофизиологик механизмини тушунтиринг.

25. Ўқиш мақсад ва восита сифатида қандай таърифланади?

26. Танишиш учун ўқиш тури тўғрисида нималарни биласиз?

27. Дарснинг босқичлари (қисмлари)нинг мақсадларини ва дарснинг мақсадини таҳлил қилинг.

28. Чет тили дарсининг бошқа дарслардан фарқини аниқланг.

29. Актив ва пассив грамматик материалга бўлиниш сабабларини айтинг.

30. Грамматик материлни методик типология қилиш нима учун керак?

Фан бўйича оралиқ ва якуний назорат саволлари.

I Оралиқ назорат тестлари 1-оралиқ назорат тестлари – 15 балл (20 та тест)

1. Лексика нутқ учун нима бўлиб хизмат қилади, у қандай нутқ фаолияти турларида қўлланилади, лексиканинг нимаси ўргатилади?

А. Восита, монологда, қўлланилиш шакли
Б. Тил материали, восита, диалог, полиологда, маъноси қўлланилиши
В. Тил материали, монологда, шакли, маъноси қўлланилиши
Г. Восита, диалогда, мазмуни, ўзлаштириши, мустаҳкамлашда
Д. Тил материали, восита, ҳамма нутқ фаолиятларида,шакли, маъноси, қўлланилиши

2. Сўзнинг маъносини очишда қайси методлардан фойдаланасиз?

А. Тақлид қилиш ва таржима
Б. Таржимали ва таржимасиз
В. Қиёслаш ва таржимасиз
Г. Дедуктив ва таржимали
Д. Кўргазмали қурол ва таржимасиз

3. Лексик материални маъносини очишнинг қуйидаги усуллари ичидан бошланғич босқичда қўлланиладиганини танланг:

А. Ситуациялардан фойдаланиш
Б. Предмет ёки расмлардан фойдаланиш
В. Контекст бўйича фаҳмлаб топиш.
Г. Синоним ва антонимлардан фойдаланиш.
Д. Сўзни таркибини таҳлил қилиш

4. Қандай товушни ўргатишда интерференция кўпроқ содир бўлади?

А. Сўз ўртасида учрайдиган товушларни ўргатиш
Б. Қисман она тилига яқин бўлган товушни ўргатишда
В. Она тилида умуман учрамайдиган товушларни ўргатишда
Г. Сўз охирида учрайдиган товушларни ўргатишда

Д. Сўз бошида учрайдиган товушларни ўргатишда

5. «Апроксимация» тамойили нима?

А. Чет тили товушларни ўзбек тили товушлари билан таққослаш

Б. Товушларни тўғри талаффуз қилиш

В. Мумкин қадар чет тили талаффузига яқинроқ қилиб талаффуз қилиш

Г. Товушларни методик типология қилиш

15. Использование элементов интенсивного обучения
16. Игровые задания на занятиях разговорной практики при обучении языкам
17. Применение новейших педагогических технологий при изучении темы «Синтаксис текста»
18. Проблемно-модульная технология обучения языкам
19. Использование новых педагогических технологий на занятиях иностранных языков
20. «Синквейн» на занятиях иностранных языков

21. Дифференцированное обучение учащихся с разным стартовым уровнем владения иностранной речью
22. Принцип проблемного обучения иностранному языку
23. Интерактивная методика преподавания иностранных языков
24. Проблемы оптимизации обучения иностранному языку
25. Интенсивная методика и крупноболочная подача материала при обобщающем повторении и старших классах
26. Применение методов и стратегий новых педагогических технологий Функциональный подход в обучении языкам
27. Лингвострановедческий аспект как эффективное средство обучения иностранному языку школьников
28. К вопросу использования словарей в процессе обучения стилистическим свойствам наречия
29. Принцип учета межпредметных связей и работа над лакунами на уроках иностранного языка в узбекской школе
30. К вопросу об актуальных проблемах преподования иностранного языка в школах Узбекистана

ожественного текста в системе обучения иностанным языкам

Кўргазмали тақдимот слайдлари

СЛАЙД 1

- Чет тиллар ўқитиш методикаси умумий ва хусусий методикага бўлинади.
- Умумий методикада ҳамма чет тилларига тааллуқли бўлган таълим принциплари мухокама қилинади. И.В.Рахмонов, В.С.Цетлин тахрири остида нашр қилинган ва ўзбек тилига ўгирилган «Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси» ва Р.А. Зарипованинг «Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма». Ж. Жалоловнинг “Чет тили ўқитиш методика” ларини умумий методика деб хисоблаш мумкин.
- Хусусий методика битта чет тилини ўқитиш масаласи билан шуғулланади. Бунга Г.В.Рогованинг (Methods of teaching English), Ў.Ҳ. Ҳошимов, И.Я. Ёқубовларнинг “Инглиз тили ўқитиш методикаси”, С.Ф.Шатиловнинг (Методика обучения немецкому языку в средней школе) қулланмалари мисол бўла олади.

СЛАЙД 2

- Чет тили ўқитиш методикасида илмий тадқиқот (текширув) методлари мавжуд: мактаблардаги чет тиллар тажрибасини танқидий ўрганиш, чет тиллар ўқитиш илғор ва маҳсулдор тажрибалари умумлаштиришни, ўқитувчилар машғулотларини кузатиш, суҳбатлар ўтказиш, тажриба ва экспериментлар ўтказиш, тестлар ўтказиш, хронометрлаш, анкета саволларига жавоб бериш, осциллографик таҳлил қилиш методлари ва ҳ.к. лар.
- Маълумки, тажриба ва эксперимент ўзаро фарқланади. Тажриба ойлар ва йиллар мобайнида тўпланса, эксперимент бирор янги мавзу, метод, усул, машқ ёки илмий фаразни синайди, тадқиқ қилади.

СЛАЙД 3

- **Чет тиллар ўқитиш методикасининг тушунчалари ёки категориялари бор. Улар методиканинг принцип, метод усул, йўл, ўқитиш тизимидан иборат. Бу методик тушунчалар ёки категориялар бир – бири билан боғлик, бир бирини тўлдиради. Хар бир Фан ўзи амал қиладиган принципларга эга. Шу жумладан методика фанининг ҳам қўллайдиган принциплари бор.**
- **Принцип таълим – тарбия беришда риоя қилиниши лозим бўлган қонуниятлар, йўл-йўриқлар ва раҳбар кўрсатмаларидан иборатдир.**
- **Методик ўқитиш усулларининг йиғиндиси ва методикадаги бутун бир йўналиш сифатида қаралади.**
- **Чет тиллар ўқитишнинг воситалари эса ўқув жараёнида таълим – тарбияни амалга оширишда қўлланадиган ўқув методик қуролларни ўз ичига олади.**
- **Бундай воситалар чет тиллар ўқитиш ва ўрганишни енгиллаштиради. Методика фанида қўлланадиган метод, йўл, усул, принципларнинг йиғиндиси методик тизимни ташкил қилади.**

СЛАЙД 4

- Чет тили ўқитиш методикасининг асосий ўрганадиган масалалар:
- - чет тили ўқув предмети эканлигини аниқлаш яъни мақсад, истакларни белгилаш ёки нима учун, нима мақсадда чет тили ўқитилишини аниқлаш
- - ўқитишнинг мазмунини белгилаш яъни олдимизда қўйилган мақсадга етиш учун нимани ўргатиш лозим ва улар билан нима қилишга ўргатиш.
- - ўқитувчининг ўқитиш фаолияти
- - ўқувчининг ўқув ўрганув фаолияти

СЛАЙД 5

- **Чет тиллар ўқитиш методикасининг асос ва яқин фанлар билан алоқаси ва уларга боғлиқлиги**
- Чет тиллар ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқасини зарурияти, аҳамияти, сабабларини ёритиш, кўрсатиш.
- Чет тиллар ўқитиш методикасининг алоқа қиладиган фанларни кўрсатиш, айтиш.
- Лингвистик негиздаги фанлар билан алоқаси.
- Психологик негиздаги фанлар билан алоқаси.
- Дидактик негиздаги фанлар билан алоқаси.
- Ўрта негиздаги фанлар номлари тўғрисида гапириш. Уларнинг нималарига таянишини, чет тиллар ўқитиш методикасига таъсирини мисоллар билан тушунтириш.

СЛАЙД 6

- **I. Чет тили ўқитиш методикаси бошқа фанлардан ажралиб турмайди. У доим улар билан алоқададур. Бу алоқа уни ривожлантиради, бойитади, кенгайтиради. Методиканинг методологик асосини фалсафа (философия) ташкил қилади. Методика унинг тилининг бирлиги фикр, жамият, ҳақиқатни билишни шакллари ҳакидаги қарашларидан фойдаланади.**
- **II. Чет тил ўқитиш методикаси учта негиздаги фанлар билан алоқадордур:**
- **1. Чет тил ўқитишни лингвистик асоси (негизи)ни ташкил қилувчи фанлар**
- **2. Чет тил ўқитишнинг психологик асоси (негизи)ни ташкил қилувчи фанлар**
- **3. Чет тил ўқитишни дидактик асоси (негизи)ни ташкил қилувчи фанлар**
- **III. Чет тил ўқитишнинг лингвистик асосини ташкил қилувчи фанлар билан алоқаси**

СЛАЙД 1

- Чет тиллар ўқитиш мақсадларини белгилаш зарурияти, аҳамияти. Чет тиллар ўқитиш мақсадлари: Амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлари уларнинг мохияти, мисоллар орқали тушунтириш. Чет тиллар ўқитиш мазмуни: тил материаллари (талаффўз, лексика, грамматика) нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш ўқиш, ёзув) тўғрисида гапириш.

СЛАЙД 2

- Инглиз тили ўқитишнинг мақсадлари жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Демак, таълим мақсадлари ижтимоий буюртма топшириқ бўлиб, баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилади. Инглиз тилини ўқувчилар ва талабалар амалий (коммуникатив), таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга ўрганадилар.

СЛАЙД 3

- **Амалий мақсад**: Инглиз тилини амалий эгаллаш ўзгаларнинг инглиз тилидаги оғзаки ва ёзма нутқларини тушуниш, ўз фикрини инглиз тилида баён этиш каби кўникмаларни шакллантришни ҳамда бу нутқ фаолияти турларини ривожлантиришдан иборатдир. Кишилар ўртасидаги алоқа бевосита ва билвосита мулоқот орқали амалга оширилар экан, тилни амалий билиш нутқ фаолиятини тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув каби турларига хос бўлган кўникмаларни шакллантириш ва такомиллаштиришни тақазо этади.

СЛАЙД 4

- **Тарбиявий мақсад:** ўқувчиларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш, шунингдек, уларнинг билиш фаоллигини ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:
- - ўқувчиларни ватанпарварлик ва ахлоқий поклик рухида тарбиялаш;
- - ҳар томонлама ривожланган, маънавий жаҳатдан бой, мустақил
- фикрловчи шахсни шакллантириш;

СЛАЙД 5

- **Таълимий мақсад**: Таълимий мақсад деганда - инглиз тилини ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш ва шу тилни ўзлаштириш орқали она тилидан эгаллаган билимларни кенгайтириш тушунилади. Инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўқувчилар мамлакатимиз ва тил ўрганилаётган мамлакатларнинг географияси, тарихи, адабиёти, санъати, фани ва маданияти, шунингдек ўзларини ўраб турган атроф - муҳит ҳақида маълумотлар ҳам билиб

СЛАЙД 6

- **Ривожлантируви мақсад**: Бу мақсад ўқувчиларни ҳар тамонлама етук шахс бўлиб етишишини, яъни уларнинг дунёқарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлашларини, хотирасини, ақлий меҳнат қилиш маданиятини, кишилар билан қиладиган мулоқот маданиятини, мустақил билим олиш малака ва кўникмаларини вужудга келтиришни кўзда тутади.

СЛАЙД 1

- Юқори малакали жаҳон стандартларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш - энг аввало амалдаги таълим тарбия назариясининг методлари, усуллар, йўл машқларини ўзгартиришнинг янги замонавий технологияларини ва уларнинг воситаларини қўллаш кўзда тутилади.
- ҳозирги замон янги технологиялар, интерактив методлар чет тилини ўргатишда қуйидагиларни талаб қилади:
- 1) ўргатиш амалий йўналишида бўлиши;
- 2) коммуникация, мулоқот етакчи бўлиши;
- 3) ўқитиш, ўргатишга ҳар томонлама ёндашиш;

- 4) ўқитиш жараёнининг интенсив (тезлаштириш), йўлдан воситадан унумли фойдаланиш;
- 5) турли хил янги метод, усул, технологиялардан фойдаланиш;
- 6) дастурли таълим элементларини қўллаш, мустақил ишлатиш, дарсдан ташқари турли ишларни бажариш.
- 7) Турли хил техник воситалардан - мультимедиядан фойдаланиш.

СЛАЙД 2

- Ҳозирги даврда талабаларни ҳисобга олган ҳолда янги технологиялар, методлар воситалар ишлаб чиқиляпти ва қулланишга ҳаракат қилиняпти. Улар орасида дарсликлар ёзилди, ёзилмокда, ишлар қилинмокда, ўқув юртларида ишлатилмокда.
- Биз технология метод, воситаларини кўриб чиқамиз. Кейинчалик иш фаолятингизда қўллайсиз деб ўйлаймиз.

СЛАЙД 3

- **Коммуникатив метод**
- Бу метод тилни коммуникация алоқа воситаси қилиб ўргатиш тушунчасидан келиб чиққан.
- **Предмети:**
- 1. Тилни ифода воситаси (коммуникация)ни ўргатиш
- 2. Тилни маъно ва ўрганув объектини ўргатиш
- 3. Тил ўрганувчиларни ўзаро алоқалар қилишларини ўргатиш

СЛАЙД 4

- **Коммуникатив метод тамойили:**
- 1) Ўқитиш коммуникатив йўналишида бўлиши
- 2) Ўқитиш жараёнида ўқувчи, талабаларнинг фаоллиги,
- 3) коммуникатив метод гуруҳ бўлиб ишлашни талаб қилади, ролларга кириб (сотиб олувчи, журналист) ситуацияларда ўргатишни кўзда тутади. ҳозир АҚШ, Австралия, Дания, Англия мамлакатларида қўлланилади.

СЛАЙД 5

- **Гипнопедия методи.**
- Инсонни уйқудалигида чет тили материалини, чет тилини эшиттириш, тинглатиш орқали ўргатишни кўзда тутган. Магнитафондаги фонограммани, радиони тинглаш орқали бўлади.

СЛАЙД 6

- **Релексопедия методи.**
- Ўқувчи, талабани рухий ҳолатини бўшаштириш, психикасини бошқариш орқали чет тили ўргатишни кўзда тутади.

СЛАЙД 7

- **Ритмопедия методи.**
- Ўқувчи талабани асабтизимини, рухини, кайфиятини алоҳида ҳолатига тушириш орқали чет тили ўргатилади. Мусиқа, ашула кабилардан фойдаланилади.

СЛАЙД 8

- **нутқ окимида, жараёнида ўзоқмуддатда булиш (погружение) муҳитида инглиз тили ўргатиш методи.**
- Нутқ оқимида, муҳитида ҳаттоки 1, 2 кун (оғзаки нутқ оқимида), ўзоқ муддатда бўлишни кўзда тутади.

СЛАЙД 9

- **Хис-ҳаяжон орқали инглиз тили ўргатиш методи.**
- Бу метод ўйинлар орқали инглиз тили ўргатишни кўзда тутади. Ҳозирги пайтда Гипнопедия, Релаксопедия, Ритмопедия нутқ оқимида ўзоқ муддатда, жараёнида бўлиш ҳис-хаяжон орқали инглиз тили ўргатиш методларини интенсив методлар деб номланмоқда

СЛАЙД 10

- **Project - English методи.**
- Тилни ўргатишга ижодий ёндошиш, ўйинлар, маълумот берувчи воситалардан фойдаланиш орқали амалга ошади. Бу методда ўқувчи, талаба гапирмоқчи, ёзмоқчи бўлганини ўзига проект қилиб, тўзиб тайёрлайди сўнг ёзади, гапиради.

СЛАЙД 11

- **Сугестопедия методи. Suggestopedia.**
- Бу методни болгар олими Георгий Лозанов ишлаб чиққан. Метод ҳотирани очилмаган имкониятларидан фойдаланишни кўзда тутади. Ўқувчи талабага таъсир қилувчи воситалардан кенг фойдаланиши орқали чет тили ўргатилади. Унда синфнинг шинамлиги, яхши жиҳозланган бўлиши, мўзика, расмларни таъсирида мажбур қилинмай чет тили ўргатилади. Кўпроқ сўзларни хотирада сақлашга эътибор берилади. Г. Лозанов 1978 йилда «For sake of the music of the foreign speech» китобини ёзган. Унинг методи асосида чет тил ўргатиш 30 кун 10 тадарсдан иборат. Бир кунда 4 соатдан 6 кун дарс ўтилади. Қуйидагича бўлади:

- 1) диалог, 2) тақлид қилиш. 3) янги диалоглар тўзиш. Сугестопедиа сўзи лотинча Suggeste - ихлос, ишонч, paidia - ўқитиш, ўргатиш - ишончга асосланган таълим, ўқитиш чет тилини ихлос қилиш орқали, ишончга асосланган таълим ёрдамида ўқитиш.

СЛАЙД 12

- **Никтопедиа - nyktos-кеча, кечаси, paidea-ўқитиш, ўргатиш, уйқуда ўргатиш - гипнопедиа.**
- Дарс мажбур қилинмаган ҳолатда, мўзика, мотивация, қизиқтирувчи, бажаришга ундовчидан фойдаланиб чет тили ўргатилади. 12 та ўқувчидан ошмайди.

СЛАЙД 13

- **The total physical response method.**
- Тўлиқ яхлит жисмоний жавоб бериш орқали тил ўргатиш методи. Бу методни 1977 йилда Америка психолог профессори Жеймс Эшер (James Asher) томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод хотирада сўзларни сақлашга аҳамият берилиб коммуникация бошланғич босқичда оғзаки нутқ малакаси шакллантирилади, грамматика индуктив ўргатилиб, сўзлар маъносига кўпрок аҳамият берилади. Лексик материал хаёт, турмуш, иш,

СЛАЙД 14

- **Community language learning.**
- Гуруҳ, жамоада тилни ўргатиш методи. Унинг асосчиси Чарльз Куран (Charles Kurran). Унинг таклифи тил ўрганувчи томонидан муҳокама қилинмоқчи бўлган проблема-масала, мавзу гуруҳ, жамоаси айтилди. Сўнг гуруҳда муҳокама қилиниб ўртада гуруҳлар ўртасида баҳс асосида ҳал қилинади, ўрганилади. Ўқитувчи маслаҳатчи (counselor) ролини ўтайди, тил ўргатувчилар эса клиент (clientllar). гуруҳлар бир бирига эшиттирмай, масала,

СЛАЙД 15

- **The silent way method.**
- Сокин йўл орқали тил ўргатиш методи Галеб Гаттегно (Galleb Gattegno) томонидан ишлаб чиқилиб, ўқитувчининг кам гапиришини, иштирок этиши сокин бўлиши, талабанинг эса мумкин қадар кўп гапириши, иштирок этиши кўзда тутилади. Унда талаба мустақил, автоном, масъулиятли, муаммони ечувчиси бўлиши кўзда тутилади. Метод вакиллари ўқитувчи актердир, тингловчи эмас дейди. У Tell I forget, teach me and I remember, involve me and I learn яъни менга айт, мен эсдан чикараман. Менга ўргат ва мен эслаб қоламан. Мени ўз ичингга ол ва мен ўрганаман. Тил материали товушлар гуруҳида берилади, грамматик қоида, текстлар, конструкциялар асосида индуктив ўргатилади, гаплар тўздирилади, сунъий ситуациядан кенг фойдаланилади.

- Яна тил материаллари, нутқ фаолиятлари рангларга бўлиб ўргатилади, тақдим қилинади. Ранглар жадвали тўзилган. Гап-жумла ўқитишнинг асосий бирлиги. Ўқитувчи диққатини гапга қаратади, ўқувчилар гаплар асосида наъмуналар тўздилар, ўқув жараёни ўқитувчининг моделлаштириш орқали ташкил қилинади. Дарснинг биринчи қисми белги (символ)лар орқали талаффўз этилади. Қизил ранг - товуш, кўк ранг - сўзлар, барг яшил ранг -гаплар. Сўнг гаплар орқали амалиёт ташкил қилинади. Бу метод АҚШ, Англияда қўлланилади.

СЛАЙД 16

- **Масофадан ўқитиш: (дистанцион ўқитиш)** ўзоқ масофадан туриб ўқиш, ўқитиш, таълим беришни кўзда тутади. Унинг асосида бир мамлакат, шаҳар, институт, университетдан туриб иккинчи мамлакат, шаҳарда турувчиларни, институт университетда таълим олувчиларни, бутун бир гуруҳни, бир неча гуруҳни, алоҳида бир талабани олдиндан шахсий келишилган ҳолда ёки талабани хохлаган пайтида ўқитиш мумкин.

СЛАЙД 17

- Масофадан ўқитиш техник воситалардан фойдаланиб таълим беришга,
- ўқитишга асосланган. Методни келажаги порлоқ.
- Масофадан ўқитишнинг структураси
- **1) ўқитувчи - инструктор**
- **2) коммуникация**
- **3) ўқув материали**
- **4) ўқув жиҳози-воситалардан иборат**

СЛАЙД 18

- Ўқитувчи-инструктор ўқитишни, таълим беришни олиб боради, топшириқлар беради, бажарилишини текширади, алоқа, мулоқот, муомала, қилади, савол-жавоблар ўтказади, топшириклар беради, уларни текширади.). Коммуникация ўқитувчи-конструктор билан талабанинг алоқаси орқали амалга оширилади.
- Коммуникация шакллари маърўза консультациялар, электрон форум, видеоконференциялардир.
- Коммуникация воситаларига телефон, е-

СЛАЙД 19

- **Интерактив методлар**
- "Интерактив" сўзи инглизча Interact феълидан келиб чиққан. У inter -ўзаро, act - ҳаракат қиламан, таъсир қиламан мазмун, маъносини англатади. Бу метод ўқувчи, талабаларни бир-бирига таъсири, фикри мулохазаси, фаоллиги орқали мустақил мулоқотга ўргатиш деган маънони беради. Интерактив таълимда монолог, диалог айниқса полилог муҳим бўлиб, аниқ ва олдиндан айтса бўладиган мақсадни, қулай шарт-шароит яратишни назарда тутади.

СЛАЙД 20

- **Интерактив фаолият 5 та қисмдан иборат:**
- 1. Ўзаро боғлиқлик
- 2. Шахсий масъулият
- 3. Мулоқотга ундаш учун ўзаро таъсир
- 4. Бирга ишлаш малакалари
- 5. Кичик гуруҳларда ишлаш
- **Яна интерактив методлар**
- 1. Танқидий фикрлашни ўргатиш
- 2. Таълимни фаол, гуруҳ қилиб ўргатишни асос қилиб олган

- Танқидий фикрлаш уч фазадан иборат:
- 1. Олдин олинган билимни фаоллаштириш
- 2. Янги ахборот, маълумотни тушуниш, ўзлаштириш
- 3. Рефлекция - ўзлаштирилган мазмун, янги ахборот, маълумотни мустаҳкамлаш учун ўз тафаккури доирасида фикрлаш, ўз муносабатини билдириш.
- Таълимни танқидий фикрлаш асосида ўргатиш муҳимдир, тушунарли, таълимни фаол ва гуруҳ қилиб ўргатиш эса

СЛАЙД 21

- Ўзаро фаоллик, таъсир таълимни фаол ва гуруҳ қилиб ўқитишни асосида бўлади. Ўзаро фаоллик таъсир қилиш талаба ўқувчиларнинг бир-бирига таъсирини, нималар биландир таъсир қилишни яъни компьютер, фонограмма, видеограмма, видеофонограмма, ситуациялар ўқитувчини таъсир қилишини кўзда тутади. Ўқувчи талабани мулоқотга ундайди, рағбатлантиради. Шунинг учун бу методда диалог, полилог муҳим ўрин тутади, улар асосида бўлади. Тилни ўргатиш муаммоли мавзуларни баҳс, суҳбат орқали олиб борилади.

СЛАЙД 22

- Интерактив методларни қўлланилганда:
- 1. Ўқитиш касбий (профессионал) фаолиятни тақлид (имитация) қилиш қайтариш шароитида, вазиятида содир бўлади, амалга ошади
- 2. Жамоада (коллективда) билим, кўникма, малакаларни бирга гуруҳ бўлиб ўзлаштириш имконияти бўлади.
- 3. Талабаларнинг мустақил фикрлашлари фаоллашади.

СЛАЙД 23

- Интерактив методлар 3 гуруҳ методларга ажратилади:
- 1. Кичик гуруҳларда ишлаш методлари
- 2. гуруҳларда ўқитиш жараёнини оптималлаштириш методлари (ситуация, ўйинлар, конкурс, мусобақалардан фойдаланиш орқали)
- 3. Турли топшириқ вазифаларни боғлаб ўқитиш методлари.

СЛАЙД 24

- Кичик гуруҳларда ишлаш методлари кўпчиликни қатнаштириш ва талабаларни бир-биридан ўрганиш имкониятини яратади. Талабалар фикрларини алмашадилар, ўзларини фикрларини баён қилишга ўрганадилар, талабалар диққатини ўқитувчига эмас қатнашувчига қаратади, уларни таълим олишга, тайёрланишга мажбур қилади.

СЛАЙД 25

- Кичик гуруҳларда ишлаш кўп вақтни талаб қилади, кимдир талабаларни бошкариши лозим. ҳозир кичик гуруҳларда ишлаш методикасини қуйидаги турлари мавжуд:
- 1. Бошқотирма, ақлий ҳужум (Мозговой шторм).
- 2. Инцидент методи.
- 3. Айланма стол методи (Метод круглого стола).
- 4. Уч поғонали суҳбат методи (Метод трех ступенчатого интервью).

- 5. Ручка стол ўртасида методи. (Метод ручка на середине стола).
- 6. Галерея методи. (Метод тур по галерее).
- 7. Ротация методи орқали фикрлар алмашиш (Обзор мнений методом ротации).
- 8. Кор коптокчалар методи (Метод снежков).
- 9. Асалари уяси методи (метод пчелиный рой).

СЛАЙД 26

- **Бошкотирма.** Ақлий ҳужум. ***Brainstorming.*** Унинг мақсади бир мавзу ҳақидаги турли фикр, тушунчаларни йиғиш, жамлаш. гуруҳларга бир мавзу берилиб, у бўйича турли фикр, тушунчалар тингланиб, жамланади. Танқидий фикрлаш қўлланилади, ўргатилади.

СЛАЙД 27

- **Инцидент методи. "Кўнгилсиз можаро, ҳодиса, тўқнашиш, низо" ларни ҳал қилиш мақсадида ўтказилади. Бу метод инцидент воқеалар бўлганда қандай ҳаракат нималар қилишни ўргатади. Талабаларга қисқа экспериментал ҳолат, вазият ҳақида ахборот, маълумот берилиб уни 0,5-1,5 минут ичида гуруҳларда тез ечиш, ҳал қилиш, қарор қилиш топширилади. Сўнг ҳар бир гуруҳники тингланиб тўғриси аниқланади.**

СЛАЙД 28

- **Думалоқ стол.** Айланма стол методи. Бу методда таълим берадиган дастурлар текширилади. Думалок стол атрофида ўтирганларга карточкаларга ёзилган топшириқлар тарқатилади. ҳар бир гуруҳ топшириққа ўз жавобини ёзиб, ёнидагисига ўзатади. Шундай қилиб ҳамма гуруҳ жавобини ёзади ва сўнг муҳокама қилинади. Нотўғри жавоблар ўчирилади. тўғри жавобларга қараб талабалар билимлари баҳоланади.

СЛАЙД 29

- **Уч поғонали суҳбат методи.** Ҳар бир гуруҳдан шифоқор, тоби йўқ, экспертлар тайинланади. "Тоби йўқ" га олдин унинг ташхиси (диагнози) фақат ўзига айтиб қўйилади. ҳар бир гуруҳ 10-15 минут давомида тоби йўқларга турли хил саволлар сўраш орқали ташхис қўяди. Эксперт уларнинг ташхисини тинглаб баҳолайди ва уни 3 поғонада, бўлимда ёзади.
- 1. Нима тўғри.
- 2. Нима нотўғри.

СЛАЙД 30

- **Ручка стол ўртасида методи.** Бу метод орқали ҳар бир гуруҳни, қатнашувчиларни текшириш, назорат қилиш мумкин: ҳамма гуруҳга топшириқ берилади. Ҳар бир талаба унга ўз жавобини ёзиб ёнидагисига ўзатади ва ручкасини стол ўртасига қўяди. Укитувчи ҳар бир гуруҳни назорат қилади, умумий тўғри жавобни тўғрисини аниқлайди, баҳолайди, дафтарига ёзади.

СЛАЙД 31

- **Галерея методи.** Танқидий фикрлашни, фикр-жавобларни тўлдиришни ўргатади. гуруҳларга битта муаммоли мавзуни ҳал қилиш вазифаси қўйилади, берилади. ҳар бир гуруҳ 10 минут давомида ўзини фикрини ёзиб, жавобларини бошқа гуруҳ билан алмашади. Кейинги гуруҳ олдинги гуруҳ жавобини баҳолайди, агарда жавоб нотўғри бўлса ўзини тўғри жавоб вариантини таклиф қилади, айтади, ёзади. Охирида ҳамма қатнашувчиларни жавоб-фикрлари муҳокама қилинади, тўғри жавоб

СЛАЙД 32

- **Ротация методи.** Ротация методи орқали фикрлар шархланади. Танқидий фикрлаш ўргатилади. Аудиторияда бир неча кетма-кет рақамлар қўйилиб, топшириклар ёзилиб очилиб қўйилади. 2-3 та талабадан иборат ҳар бир гуруҳ 10 минут давомида уларни ўзлари муҳокама қиладилар ва жавобларини ёзадилар ва шундай қилиб ҳамма топшириққа жавоблар ёзилади. Сўнг ҳамма жавоблар муҳокама қилиниб оптимал тўғриси танланади.

СЛАЙД 33

- **Қор коптокчалари методи.** ҳар бир гуруҳ 2-3 тадан кичик гуруҳларга бўлиниб қатнашадилар, бажарилган топшириқ жавобларига баллар қўйилади. Баллар талабаларни рағбатлантиради. Икки гуруҳ талабалар бирга бир масала мавзуни ёки ситуацияни кўп тўғри жавобни топишга ҳаракат қиладилар. ҳар бир тўғри жавоб қор коптокчаларга ўхшатиб ёзилиб борилади. Талабаларни коптокчаларни тўплаганларига қараб баллар қўйилади ва баҳо қўйилади.

СЛАЙД 34

- **Асалари ини методи.** Бу метод қўлланилганда қатнашувчилар билимларини тўлиқ ишга соладилар. гуруҳларга муҳокама қилиш учун муаммоли, мавзу, топшириқ берилади. Топшириқлар битта ёки турлича бўлиши мумкин. 10-15 минут давомида топшириқ гуруҳларда ҳал қилинади, Муҳокама қилинади ва бир-бирига айтилади. Сўнг эса энг тўғриси танланади.

СЛАЙД 35

- Интерактив методлардан бири **Jigsaw** методидир. **Jigsaw** сўзи аррани билдиради. Бу метод вакиллари Ариксон, Славинлардир. Улар чет тили ўрганувчиларни гуруҳларга бўлиб ўқитишни интерактив методини асосий тамойилини асос қилиб олганлар, яъни гуруҳларга арралашни кўзда тутган бўлсалар керак. Биринчи булиб 1978 йилда Ариксон **Jigsaw 1** методини, 1986 йилда эса Славин **Jigsaw 2** методини ишлаб чиқдилар, таклиф қилдилар.

СЛАЙД 36

- **Jigsaw 1 методи**
- Инглиз тили ўрганувчилар гуруҳларга бўлиниб бир мавзуни турлича томонларини муҳокама қилиб, бошқа гуруҳларга баён қилишга, улар билан баҳс қилишга, суҳбатга, ўз мустақил фикрларини айтишга тайёрланадилар, кейин эса бошқа гуруҳдагилар билан баҳс, суҳбат, мулоқот қилиб бир фикрга, хулосага келадилар ёки ўз фикрларида қоладилар. Албатта ҳар бир гуруҳ тайёрланаётганда бошқа гуруҳларга ҳалал бермай, овоз чиқармасдан, секин тайёрланади.

- Масалан Travelling мавзуси ўрганилганда бу мавзу бўлиниб A trip бир гуруҳга, иккинчисига Travelling by air, учинчисига Voyage берилади. Улар маълум вақт муҳокама қилиб, тайёрланиб гуруҳларга сўзлаб айтиб, маълумот берадилар, бошқа гуруҳлардан маълумот оладилар. Натижада Travelling мавзуси тўлиқ ишлаб чиқилади. ҳар бир гуруҳ ўзиникидан ташқари бошқа гуруҳдан Travelling ни турлари ҳақидаги маълумотни олиб, Travelling мавзусини ҳар томонлама ўрганади. Албатта савол жавоблар баҳслар орқали амалга ошади.

СЛАЙД 37

- **Jigsaw 2 методи**
- Инглиз тили ўрганувчилар гуруҳларга бўлинади. ҳар бир гуруҳ, жамоа битта мавзуни ўрганади, ишлаб чиқади (Jigsaw 1 дагидек битта мавзуни бир неча қисмга бўлмай) мавзу бўлинмайди. ҳар бир гуруҳ жамоа битта мавзу бўйича ўз фикр мулохазасини айтиб, суҳбат, мулоқот қилиниб битта мавзу кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, бир фикр, хулосага келинади ёки ўз фикрларида жамоа қолиши мумкин. Масалан A family

СЛАЙД 38

- Ҳозирги замон педтехнологиялари, интерактив методларининг воситалари.
- Мультимедия
- Ҳозир янги педтехнологиялар, интерактив методларнинг хусусият, тамойилларини ҳисобга олиниб замонавий воситаларни мономедия, мультимедияни қўллашни, ундан унумли фойдаланишни талаб қилинади. Унда талабанинг ўрганаётган мавзуни - объектни эсда қолиш даражаси ҳисобга олинади. Талабаларнинг мавзу, объектни, материални қабул қилиши эслаб қолиши қўлланилаётган метод, усулларга, воситаларга боғлик.

- Илмий адабиётларда ўқитлган матннинг 10%и, тинглаганни 30%и, агар ҳам кўриб, ҳам тингланса 50%и, биз ўзимиз сўзлаб, гапириб берсак 70%, агарда айтиб бериб уни ўқисак, уни амалда бажарсак 90% эсда сақланар экан. Биринчи ҳолатда талабаларнинг ўрганиш, эсда сақлаши анча паст, пассив, 2чи, 3чи ҳолатда 4-5-6 ларда эса ёдда сақлаш анча юқори, фаол бўлган. Ҳозирги замонавий чет тили ўқитиш технологиялари, интерактив методлар талабаларнинг эсида яхши сақланиб қоладиган воситаларни қўллашни талаб қилади.

СЛАЙД 39

- Мультимедиа орқали эса бир вақтнинг ўзида экранда ва компьютер, диктофондан қуйидагилар тақдим этилади.
- а) графика - объектнинг ўзи тасвири (сурати)
- б) матн - ҳам ўрганилаётган чет тилида ва она тилидаги таржимаси.
- в) товуш - матннинг ҳам чет тилида ва она тилидан талаффўзи
- г) қайта жойлаштириш - "сичқонча" ёрдамида объект билан ҳар хил

- Булар мультимедиани - компьютерни, дискни, қўллаш, фойдаланиш орқали бўлади. Унинг учун компьютерларда ишлашни, қўллашни билиш зарур. Мультимедиада компьютер - ўқитувчини ўрнини ўйнайди. Мультимедиадан фойдаланиб
- 1) замонавий инглиз тили дарсликлари ишлаб чиқиш
- 2) турли туман мультимедиали компьютерли дастур воситаларини ишлаб чикиш ва кўллаш мумкин.

СЛАЙД 40

- Ҳозир ўрта мактабларда юқорида айтилган замонавий технологиялар, интерактив методлар тамойилларини, хусусиятларини ҳисобга олиб **2** та параллел инглиз тили дарсликлари ишлаб чиқилди, нашр қилинди, ишлатилмоқда.
- Улар (Fly High, English matters дарслик сериясидир 5, 6, 7, 8, 9 синфлар инглиз тили дарсликлар). Тил олий ўқув юртлари учун ҳам интерактив методларни янги технологияларни асосида бизнинг университетимиз жамоаси муаллифлари томонидан

- I курс учун Get in touch
- II курс учун Keep in touch
- III курс учун Stay in touch
- IV курс учун Future in touch филология талабалари учун, Таржимонлик факультета талабалари учун О.Муминов, А. Кулдошев, У-Ҳошимов English for translators амалий курс (практик курс) дарсликлари ёзилди, нашр қилинди, фойдаланиляпти. Уларда айниқса, гуруҳ, жамоа бўлиб ўқитишга, интерактив методлар тамойиллари ҳисобга олинган.

Слайд 1

- Инглиз тилида оғзаки ва ёзма нутқларни ўқитишда талаффўз нормаларини тўғри қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Биламизки, мактаб шароитида талаффўз алоҳида аспект сифатида ўргатилмайди. Нутқ фаолияти (турларини ўргатиш, ўстириш жараёнида, ҳамда лексик ва грамматик материалларни ўргатиш жараёнида талаффўз устида ишланади. Юқорида айтганимиздек талаффўз нормасини тўғри ўргатмаслик нутқни тўғри тушунмасликка олиб келади.
- .

- Агар ўқувчининг талаффўз нормаси тўғри қўйилмаган бўлса, бир томондан унинг нутқини тушуниш қийин бўлса, иккинчи томондан унинг ўзи бошқаларнинг нутқини тушуна олмаслиги мумкин. Нутқни тушуна олмаслик нафақат оғзаки нутқ шаклини ўстиришга нотўғри таъсир қилади, ёзма нутқни, яънн фикрни ёзма баён қилишга ҳам ўқиганни мазмунини тўғри тушунишга ҳам салбий таъсир қилади. Талаффўз материалларини танлашда ва уни тақсимлаб ўргатишда аппроксимация

Слайд 2

- Аппроксимация ҳодисаси асосида талаффўз материалларини танлаш икки хил тамойил иазарда тутилади:
- 1. нутқ фаолиятларини ўргатиш учун зарур бўлган материалларни танлашда бўлса;
- 2. стилистик, яъни тўлиқ услуб (standart pronunciation) учун зарур бўлган материалларни танлашдан иборатдир.
- 3. Ушбу тамойилларга мактаб шароити учун она тили талаффўзини ҳисобга олиш тамойилини ҳам қўшиш мумкин.

Слайд 1

- Грамматик ҳодисаларни киритишда, тушуитиришда 3-та метод қўлланилади:
- 1. Индуктив метод
- 2. Дедуктив метод
- 3. Лексик метод.

Слайд 2

- **Индуктив метод** деганда биз аввал ўқувчиларга махсус таёрланган мисолларни кўрсатиш (оғзаки ёки ёзма нутқда) ва улар ёрдамида намуналар, моделлар яратиб, қоидалар ишлаб чиқиш йўли билан ўрганиш. Бу метод билан ўргатишда ўқитувчи , уйда анча тайёргарлик кўрган бўлиши лозим, қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини олдиндан ўйлаб чиққан бўлиши керак. Бу метод билан ўргатишда ўқувчиларнинг ўрни ўзгача бўлади, улар

Слайд 3

- **Дедуктив метод** деганда бирон бир грамматик ҳодисанинг аввал қоидаси берилади ва унинг асосида мисоллар ишлаб чиқилади ва машқларда мустаҳкамланади. Янги грамматик материални бу йўл билан киритишда кам вақтни сарф қилинади ва иложи борича кўпроқ вақт машқлар бажаришга ажратилади

Слайд 4

- **Лексик метод** билан киритиш деганда лексик материални қандай ўргатсак, грамматик материални ҳам шундай ўргатиш назарда тутилади. Бу йўл билан модал феълларни, нотўғри феълларни ўтган замон шаклини, сифатдош **II** шаклларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу методларнинг кайси бирини танлаш қуйидагиларга боғлиқдир:

Слайд 5

- Ўқувчиларга грамматик ҳодисани тушунтириб, грамматик малакаларни шакллантириш ва уларни ривожлантириб нутқ кўникмаларига айлантириш жараёнида 3 хил машқлар ишалтилади:
- 1. тил машқлари;
- 2. шартли нутқ машқлари;
- 3. нутқ машқлари;

Слайд 1

- Ҳозирги даврда ўрта ўмум таълим мактабларда, яъни 9-синфгача 1100 лексик бирлик ўзлаштирилиши лозим. Гимназия ва академик лицейларда эса ҳаммаси бўлиб 2500 гача лексик бирлик актив равишда ўзлаштирилиши лозим

Слайд 2

- **Лексик минимумни чегараланиши ёки методик термин билан айтганда танланиши бир қанча масалалар билан боғлиқдир:**
- **1. чет тили ўқитишнинг амалий мақсади билан;**
- **2. қандай билим юртида ўргатилиши билан;**
- **3. нутқ фаолиятини қайси турларини ўстириш билан боғлиқдир, яъни актив ва пассив лексик миниимумнинг миқдори билан.**

Слайд 5

- Тилшуносликнинг хусусиятлари 2 гуруҳга ажратилади:
- 1. инглиз тили лексикасининг ўзини хусусиятлари;
- 2. инглиз тили лексикасини она тили лексикаси билан таққослаганда келиб чиқадиган хусусиятлар.

Слайд 6

- Тилшунослик хусусиятлар ҳам шакл ва маъно жиҳатдан келиб чиқади.
- Биринчи гуруҳ хусусиятларига қуйидагилар киради:
- 1. инглиз тилидаги сўзларнинг баъзи ҳарфларини ўқилмаслиги (шакл жаҳатдан): light, whose, what, knife ва бошқалар;.
- 2. баъзи инглиз сўзларини қоидадан ташқари ўқилиши (шакл): to give, to put, bread, gone;
- 3. Сўзларни кўп маъноли бўлиши (маъно):

Слайд 7

- Икккинчи гуруҳга, яъни инглиз тили лексикасини она тили лексикаси билан қиёслаганда қуйидаги хусусиятлар мавжудлиги аниқланади:
- 1. ўзбек тилидаги сўзга инглиз тилидаги иккита сўзнинг тўғри келиши: қўл – arm, hand;
- 2. байналминал сўзларнинг мавжудлиги: start, valley – ball;
- 3 . шаклнинг бир хилдалиги, лексик маънони ҳар хиллиги: a magazine;
- Юқорида айтиб ўтилган тилшунослик хусусиятларни ўқитувчи томонидан билиб олиниши, лексик бирликларни ўргатишдаги қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беради;
- 4. юқорида айтилган лексик материални ўргатишда ва ўзлаштиришда ҳосил бўладиган қийинчиликларни ҳисобга олиб уларни гуруҳларга бўлиниши лексикани мотодик типология қилиш дейилади;

Слайд 1

- Нутқ фаолияти турларини ҳар хил гуруҳга ажратишга келсак, айрим олимлар уларни
- Рецептив – репродуктив – продуктив.
- Актив – пассив нутқ.
- Тайёрланган ёки тайёрланмаган нутқ шаклларига ажратишади.

- Нутқ механизми, нутқнинг содир бўлиши – туғилиши назарияси А.Н.Леонтьев, А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқаларнинг чет тил таълимируҳшунослигидаги тадқиқотларида ўрганилган. Аниқланишича, нутқ фаолияти мулоқотга эҳтиёжнинг мавжудлиги, мақсаднинг қўйилиши ва шунга мос восита – тил материлларининг жамланиши натижасида пайдо бўлади.

Слайд 2

- Тингланаётган нутқ оқимининг шаклига кўра ҳам қатор қийинчиликлар юзага келади, ҳусусан
- Якка нутқни (монолог) тинглашдаги қийинчиликлар;
- Жуфт нутқни (диалог) тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар;
- Гуруҳ нутқни (полилог) тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар.

Слайд 3

- Матнлар устида ишлашнинг 3 босқичли йўли амалиётда қўлланилади:
- А) матн олди ишлари
- Б) матн устида ишлаш
- В) матндан сўнгги иш (кўп ҳолларда матнни тушунганлигини текширишга қаратилади).

СЛАЙД 1

- Гапириш-нутқ фаолиятининг оғзаки туридир, шунинг учун ҳам гапириш тинглаб тушуниш билан ўзвий боғлиқ ҳолда ўргатилади, айниқса жуфт шаклида суҳбатлашишда тинглаб тушунмай гаплашиб бўлмайди.

СЛАЙД 2

- Гапириш механизми тўғрисидаги таълимот, юқорида айтиб ўтилганидек, руҳшуносликда, жумладан чет тил таълимируҳшунослигида (А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқалар) яхши тадқиқ этилган. Ушбу таълимотга кўра гапирувчида аввало фикр туғилади ва уни айтишга эҳтиёжни ҳис қилиши зарур, сўнгра танлов механизми ишга тушади,яъни сўзловчи ўз хотирасидан фикрни баёни учун зарур бўлган тил материалини танлаб топиши керак бўлади ва уларни ўзаро боғлайди-да талаффўзга (артикулятцияга) чиқаради.

- Ушбу механизмда артикуляция талаффўз босқичи ҳам 2 бўлимдан иборат бўлиб, аввало жуда қисқартирилган ички талаффўз (ички нутқ) ва сиртқи –овоз чиқариб талаффўз этиш босқичларига эгадир. Ички нутқ сиртқи нутққа нисбатан фикрнинг аниқ тил воситалари билан тўла таъминланган ташқи талаффўз аъзолари иштироки орқали содир этиладиган нутқ шаклидир.

СЛАЙД 3

- Гапириш турларига келсак, улар
- A) якка нутқ-монолог-monologue speech;
- B) жуфт нутқ-диалог-dialogue speech;
- C) гуруҳ нутқ-полилогга ажратилади.
- Лекин, чет тилида гапиришни ўргатишда асосан олимлар, мутахассислар гапиришнинг монолог ва диалог турларини ўргатиш масалалари ҳақида фикр юритадилар; гуруҳ нутқ тури табиатан мавжуд бўлсада, полилогни ўргатиш йўл-йўриқлари ҳақида фикрлар жуда кам, машқлар ҳақида ҳам алоҳида тадқиқот етарли эмас. Полилогни ўргатиш диалог нутқни ўргатиш методикасига қўшиб юборилади деса ҳам бўлади.

СЛАЙД 4

- **Гапиришнинг** бу турларини таърифлашда кўпинча уларнинг психофизиологик ва тилшунослик фарқлари солиштирилиб, уларни ўргатиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган: масалан якка нутқ – монолог бу турдаги мулоқотда иштирок этувчиларга нисбатан 1 кишининг нутқи бўлиб (суҳбатдош) тингловчига бевосита ёки билвосита йўналтирилган бўлади. Бевосита якка нутқ тингловчи гапирувчи олдида бўлади ва якка нутқ унга қаратилган бўлади, лекин тингловчи сўзловчи нутқига аралашмай тинглайди.

- Билвосита якка нутқда эса тингловчи сўзловчи ҳўзурида бўлмайди ва нутқ мавҳум тингловчига қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам якка нутқ тил жиҳатидан мукаммал, гаплар тўлиқ, синтактик ва стил жиҳатидан мураккаб тартибли бўлади,қолаверса ушбу нутқ турида нолисоний-экстралингвистик (паралингвистика соҳаси) воситалар бўлмайди.
- Якка нутқнинг ахборот,баён,таҳлил,тасвир,тавсиф каби шаклларини фарқлаш мумкин. Айниқса билвосита якка нутқ ёзма нутқ шаклига яқин бўлиб,кўпинча ёзма баён этилади. Ҳар қандай якка нутқда аниқ режага асосан фикр юритилади:тахминан ҳар қандай монологнинг кириш қисми,асосий қисм ва хулоса қисмлари бўлиб, оғзаки ёки ёзма шаклда юз бериши мумкин.

СЛАЙД 5

- Тилшунослик жиҳатидан қаралганда жуфт нутқда жумлалар қисқа, мавзу ўзгарувчан,луқмаларга,ифодаларга,ҳис-ҳаяжон ва имо-ишораларга бой нутқдир. Суҳбатдошларнинг ҳатти-ҳаракат,имо-ишоралари тил воситаларининг қисқариб кетишга омил бўлиб хизмат қилади. Жуфт нутқда, юқорида таъкидланганидек, нутқ луқмаларининг яъни,нутққа ундовчи тил бирликларининг аҳамияти катта, чунки бу луқмалар нутқни ўзлуксиз давом этишига, шерикларнинг суҳбати ўзилиб қолмаслигига хизмат қилади. Таркибига кўра луқмалар содда ёки мураккаб қисмли бўлиши мумкин.

- Масалан:
- СОДДА
- Yes! Yes? No. Well! Oh? Why?! O.K. Really? Sorry?
- МУРАККАБ
- Excuse me. I beg your pardon! You are welcome. Here you are! Neither do I. So do I.

СЛАЙД 6

- Мақсадга кўра луқмалар
- Савол –жавоб: May I? –Yes please.
- Савол –жавоб: Excuse me? –Yes?
- Хабар –савол: I can’t join you.-Why?
- Жавоб –савол: No,I don’t- why? ва ҳ.к

СЛАЙД 1

- **Ўқиш –нутқ фаолиятининг рецептив тури бўлиб, кўриш сезгилари орқали ёзма ахборотни қабул қилиб унинг мазмунини тушуниш фаолиятидир. Албатта бунда эшитиш анализатори ва талаффўз аъзолари ҳам фаол иштирок қилади, бу эса ўқиш фаолиятининг тинглаб тушуниш, гапириш билан ўзвий боғлиқлигидан далолат беради, қолаверса ўқиш ёзма нутқ билан боғлиқ бўлгани учун ёзув билан, мазмунни тушуниш учун йўналтирилганлиги, ички**

СЛАЙД 2

- Чет тилида ўқиш фаолияти жуда мураккаб жараён бўлиб, уни учбурчак шаклда тасаввур қилиш мумкин. Ўқишнинг психофизиологик механизми руҳшуносликда, жумладан чет тиллар ўқитишруҳшунослигида тадқиқ этилган.
- Тиллар ўқитиш методикаси тарихидан маълумки, тўғри метод намояндаларидан бири М.Уэст ўқиш фаолиятига жуда аниқ баҳо берган ва чет тил ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблаган. Турли типдаги ўқув юртларининг

СЛАЙД 3

- Ўқишнинг учала тури ҳам шаклан ҳар хил бўлиши мумкин:
  - Овоз чиқариб ёки чиқармай ўқиш
  - Луғатли ёки луғатсиз ўқиш
  - Якка ёки жўр бўлиб ўқиш
  - Аудитория ёки уйда ўқиш
  - Аналитик ёки синтетик ўқиш
  - Таржимали ёки таржимасиз ўқиш
  - Тайёрланган ёки тайёрланмаган ўқиш ва бошқалар.

СЛАЙД 4

- Бирон бир ўқиш тури учун мўлжалланган матн устида ишлашнинг 4 босқичи бор:
- А)матнгача бўлган босқич
- Б)матн билан ишлаш босқичи
- В)матндан кейинги босқич
- Г)ижодий босқич
- Ҳар бир босқич ўз мақсад ва мазмунига, машқлар турига эгадир
- Ўқишни ўргатиш машқлар тизими 2 гуруҳга бўлинади.
- Ўқиш шаклига йўналтирилган тил тайёрлов машқлари
- Мазмунга йўналтирилган-нутқ машқлари.

Слайд 5

- Ўқишни ўргатиш учун мўлжалланган машқларни кўрсатинг.
- Чет тилни амалий эгаллашда ёзув бошқа нутқ турлари қаторида қандай ўринни эгаллайди?
- Ёзув ва ёзма нутқни шакллантиришда қандай машқлар умумий бўлиши мумкин?
- Гапириш ўқиш ва ёзув учун умумий бўлган малакаларни ажратиб кўрсатинг.

СЛАЙД 6

- Ёзувнинг психофизиологик механизмига, турига, ҳамда дастурий талабларга кўра ёзувни ўргатиш машқлар тизими 2 гуруҳга бўлинади:
- А) Ёзувни ўргатиш машқлари
- Б) Ёзма нутқни ўргатиш машқлари

СЛАЙД 1

- **Режалаштириш.**
- 1. Чет тили ўргатишнинг унумдор ва мақсадга мувофиқ бўлиши ўқув жараёнини тўғри режалаштиришга боғлиқдир.
- 2. Режалаштириш тизимини муддати, мазмуни бўйича турларга бўлиш мумкин. Муддати бўйича режалар 4 га бўлинади.
- 1. бир ўқув йили ёки тўрт чораклик;
- 2. ярим ўқув йили учун ёки 2 чораклик;
- 3. бир чораклик;
- 4. бир соатлик;

СЛАЙД 2

- Мазмуни бўйича эса икки турга бўлинади;
- 1. календар тематик режа;
- 2. бир соатлик ёки кундалик режа;
- Календар, яъни йиллик режа одатда дарслик муаллифлари томонидан тўзилади. Уни тўзишда дастур талаблари, ўқув-методик мажмуа мазмуни ва тўзилиши, ўқувчилар ёш хусусиятлари ва замонавий дарслик назарияси ҳисобга олинади. Йиллик режа ярим йиллик, чорак режаларидан ташкил топади. Унинг таркибига мавзу режалари ҳам киради

СЛАЙД 3

- Ярим йиллик режаларни шаҳар ёки туман ўқитувчилари бирлашмаси тўзади. Календар тематик режада ҳар бир мавзунинг тил материали нутқ фаолияти турлари ва дарс тизими машғулотларига бўлинади. Ўқитувчи календар тематик режа тўзаётганда дарс мавзусини, асосий ва қўшимча вазифаларни, жиҳоз ва воситаларни белгилайди. У ўқитувчиларнинг талаффўз, лексика, грамматика бўйича ўзлаштира оладиган тил ҳамда илгаридан шакллантириладиган, ривожлантириладиган малака кўникмаларни, қўшимча машқларни, вазифаларни чегаралайди.
- Йиллик ва календар тематик режаларга ижодий методик ўзгаришларни ўқитувчи киритиши мумкин, лекин тил материали ўзгармайди.
- Бир соатлик дарс режасини ҳар қайси ўқитувчи ўзи тўзади.

СЛАЙД 4

- Дарс режаси.
- Мавзуий режага суянган ҳолда дарс конспекти (режаси) ёзилади. Дарс режаси деганда дарсда ўтказиладиган машқлар ва бошқа барча ишларнинг аниқ тасвири ва уларга сарфланадиган вақт миқдорий ўлчови кўрсатиладиган дарс режаси тушунилади. Режани тўзишда ўқитувчи чет тили дарсига қўйиладиган талабларни ҳисобга олади.

Слайд 5

Дарс режасини лойиҳаси қуйидагича бўлади:

- Синф сана
- Дарс мавзуси
- Дарснинг мақсади
- Тарбиявий, таълимий, ривожланувчи мақсад
- Жиҳозлаш
- Дарснинг бориши
- 1. Дарснинг бошланиши
- 1) Warm up (чет тили атмосферасини

- 2. Асосий қисм
- 3) янги мавзуни ўқитиш
- а) киритиш
- б) машқлар бажариш
- в) ўқиш
- г) ёзиш
- 3. Якуний қисм
- 4. Баҳолаш
- 5. Уйга вазифа

СЛАЙД 6

- Дарснинг бориши 3 қисмдан иборат бўлади. Бошланиш қисмида саломлашиб, чет тил атмосфераси яратилади. Бунда ўқувчиларга ўқув ўйинлари тақдим этилиб, олиб борилади.
- Уй вазифаси текширилиши мумкин. Албатта, ўқув ўйини шу дарснинг мақсади билан боғлиқ бўлиши керак. Асосий қисмда янги мавзу ўтилади: сўзларни семантизация қилиш ва нутқда қўллашни ўргатилади ёки грамматик материал киритилиб, бунинг учун дарсликдаги машқларни бажариш кўрсатилади.
- Якуний қисмда ўқувчилар баҳоланади ва уй вазифаси берилиб хайрлашади. Дарс режасидаги ҳар бир бажариладиган машқ ва ундаги иш турига вақт белгиланади.

СЛАЙД 7

Факультатив шароитида гапиришнинг қуйидаги (П.Б Гурвич таклиф қилган) асосий усулларидан фойдаланилади.

Якка нутқда гапириш.

- Тингланган ва ўқилган матннинг мазмунини айтиб бериш.
- Ўқилган ва кўрилган нарса ёки ҳодисанинг қисқача мазмунини баён этиш.
- Кўрган ва ўқиганини танқидий таҳлил қилиш.
- Шахсий ҳаётидан ахборот бериш.
- Матбуот материали бўйича сиёсий воқеаларни сўзлаш.
- Маърўзалар қилиш.
- Спорт ҳақида ахборот бериш.

- **Ж у ф т н у т қ д а г а п и р и ш:**
- Ҳаётий мулоқот мақомидаги суҳбат.
- Мунозаралар ўтқазиш.
- Ўқилган матннинг мазмунини ролларга кириб айтиш.
- **Т а я н ч с ў з л а р**
- дарс мавзуси
- дарснинг мақсади
- дарс турлари
- дарс босқичлари
- дарснинг жиҳози
- дарснинг бошланиши
- асосий қисми
- якуний қисми
- чет тили мухити

10. режалаштириш
11. режа турлари
12. мавзувий режа
13. дарс режаси
14. дарс режасининг лойиҳаси